

НАВҚИРОНЛИК



Аслида ҳеч бир нашрнинг обрўйини унинг ёши белгиламайди. Шундай эса-да ҳар бир газета ёки журнал ташкил бўлганига фалон йил тўлибди деса, унинг ашаддий ўқувчиси худди бир яқин одамнинг туғилган кунини эшитгандай ширин энтикади, ҳаяжонланади.

Бугун биз ҳам “Ёшлик”нинг асл мухлисларига, садоқатли муаллифларига унинг 20 ёшга тўлганини биров эслатиб қўймоқчимиз.

Ҳа, азизлар, қадрдон журналлимиз бугун нақ 20 ёшга кирди! Навқирон ёш!

Йигирма йил ичида журнал ўзининг юзлаб муаллифларига эга бўлди. Балки минглаб янги номларни кашф этгандир. Бу рақамнинг катталиги унчалик муҳим эмас. Адабиёт сон-санокни, китобларнинг семизлигини эмас, асл истеъдодни, садоқатни, чидам-сабот, илмни хуш кўради.

Шу маънода “Ёшлик” журнали чин адабиётга қадрдон бўлиб яшади, ҳар қандай қийин иқтисодий шарт-шароитларда ҳам унга бевафолик қилмади.

Фақат истеъдод билан битилган шеър, дoston, ҳикоя, қисса, романгина адабиётнинг жон томири эканини ҳис этиб яшади.

Журналга даставвал элимизнинг суюкли шоири Эркин Воҳидов раҳбарлик қилди. Ўша даврда шу нашр орқали Мурод Муҳаммад Дўст, Тоғай Мурод, Хайридин Султонов, Гаффор Ҳотамов, Эркин Аъзам, Аҳмад Аъзам, Хуршид Дўстмуҳаммад, Нормурод Норқобилов, Набижон Боқий, Нурулло Отахонов сингари ёзувчиларимиз, Хуршид Даврон, Шавкат Раҳмон, Усмон Азим, Икром Отамурод, Муҳаммад Раҳмон, Азим Суюн, Йўлдош Эшбек, Сулаймон Раҳмон, Муҳаммад Юсуф, Сирожиддин Саййид, Мирзо Кенжабек, Тилак Жўра ва

бошқа қатор ўтнафас шоирларимиз доврў таратишди.

Замонавий ўзбек насри мулкига айланган “Галатепага қайтиш”, “От кишнаган оқшом”, “Саодат соҳили”, “Ёзнинг ёлғиз ёдгори”, “Қудуқ тепасидаги ой” каби асарлар дунё юзини кўрди.

Ўзбекистон халқ шоири Омон Матжон халқнинг руҳиятида мустақилликка бўлган интилиш, ҳаракатлар кучайган даврда бош муҳаррир бўлди. Журнал адади 400 минг нусхагача кўтарилди.

Гарчи асарларда публицистик руҳ кучайган бўлса-да, халқнинг тил, эътиқод, давлат суверенитети тўғрисидаги дарди, фикрининг ошкора минбарига айланди.

Мустақиллигимизнинг дастлабки йилларида Ўзбекистон халқ ёзувчиси Тоҳир Малик, сўнгра истеъдодли адиб Гаффор Ҳотамовлар муҳаррирлик қилишди. Бу йилларда ҳам журнал мундарижаси бойиди, мазмунан янги рунлар пайдо бўлди.

Мустақиллик барча нашрлар қатори “Ёшлик” учун ҳам ҳар жиҳатдан қонуний ҳуқуқлар берди. Иқтисодий жиҳатдан ҳам эркинликка эришилди. Фоявий тазйиқ, кўрсатмалардан холи бўлди. Бугун журнал мустақил Ўзбекистон давлати қонунлари мустақамлаб берган барча ҳуқуқлардан тўла фойдаланиб яшамоқда. У адабиётимизнинг янги вакиллари майдонга чиқиши учун каттақон бир дарбоза вазифасини бажарди ва бажаряпти.

Навқирон носирларимиз Шойим Бўтаев, Назар Эшонкул, Тўхтамурод Рустамов, Абдуқаюм Йўлдошев, Кўчқор Норқобил, Шодикул Ҳамроев, Уйғун Рўзиев, Исажон Султонов, Луқмон Бўрихон, Зулфия Қуролбой қизини, Баҳром Рўзимухаммад, Чоршаъм, Абдували Қутбилдин, Эшқобил Шукур, Аъзам Ўктам, Равшан Файз, Зулфия Мўминова, Абдул Жалил, Азиз Саид, Ҳалима Аҳмедова, Зебо Мирзаева, Фахриёр, қолаверса, Гулжамол Асқарова, Хосият Рустамова каби шоиру шоирларимиз ижодини халққа таништиришда асосий минбарлардан бири бўлди.

Адабиёт боғи нақадар гўзал бўстон бўлгани билан у ўзига мудом анвойи гуллар излайди. Топади ва... йўқотали ҳам. Бугун биз мазкур журналнинг бир вақтлар шеърят бўлимини бошқариб ўз ҳиссаларини қўшган Шавкат Раҳмон ва Равшан Файз, бу бўстонда мушк-анбар бўйларини таратуриб тўсатдан сўлган гуллар: Муҳаммад Юсуф, Тилак Жўра, Аъзам Ўктам, Чори Аваз, Ҳамза Имонбердиев сингари муаллифларимиз руҳлари қошида бош эгамиз, жойлари жаннатдан бўлсин деймиз.

“Ёшлик” бундан буён ҳам ёшлар ижодининг камол топишига, алал-оқибат адабиёт равнақига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшаверади.

Усмои АЗИМ



Бошимда - **ҚИШ**
 Қалбда - **БАҲОР**
 Мақдиримда -
ТИЙРАМОҚ...

ЖАЛОЛИДДИҲ ЛАШКАРИ

Даштда судралар
 оёқлари
 кесилган шамол.
 Отлар -эгасиз.
 Нолаларнинг тили йўқ.
 Нажотнинг кўзлари ўйилган -
 бизни топа олмас
 абадий.
 Фақат ёв қиличларининг кўзи очик.
 Фақат ўқ топиб келар бизларни.
 Алвидо!
 Биз озодлик беролмадик сенга, Ватан
 Энди бизни кўм!
 Қўрқма,
 озодликдан бошқа
 ҳеч нарса
 униб чиқмайди
 бизнинг қабримиздан.

22.9.2000

*ҲАММАНДАШНИНГ АСР.
 ҚИШНИНГ АЙТИЛИШИ*

Мен -сахронгда тўзгиган Термиз.
 Қисматга йўқ аммо риоя -
 Йилеяпти юрагим ҳануз :
 -... Оҳ, вайрон айладинг кетдинг,
 вой-вой-а!...

Тинмай чақди танҳолик - илон.
 Оғудан ҳам топмай ниҳоя -
 Юрак кезар ортингдан сарсон:
 -... Саргардон айладинг кетдинг,
 вой-вой-а!...

Бу сахронга қара - бори қум.
 Суянмоққа қолмади қоя.
 Фақат дардинг - илохий мазмун :
 -... Тириклай ўлдинг кетдинг,
 вой-вой-а!...

Нола этдим ўртаниб ҳар дам,
 -Қанча ўлсам бўлур кифоя?
 Жоним сўнгсиз ўлимга ҳамдам:
 -... Ажалга тўлдинг кетдинг,
 вой-вой-а!...

... Сен ўзганинг эшиқларида
Кезинасан кундай бесоя.
Куч қайда ғам қўшиқларига? -
“Уф” тортасан фақат :
-Вой-вой-а !.. Вой-вой-а !..

28 .2 .2002

OP34

Ҳаракатга тўлди тор вужуд —
юрагимни зўриқиш босган:
бесаблик -
энг асл субут -
мени тайёр тутар парвозга.

Биқинимни қиличдай ёриб,
ҳозир ўсиб чиқади қанот...
Мен фалакнинг қаърига бориб -
бир ҳақ сўзни олгум келар ёд.

Бу ёлғончи дунё қозони,
ўтрик ўтда кўпирар тайин.
Бир чин сўзга тугиб дунёни,
юрак каби ўлиб кетсайдим...

7. 1. 2002.

ДОСТОЖДАҲ КЕЎИНАТИ ҚИШЛАРДАҲ БИРИ

Сойлар бор бўйича бурам-бурам муз,
Маст кезар изғирин - саноқсиз пичоқ;
Ўтовлар кифтига ташлайди кигиз,
Қўнжига югуриб киради ўчоқ.

Жондор исин сезиб отлар кишнайди,
Қўйлар тағларини этади мурдор.
Димиққан таблада мудраб қишлайди
Жигарин ёғ босган семиз Бойчибор.

Қору қон аралаш - кечанинг тарзи.
Бўрилар увлайди. Кўй-кўзи доллар.
Қийқириб қайдадир қуради базм,
Орқаси эгарни унитган зотлар.

Шамол изиллайди. Увлайди бўрон -
Авжига кўтарар қиш ривожини.
Мудрайди Алпомиш. Мудрайди. Ҳар он
Тузатиб кўяркан огир тожини.

Қирқ йигит - қирқ кўйнинг калласин ғажир.
Ўртада қирқ корсон - кўпирар бўза.
Сархуш бир беквачча, сиртлондай абжир,
Кул раққос лабидан олади бўса.

Алпомиш мудрайди. Куйлар қайдадир
Бахши - товушида мардона сабот:
Унингча, Алпомиш чоғга қайтадир,
Унингча, бўлиниб борар Кўнғирот.

Алпни уйғотади ваҳшат талваса:
Қиличга кўлини чўзаркан шошинч,
Кўзларини очиб бундоқ қараса,
Ғилоф бўш - бош олиб кетгандир қилич.

Ойбарчин қаерда? О, ростгўй аёл! -
Бундай пайт ёлғонни кўрармиди эп -
Ғамидан чин айтиб, йиғлайди ҳалол:
“Зиндондан чиқмаган Алпомишим!..” деб.

Ташқари чиқади улуг бий...
- Эгам!..

Нақадар чоҳинг ҳам гўзалдир бу чоғ!
...Муҳташам зиндоннинг самоватидан
Қор ёғар. Сочилган орзудай. Оппоқ.

Алпомиш қор кечиб жўнайди. Шамол
Учириб кетади бошдан тожини.
Қисматдан у яна излайди аъмол -

Руҳининг адашган эҳтиёжини.

Алпомиш қор кечиб боради.
Қайга?

Нечун ортга боқиб ёшланар кўзи?
У алпдир - этади зиндонсиз жойга...

- Қолганларини, танграм, асрагин ўзинг!

23. 10. 2001.

* * *

1

Туну кузни тўзғиб қучди -
Кўзғалди шамол.
Мен эски бир баргдай учдим,
Яна сен томон.

Бу шамолда жанда жисмим
Пора-порадир-
Фақат руҳим қолар, исминг-
Соғинч қоладир . . .

2

Нима бўлди? Куз соросар,
Боғда тўзғин ҳол?
Қоронғуни йиртмоқ қадар
Келди бир шамол.

Деразадан қарадингу,
Сескандинг ногоҳ,
Нималарни сездинг, ёху,
Недан сен огоҳ?
Ташқарига чиқдинг, “оҳ” ни
Ичингга ютиб.
Ва йиғладинг - юзларингни
Шамолга тутиб.

21. 11. 2001 .

* * *

Туш кўрди қуш.

Ҳаётида нифоқ -
жисмига учмоқлик туюлмиш эриш :
қанча силкитмасин қанотин,
бироқ
ердан вужудини узолмас эмиш.

Ё, оллоҳ,
яқинми охират рўзи?
Митти юраги ёрулғудай бу дам :
жисми чарчадимни -
нима бўлаяпти ўзи,
тупроққа қайтгиси келяптими, эгам ?

Қуш сачраб уйғонди.
-Бағринга ол, осмон,
ўлим тушгандай жонимнинг қасдига . . .
У жонҳалак учди.

Туши йиқилди
(соғ-омон),
шохи бир қалқиган дарахт остига.

Қуш ваҳим ичра
фалакда пирпиради узоқ,
аммо мангу парвозга қодирмас -
У яна дарахтга қўнди,
бироқ
пастга - тушига қарашга ботинмас.

Кўксига юраги бежо урар:
- Дарахтнинг борлиги қандай бахт ! . . .
... Уни елкасида кўтариб турар,
Шу қўрқувдан
ўсаётган дарахт.

4. 11. 2001.

* * *

Бу дунёнинг боғларида
шовуллади шамоллар.
Кетаётган заволларми -
келаётган камоллар?

Ё тескари тартиботда
тескари бир талошми?
Сезаяпман: гулу хазон-
ҳаёт-мамот қалоши.

Юрагимда аралашди
сонсиз шамол шиддати -
эркалиги, ёвузлиги,
сифатию иллоти.

Ташқарига чиқсам ҳозир
(қўймас руҳнинг ғужури),
баҳорми, куз - қайси фасл
кетар жисмим учириб?

Бу аралаш Вақт кафтида
қайга боргум саросар?..
Юрагимга дард қўйилар -
бесон фасл баробар.

О, Оллоҳнинг фасли бисёр,
етажакман бориға.
Бугун жоним дуннинг ботин
Чексиз фаслзорида.

Учта фаслим эса - ошкор,
бунга ўзинг ҳам гувоҳ;
бошимда - қиш, қалба - баҳор,
тақдиримда - тийрамоҳ.

19-20. 10. 2001.

* * *

Йиғлаганим йўқ.
Қичқираяпман.

Ҳар қичқиримдан
қушдай учиб чиқар
юрагим.

Ўқ теккан
қушдай.

Худойим,
юрагим оғрияпти.

Яшаш -
қичқирққа айланди,
худойим.

17. 10. 2001.

"ШЕРИЙ ҚУНДАЛИК" ДАҲ

* * *

Одамликдан ўтдим.
Қушдай сайраяпман чирқираб.
Аммо

бу қадар соғинмоқни
худо буюрмаган жонзотиға -
Юрагим ёрилади ҳозир.
Хуллас,
жоним илоннинг оғзида.
Минг шукур,
барча ошиқлар каби
мен ҳам илонни севганман,
азиз илоним...

* * *

Чумчуқлар - ҳаракатда,
чумчуқлар - сайрашда:
бетартиб жонсаракликка турмушлари тўлган.
Бу бетартибликда
уларнинг

яшаши - гўзалликка ўхшаш...
Деразадан қараб турибман,
ҳовлига чиқолмайман -
ҳовлига чиқсам,
чўчиб учиб кетар улар - бараварига -
бу гўзалликдан.
Тартиб - чўчишдан ҳам яралишини эса
кўргим келмаяпти
бу маҳал...

* * *

Ҳаво дим.
Осмонда булутлар қотган.
Шамоллар қўл-оёқсиз - буталар тагида ётар.
Дарахтларнинг бир-бирига айтадиган гапи йўқ -
суҳбат тарк этган боғни.
Чумолилар инларига кириб кетганлар.
Қушлар ташлаганлар сайрашни -
фақат қарғалар қағиллар.

Юраклар безовта,
бошларда оғриқ,
оғир ўйлар чўккан кўзларнинг тубига.
Аммо қаттиқ нафас олишдан ҳам чўчийди
бу дунё.

Сабр - мутеликка ўтиб бўлган,
қаноат - қулликка.

"Қилт" этган бир шамол кўзғолса эди,
Бир қатим шамол -
Ёмғирдай тўкилиб кетарди барча,
ёмғирдай...

* * *

Ўсишдан тўхтаган майса,
қиёқларингнинг учи сарғайди.
Энди баҳор йўқ -
сув ариқларда.
Сени эркаловчи булутлар ўлган,
қуёш бўйнингга қўйган пичоғини,
имиллаб сўяр -
сарғайиб борасан,
сарғайиб...

Сув эса ариқда,
оёғинг йўқ - соҳилга югуриб борайин десанг,
ёхуд шамол эмассан,
лабларингни босолмайсан сувга,
ҳеч бўлмаса,
салқинлик эмассан
яшасанг сувнинг нафасини шимириб.

Мен эса баҳор бўлолмадим.
Бу дунёнинг барча майсаларига
қайдан сув етказай?

Ол, кўз ёшимни ич.
Дунёда энг умрбоқий майсалар
кўз ёшдан яралгандир.





Шойим БЎТАЕВ

ШОҲОНА СОВҒА

Қисса

Ҳозирги насримиз тараққиётига баҳоли қудрат ҳисса қўшиш учун баракали ижод этаётган ёш насирлардан бири Шойим Бўтаевдир. Унинг илк машқий ҳикояларидан тортиб бугун ёзган “Шоҳона совға” номли

қиссасигача каминанинг бир-бир назарига тушган.

Унинг қатор ҳикоя, қиссалари, “Қўрғонланган ой” романи чиқди. Шунингдек, “Дунёнинг сарҳисоби бор”, “Энди бари бошқача”, “Эна юрт”, “Шамол ўйини”, “Қуноқтардаги боғ” номли китоблари бирин-кетин дунё юзини кўрди. Яқинда у менга янги “Ҳаёт” деган китобини тақдим этди. Бу китобда жамланган қиссаларда бугунги кун, одамларимиз бор бўй-басти билан кўрсатилган. Шуларга асосланиб мен Шойим Бўтаевни сермахсул ижод қилаёттир дея оламан. Ва ўз навбатида бу фазилат унинг бошқа тенгқурларига ҳам ибрат бўлишини хоҳлар эдим.

Ёзувчининг мазкур “Шоҳона совға” қиссаси ҳам жиддий асар. Умр бўйи ўз эътиқоди, ҳалоллиги билан мақтаниб яшаб келган одам уларнинг сароб эканлигини ҳаётининг сўнгги лаҳзасида пайқаб қолади. Бу фожианинг моҳиятини ўзингиз асарни бирров ўқиб тасаввур қилинг энди...

Умуман, қиссада ҳалоллик ва ҳаром-ҳариш, эзгулик ва ёвузлик туйғулари ўзига хос йўсинда тасвирланади. Қишлоқ одамлари, воқеа-ҳодисаларни таъсирчан бўёқларда чизади.

Каминани Шойимнинг ҳар бир ёзган асарини нафақат китоб ҳолида, балки кундалик газета, журнал саҳифаларида ёритилаётганларини ҳам мутолаа қилиб бораман. Шогирдларим сафида унинг асарлари ўзига хос бадиий маҳорати, услуби билан ажралиб туради. Шойимнинг ҳар янги асарида юксалиш ва ранг-барангликни кўряпман.

Қаерда, ким бўлиб ишлагани, у доимо мен билан кўришишга, кези келганда маслаҳат сўрашга, режалари билан ўртоқлашишга вақт топади. Ва бундан каминанинг кекса кўнгли тоғдек юксалади. Яна бир нарсдан қувонаманки, Шойим бугун ўз ўқувчилари, мухлисларига эга каттақон ёзувчи бўлди. Албатта, бу унинг ўз меҳнати ва маҳорати самарасидир.

Шу боис янги қиссаси ҳам журналхонлар томонидан илиқ кутиб олинishiга шубҳа қилмайман.

Одил ЁҚУБОВ.
Ўзбекистон халқ ёзувчиси.

1

У, кўча айланмоқчи бўлиб, ҳассасини излади. Ҳамиша йўлақда турар эди, йўқ - тополмади. Бошқа ёқларниям қараб чиқди. Нима бало, ер ютганми, осмонга учганми-кўзга ташланмади; ҳарқалай, жон ато қилиб, бирор кавакка ўрмалаб кириб кетмагандир, ахир?

Унинг ҳафсаласи пир бўлди-да, қайтиб хонасига кирди.

Диванга чўқди ва қандайдир гайри ихтиёрийлик етовида беихтиёр ўгирилиб... кўрдик, ҳассаси диван суюнчиғига суюб қўйилган экан.

Водариг... Ҳассасини кимдир йўлақдан олиб, бу ерга қўйиб кетгандай эди.

Ким келдийкин, дея миясига урилган ўй чақмоғи ким ҳам келарди, деган бошқа собитроғининг думидан етаклаб чиқиб, унинг кўнглида ваҳимага ўхшаш нимадир уйғотди.

Энди кўчага чиқишга-да хоҳиш-истак қолмади.

Диванга қўзилди. Торикди. Яна туриб ўтирди.

Бекорчиликдан ҳассасини қўлига олиб, томошалади. Ажиб бир матоҳ-да! Дастаси ушлашга ўнғай, кафтни терлатмайди. Ҳассанинг учигаам резинами,

шунга ўхшаш бир нарса ёпиштирилган, ҳар қандай тош йўлдаям дўқилламайди.

Қандай ёғочдан ишланганикин?

Билиб бўлмайди.

Ёғочмас-ов!

Ё ёғочмикан?

2

Йигирма йил бурун, мамлакатдаги обрўли ва-зирликни бошқараётган маҳалида у делегация раҳбари бўлиб Араб мамлакатларининг бирига борганди.

Ташрифнинг охири кунда подшо саройида зиёфат берилди.

Ёши саксонлардан ошиб қолган, юзидан нур ёғилиб турган оқ соқолли кекса подшо унга муғомбирона тикилиб, сизга қандай совға қилсам, кўнглингиз хушнуд бўлади, деганди кулимсираб. У бўлса, жиддий туриб, мен ўз мамлакатим ва халқим олдидаги бурчимни бажардим, мана шу улуғ ишдан бошқасига эҳтиёжим йўқ, рухсат берсангиз, ўз юртимизга қайтсак, девди. Кекса подшоҳ унинг елкасига валломатларча қоқиб қўйиб, раҳмат, сизнинг ҳалол,

виждонли, ўз мамлакатингиз ва халқингизнинг муносиб фарзанди эканлигингизга шубҳам қолмади, сиз уларнинг фахр-ифтихори, ғурурининг рамзи бўлишга арзийсиз, деб олқишлаганди. Сўнгра унга мана шу ҳассани кўрсатиб, буни мендан эсдалик-ёдгорлик сифатида олишингизни сўрайман; кўриб турибсиз, бу оддий ҳасса, баҳосиям арзимас, дея кўзлари-ю юзида ўша-ўша муғомбирона кулимсираш билан узатганди.

Бундай вазиятда подшонинг қўлини қайтариб бўлмасди.

Раҳмат, дея дунёга донғи кетган подшонинг қўлидан ҳассани олаётиб, у кулиб қўйганди, оддий ва арзимас баҳодаги мана шу ҳассани сизнинг самимиятингиз тимсоли сифатида қадрлайман.

Ҳаммининг ҳам бошида кексалик бор, деганди подшо ҳамон муғомбирона кулимсираганча, сизга совға қилаётганим ҳассани, албатта, ўзингиз учун асраб қўясиз ва у бирон бир кунингизга яраса, мен ўзимни бахтиёр хис қилардим.

Шу тариха тантанали маросим тугаб, улар ажрашганди.

3

Бир йил бўлди, у пенсияга чиқди.

Хотини ўлиб кетган.

Ўгли алоҳида квартирада, оиласи билан яшайди. Қизи турмушдан ажраган бўлсаям, негадир отаси билан тургиси келмайди. Ҳар ким ўз бошига, ўз тўшига, деган гапни болалигида қишлоқда аллақайси кампирдан бот-бот эшитарди, ўшанинг маъносини энди билипти.

Кўрсатган хизматларим эвазига маза қилиб дам оламан, деб ўйлаганди пенсияга чиқаётганда.

Қайда?

Ёлғизлик дам бермаскан одамга.

Азоб экан.

Кунига йигирма йил аввал кекса подшо тақдим этган ҳасса яраб қолди. Ушанга суяниб кўчага чиқди, ўшанга суяниб кўча айланади.

«Жойинг жаннатда булгур подшо валий эканми, - деб ўйлайди. - Менинг шу кунларимни олдиндан кўра билганмикан?»

Ҳассага таяниб кўча айланганда, собиқ вазир энг аввало, вивескаларга, шиорларга кўз ташлайди.

Тундлашади.

Дўкондан газета олиб, бир қур кўз югуртирадида, нимагадир ҳафсаласи пир бўлиб, фикимлаганча йўл четига ташлаб юборади.

Бари бир хил, деб тўнғиллайди.

Илгариги оғайнилари ҳассага суяниб, қовоғини очмай юрган вазирни кўришса, ўзларини четга олишади.

У ҳақда, эскича қарашлардан воз кечолмаган, консерватив, шахсий ҳаётда бахтсиз одам, дейишади.

Собиқ ишхонасида уни танишмайди. Танишсаям, собиқ вазир уларга, улар собиқ вазирга ёқмайди. Собиқ вазир неча ўн йиллар ишлаган бўлсаям, давлатнинг тийинига ҳам хиёнат қилмаганди. Хиёнат қилмай яшаш қандай, қай тариха бўлишини у яхши биларди. Ўз аҳволини кўраётганлари билан солиштириб, булар ҳеч нарсадан қайтишмайди, деган хаёлга борарди. Бундай хаёллар негадир уни эзарди, негалигини ўзи билмасди.

4

Собиқ вазир ҳассани томошалаб, хаёли қочиб ўтирди-ўтирди-да, нимадир эсига тушиб, суяниб кетди.

«Бўлди, бас, туғилган қишлоғимга қайтаман», деди овоз чиқариб.

Шуни нима учун илгарироқ ўйламаганига ажабланди.

Ўгли билан қизини чақирмоқчи бўлди.

Ўзи чақирмаса, улар қорасиниям кўрсатишмайди. Шу мақсадда сим қоқди.

Ўгли билан қизи кечқурун келишди.

Собиқ вазир ўглидан неварасини нега етаклаб келмаганини сўрамоқчи эди, бироқ, унинг кўрсатадиган важ-қарсонлари жудаям бачкана бўлишини хаёлига келтириб, индамай қўя қолди. Собиқ вазирнинг неварасини жондан суюшини ўғлиям, келиниям яхши билишади, яхши билишгани ҳолда, негадир ундан болани олиб қочишгани қочишган. Наҳотки, ўз неварамни мендан қизганишса, ўйлайди собиқ вазир изтироб чекиб. Аслида, ундай эмас, уни қизганишмайди, фақат ҳалоллик ҳақидаги чўпчаклари билан бобоси боланинг миясини чалғитади, ўзининг эски ақидаларини унга сингдириб, замонадан ортда қолдиради, деб ўйлашади.

Ака-сингил деярли бир вақтда кириб келишди. Ўртадан кичкина столча ажратиб турган бурчақдаги оромкурсиларга чўкишди. Ўгли столчани бармоқларининг учи билан тиқиллатиб, димоғида аллақандай куйни хиргойи қилганича оёқларини чалиштириб ўтирарди. Сочининг олди тўкилиб, бақбақалари осилиб қолган, ёши қирқдан ўтган бу одам собиқ вазирнинг кўзига ҳамон ёш боладай кўринарди. Дарвоқе, унинг кийиниши-ю турқ-тароватида ёши ўтаётганини тан олмасликка уринишга ўхшаш нималардир бор эди.

У қанақадир майкага ўхшаш кўйлак, жинси шортик кийиб олганди. Бўйнида йўғон тилла занжир, жун босган (садқаи жун) билагида тилла билакузук, бармоқларида хилма-хил узуклар.

Собиқ вазир ўғлини ўзининг ахлоқий-маънавий қарашларига эга мустақил инсон сифатида кўришни умр бўйи истади. Энг муҳими, фарзандимиз бизга муносиб бўлсин, дерди у раҳматлик аёлига. Бировнинг ҳақиқа кўз олайтирмайдиган олийжаноб қалб соҳиби, мард-танги инсон сифатида уни кўрсам, армоним йўқ, дерди.

Уни манамаман деган домлалар дарс берадиган жойларда ўқитди, тил ўргансин деди. Оқибатда, на у ёқли, на бу ёқли гапирадиган бўлди. Отасиниям дам сизлайди, дам сенсирайди.

Ишга жойлади, эпложмади, яна жойлади, яна...

Бирор жойда у ўзининг тузук-куруқ қобилиятини кўрсатаолмади.


Собиқ вазир у билан умуман қизиқмай қўйди.

Бир-икки йилдирки, бу махлуқ отасининг кўзини ўйнатмоқчи бўлгандай, ҳар хил тилла тақинчоқлар тақиб, алмойи-алжойи кийиниб юрадиган, фалон доллар, пистон марка, деб гапирадиган бўлиб қолди. У қанақадир бизнес билан машғул бўлиб кетганмиш.

Аввал хотинини, кейин синглисини ишдан бўшатиб олди.

Янга-ю қайнисингил дам Техронга, дам Бахрайнга, яна бир кун қарабсизки Истамбулга, кейинги сафар Малайзияга учишади. Ўғил уларни аэропортда кузатиб қўяди, катта-катта сумкалар олиб тушишганида кутиб олади, сумкаларни кўтаришиб юборади. Илгарилари тортинчоқдай кўринган қизиям даққилашиб, юзингда кўзинг борми демай шартта-шартта гапирадиган бўлди.

Собиқ вазир диваннинг ўртасида, ҳассасини ўйнаганича, уларга қарамасдан мунғайиб ўтирди-



Ўтирди-да, туйқусдан:

- Қишлоққа кетсам дегандим,- деди.
- Қачон қайтасиз? - сўради ўғли.
- Бутунлай... - минғирлади собиқ вазир.

Собиқ вазир улардан умид узган бўлса-да, кўнглининг бир четида, илкис шошиб қолишса керак, деган илинж бор эди. Бехуда экан. Қизи бўлса, ҳеч тап тортмай, индаллосини айтди-қўйди:

- Наверно, ты собираешься умирать?

«Шунақа бўлса керак», ўйлади собиқ вазир ички хотиржамлик билан, бу хотиржамликдан кўрққулик эди. Ака синглисига ола қаради:

-Эй...

Сингил бепарво бўлди, мақсадга кўчди:

- Наследство... нимаиди... анавунақа мерос масаласини ҳам гаплашиб олиш керак-да!

- Успеем, - деди ака бу масалада ўзининг оқиллигини намойиш этаётгандек, босиқлик билан.

- Қишлоқда бирор нарса бўлиб қолсалар-чи, - деди сингил «бирор нарса» ҳақида бепарволик билан, мушукнинг ўлими ҳақида сўз кетаётгандек. - Кейин қаёққа югурамиз? Хотя қоғозларга қўл қўйдириб олиш керак.

Собиқ вазир зўрғатдан кулди:

- Менинг қўл қўядиган ҳеч қандай қоғозим йўқ, - деди.

Қиз чақчайиб, қандайдир аччиқ сўз айтмоқчи эди, акаси унинг қўлидан ушлаб, тўхтатиб қолди. Ўғил шарти кетиб парти қолган чолнинг бойликлари миқдорини қайси йўл билан бўлмасин, билиб олишга уринарди. Узоқ йиллар вазирлик қилган бу қари кўппақда анча-мунча пул, тилла бўлиши шубҳасиз. Илгариги вазирлар ҳозиргиларга ўхшаб ҳашаматли уйлар қуришга, машиналар олишга кўрқишган - сиёсат шунақа бўлган. Ўғил, ҳозир қандай бўлмасин, отасининг жахлини чиқармай, қитиқ-патиға тегмай, меросга эга чиқиш йўлини изларди. Хаёлида, чол пишиқ-пухта, топган-тутганининг ҳаммасини тиллага айлантириб қўйган бўлса керак, деган ўй бор эди.

- Мен шунча йил ҳалол ишлаб, ҳалол яшадим, - деди собиқ вазир бўғзига нимадир тикилгандай бўлиб. - Бу дунёга мерос қилиб сизларни қолдирдим-ку. Ўқитдим, кийдирдим, едирдим, ичирдим...- яна нима?

- О-о-о! - ўғли қўлини икки томонга ёйди, юзи жигарранг бўлиб кетди. - Едирдим, кийдирдим... ҳар қандай простой одам этого умеет, толпа тоже могут так делать. А ты ...

- Министр! - хитоб қилди кинояли тарзда қизи.

- Атрофга қаранг, министрларнинг нималар қилаётганини кўрасиз, - деди ўғил қўлини ёйиб, тева-рак-атрофни кўрсатмоқчи бўлгандай. - Болалари учун милён-милён долларларни Швейцария банкига қўйишмоқда. Мен министрнинг фарзандиман десак, кўни-кўшнилар ҳам кулишади. Қанақа аҳмоқ министр эканки, ақалли битта мошин ҳам олиб бермаган дейишади...

- Бизнинг вақтимизда бунақа ишлар мумкин эмасди, - деди собиқ вазир ва ичида, мумкин бўлганида қилармидинг, деган фикрни кечириб, ўзидан-ўзи нафратланиб кетди.

- Ҳозир мумкин экан-да, - деди қизи.

«Ҳозир ҳам мумкин эмас, - собиқ вазирнинг боши лўқиллаб оғриганича, ўйда давом этди, - бироқ, мумкин ҳам... Қайдан олдинг, дейишмайди...»

Собиқ вазир ториқиб кетди.

Қизи:

- Квартира масаласи... - деб сўз бошловди, у гапни чувалатмай, очигини айта қолди:

- Квартира КЭЧнинг балансида, давлатда қолади.

Ўғил билан қиз ўринларидан сапчиб туриб кетаёзишди.

Иккаласиям келишиб олишгандек, баббараварига чинқариб юборишди:

- Квартирани КЭЧнинг балансидан чиқариб олишга ҳаққингиз бор-ку?!

Собиқ вазир индамади.

Ўғли, шошмай тур, дегандек синглисининг қўлини босиб, бу ишнинг йўриқини ўзи биладигандек:

- Даже они сами предлагают так делать, - деди йигламсираган овозда, бизнес билан шуғулланиб юргани учун отасининг бу қилиғи нечоғли фожиа эканлигини у ҳис қилиб турарди.

- Ўзим истамадим, - собиқ вазир калта жавоб қайтарди.

- Дурак! - оғзидан чиқиб кетди қизнинг.

Собиқ вазир унга қараб ҳассасини отмоқчи бўлди, ўзини базўр босди, кулимсираб тураверди: йўқ, ҳассани отиб нима қилади, буларга квартира тугул, хожатхонаниям раво кўрмайди, ана-а, жазо!

- Антикварний! - ўғли вазиятни юмшатмоқчи бўлди, гапни бурмоқчи бўлди, ишқилиб кўзининг қири билан ҳассага ишора қилди. - Жа-а бўлмаса, шу ҳассани бизга қолдирарсиз, эсдалик учун, - деди масхаралаётгандай.

- Бу ҳассани қолдиролмайман, - деди собиқ вазир жиддий тарзда. - Улуғ бир подшонинг қимматбахо совғаларини олишга унамаганимдан кейин, у менинг ҳалоллигим ва пок виждонимга тасаннолар айтиб, мана шу ҳассани эсдалик учун берганди. Майли, қимматбахо совғаларимни олишга виждонингиз йўл бермас экан, мана шу оддий ҳассани олинг, қариганингизда кунингизга ярар, деганди. Мана яраяпти. Менинг кунимга ана шу ҳассагина яраяпти бугун, - собиқ вазир тантана қилгандай томоқ қириб қўйди.

Ўғил унинг сўзларига парвоям қилмади, ҳассадан кўз узмай тураркан, ҳалиги айтган сўзи ўзига ёқиб қолгандай, бош чайқаб, яна такрорлади:

- Антикварний!

Улар индамай-нетмай чиқиб кетишди.

Собиқ вазир яна ёлғиз қолди.

5

Ўқишга бораман, деб, қишлоқдан чиқиб кетганида хушбичимгина йигитча эди.

Ўқиди, ишлади, қариди - орзу деганлари пуч гап экан. Қишлоққа қайтганида ўтирган жойида ҳар ярим соатда мудраб-мудраб кетадиган қария эди. Шунча йиллар давомида орттириб келгани битта эски шляпа ва ҳасса эди.

Ажабо?!

Қаерга борди-ю қаердан келди?

Нима ўзгарди-ю нима ўзгармади?

У не-не юртларни кезди.

Осмонлар биноларда ўтказиладиган мажлисларда юмшоқ курсиларга ястаниб ўтирганча, дунёнинг ҳар лаҳзада эврилишига гувоҳ бўлди.

Лекин, қишлоқ ҳамон ўша-ўша эди.

Тўғри, эски феъл-атворларни тупроқ кўмиб юборганди. Униб чиққан янгилари ўша эскиларнинг ўзгинаси эди. Ташқи кўринишидагина бироз фарқ борлиги сезиларди, холос.

Собиқ вазирнинг ичи тўлди, собиқ вазирнинг кўзларига ёш қўйилди.

Уруғ-қариндошлари орасида ёши каттароқлардан тоғаси ҳаёт экан.

У гоҳ аравакашлик, гоҳ қоровуллик қилиб, умр бўйи майда-чуйда хизматларни бажариб юрган, шунга қарамай, кайвонилиги ва ғайрат-шижоати туфайли эл орасида обрўси баланд эди. Жиянининг шахарга кетишини у ҳеч ёқламаган, вазир бўпти, деб эшитганидаям ҳафсаласиз қўл силтаб, бўз тепачада ёнида ўтирган Эргаш полковникдан:

- Айтинг-чи, урушда немиснинг афтини кўрган-мисиз?- деб сўрагани.

Эргаш полковникнинг урушга борган-бормагани маълум эмас эди. Лекин, ҳадеб, мен бу ҳақда Сталинга бунақа дегандим, шунда Жуков менга мана бундай деди, дея лоф-қоф уравергани учун кишлоқдагилар унга «полковник» лақабини беришганди.

Эргаш полковник тоғага ҳавасгами, ҳасадга ўхшаш айрича нигоҳ билан қараб:

- О-ҳо, жиянингиз вазир бўпти-я! - дея хурсандчилигини изҳор қилмоқчи бўлганди, бундай улуг хабарни эшитганда немиснинг афтини эсламайлик, дегандай.

Тоға бўш келмай:

- Айтинг, немиснинг афтини кўрган-мисиз-йўқми? - деб қайталаб сўровди.

Эргаш полковник кўрган немис шунақа девсифат махлуқ эканми ёинки у тасавуридагини тасвирлаб бера бошладими, ишқилиб, гурзи кўтарган бундай жонзодларни фақат Або Муслим жангномаларидагина учратиш мумкин бўлар эди.

- Сиз ҳеч ҳам немисни кўрмагансиз, -девди тоға. -Улар биздан кўра бир неча марта маданиятли, ус-тун халқ. Сиз айтасизки...

- Рост, - минғирловди Эргаш полковник.

- Ана-а! - хитоб қилувди тоға кўнгли тинчиб. - Аммо-лекин, биз учун жиянининг вазиригидан кўра сизнинг немисни кўргангиз, Сталинга ақл ўргатганингиз, полковниклигингиз анча-мунча обрў-эътиборга эга. Шундаймасми?

Эргаш полковник кифт қисувди.

Тоға ўзини ортга ташлаб, кўзларини хиёл қисганча унга олисдан қараётгандай бўлувди:

- Ёки гапимга тушунмадингизми, а-а?! - девди нимагадир ишора қилаётгандай бўлиб.

Эргаш полковникнинг чеҳраси туйқусдан ёришиб:

-Тушундим, тушундим! - девди шоша-пиша. - Тагдор гапларни қиласиз-да, кайвони, нима экан, деб одамнинг эси алоқ-чалок бўлади.

- Ҳарбий одамсиз-да, полковник! - девди тоға касби корининг тайини ҳам бўлмаган Эргаш полковникнинг кўнглини кўтариб. -Тўғри гапларни гапириб ўргангансизлар.

- Рост, рост! - девди Эргаш полковник ўзининг бу камчилигини ҳам бўйнига олиб. - Сталин билан учрашганимизда ҳам...

Кейин улар икки-уч соат мобайнида фақат тўғри-сўзлик, ростгўйлик ҳақида суҳбатлашиб ўтиришганди.

Бари ўтди. Эргаш полковник ҳам. Яхши одам эди гўринг нурга тўлгур.

Тоғаям тўқсондан ошди. Гавдаси кичрайди. Елкалари букчайди. Соч-соқоли оппоқ оқарди. Фақат, шилпик кўзларининг ич-ичида аллақандай ўт милт-милт ёниб қолади.

Тоға кичкинагина салқин уйчада, уч-тўрт қават кўрпача устида ёлғиз ўзи тасбеҳ санаб ўтирар, биров маслаҳатли иш билан ёинки шунчаки йўқлаб келсаям, аввал ўн бир-ўн икки яшар невараси унинг олдига кириб, уёқ-буёқни тўғрилаб, болиш-ёстиқларни жўй-жўйига қўйиб, фалончи келди, деб ха-

бар берар, бобосининг рухсати билан келган одамни ичкарига таклиф этарди. Шундан сўнг, остонада кўзини пирпиратиб турар, бобоси ишора қилса, дастурхонга, чой-нонга, обувозатта югурар, йўқса, индамайгина чиқиб, пойабзалларни жўй-жўйига қўйиб кўярди. Чолнинг ҳар-ҳар замонда ташқарига, ҳожатга боришини ҳисобга олмаганда, у умуман уйдан чиқмасди. Шундаям каттакон хонадоннинг барча иш-юмушини, тирикчилигини бошқариб турарди. Қаерда пичан ўрилмаганини, ток қирқилмаганини, моллар суғорилмаганини ҳамма-ҳаммасини уйдан чиқмай билиб ўтириши, фармойишлар бериши, койиши ажабланарли эди. Боғдаги меваларнинг остига тушиб нобуд бўлаётгани-ю сурувга қўшилган қўйларнинг жунини чўпонлар қирқиб олаётганигача унга аён эди.

Собиқ вазир остона ҳатлаб, уй тўрида лўлаболишларга суяниб ўтирган тоғасига салом берди. Тоға инқиллаб ўрнидан турди, улар кучоқлашиб кўришишди. Тоға жиянига ёнбошидан ўтиришга жўй кўрсатди, омин қилинганча, остонада қаққайиб турган неварасига:

- Дастурхонга қара, - деб қўйди. Невара чопиб чиқиб кетди. Ўртада ноқулай жимлик чўқди.

Сукунатни тасбеҳ доналарининг «ширқ-ширқ» овози бузиб турарди.

Ниҳоят, тоға бошини кўтарди, хирқироқ товушда:

- Ҳа, келдингми? - деб гўлдиради.

Собиқ вазир ҳукумат бошлигининг олдига киргандай ҳаяжонланиб қолди. Нима деярини билмай, зўрға сас берди:

- Келди-им...

Тоғанинг кўзларида нимадир «йилт» этиб чакнаб ўтди. Бу ўт ўз ҳақиқати ва ҳақлигининг амалдаги исботини ярим асрдан сўнг кўраётган инсоннинг тантанаси... йўқ, ҳайрати ифодаси эди.

Тоға кўзларини юмиб олди.

- Кепсан-да!..- такрорлади эшитилар-эшитилмас. Собиқ вазир лоҳасланиб... вазифасидан озод этилаётганидаги, йўқ, ундан-да баттар ҳолатга тушди.

- Мен ҳам қариб қолдим, - деди тоға, ҳақиқатдан ҳам унинг шарти кетиб парти қолгандай эди, аммо, тили дадил эди. - Кўраётган, эштаётган нарсаларим ўнгимми, тушимми эканлигини фарқлолмай қоламан, аралаштириб юборавераман. Ё, товба; шунақа бўларкан-да, ўнгим деганим тушим бўлиб чиқади, тушим деганим ўнгим бўлиб чиқади.

Сен кетиб қолиб, қайсидир жойларда ишладинга, шунақа дейишарди. Ҳеч-ҳеч ишонмасдим, булар барчаси туш дердим, туш экан-да! Мана, ҳозир ҳам чалғиб кетаяпман, мен бир мудраб, бир уйғониб ўтираман-да, хафа бўлмагин; келганинг ҳам тушимми, ўнгимми эканлигини унча фарқлолмаяпман. Бир лаҳзада ўнгимдай кўринса, бир лаҳзада тушимдай кўринади. Шу экан-да! Буни-ку, кўябер; бу-ку, майли; мен ўқтин-ўқтин бу дунё билан у дунёни ҳам аралаштириб юбораяпман-да! Ўзимни ўзим мен нариги дунёдаман-ку, деб ишонтира бошласам, бу дунёда бўлиб чиқаман; энди-энди бу дунёга ишона бошлаганимда, нариги дунёда юргандай бўламан, - тоғани туйқусдан йўтал тутди, у ўхчиб-ўхчиб, лаблари гезариб кетди, ёстиқ остидан рўмол чиқариб, оғзига тутди, йўталганда жуда қийналди, шекилли, чекка томирлари бўртиб, кўзлари намланди. - Шунақа экан-да, - давом этди у ўзига-ўзи гапираётгандек. - Одам ўзи келиб, ўзи қайтиб кетаверар экан-да, шу гап баҳонасида ёдига нимадир тушиб қолиб. - Ўзинг келдингми?- деб сўради.



- Ҳа, ўзим.
 - Айтувдим, шунақа бўлади деб, айтувдим.
 Невара кириб ўртага дастурхон ёзди.
 Нон қўйиб ушатди, ликопчаларда қанд-қурс, май-из келтирди. Каттакон чинни чойнақда чой олиб келиб, чойни қайтарди. Дастлабки пиёлани бобо-сига узатди, кейин собиқ вазирга.
 Шу юмушларни қилиб бўлгунча чол унга индамай қараб турди. У ўрнидан туриб, ташқарига йўналмоқчи бўлганида, чол тўхтатиб, сўради:
 - Қобил амакинг қаерда?
 - Даштда.
 - Даштда нима қиляпти экан?
 - Қўйларга янтоқ чопяпти экан.
 - Қанақа янтоқ?
 Бола индамади.
 - Бир кун янтоқ чопсин, икки кун чопсин, ана-а, бор-ей, уч кун чопсин; икки ҳафтадан буён янтоқ чопадими?
 Бола индамай тураверди.
 Чол ҳам ғазоби босилгунча сукутга кетди.
 Кейин болага:
 — Бор, айт, олдимга келсин, - деб, буйруқ берди.
 Бола чиқиб кетди.
 Ярим соат ўтар-ўтмас остонада чиллаширдай қуриб кетган қирқ-қирқ беш ёшлардаги қоп-қора бир одам кўринди. Ёз чилласи бўлишига қарамай, у асл ранги қанақалиги ҳам билинмай кетган кўйлагига устидан сарғиш жемпер кийиб олган, тиззаларига катта-катта ямоқ солинган шимиям турқи тароватига мос эди. У этигини ечмай турарди, шу боис, кўлини кўксига қўйиб салом берди-да, остона остидаги пўстакка чўка қолди.
 — Дастурхонга яқин ўтир, - деди чол оҳиста, уни эркалаётгандек.
 - Шу ер бўлади, - деди келган киши этигига бир қараб қўйиб; ажабмаски, оёғи терласа, шунинг учун этигини ечишга ҳам ийманаётгандир.
 - Келавер, - деди чол унинг ичидаги фикрни уққандай. -Тупроқ, ўзимизнинг тупроқ. Меҳнаткашни этигинг билан тўрга чиқдинг деб ҳеч ким уришмайди, келавер.
 Келган киши илож тополмади.
 Яқин келди.
 Энди чол билан ҳам, собиқ вазир билан ҳам қўл беришиб кўришди.
 У ўтиргач, чол бошчилигида яна омин қилишди.
 - Нон ол, чойни қайтар, - ўргатиб турди чол.
 Келган киши чойнакни олди, тортиб, собиқ вазирга чой қўйиб узатди. Бир тишлам қора нон синдириб, оғзига солди.
 Чол муддаога кўчди:
 - Амакингни танийсанми?- деб сўради.
 У бош ирғади.
 Энди чол собиқ вазирга юзланиб, айтди:
 - Бу сенга жиян-да, оти Қобилбой, - деди, мана энди аста-секин танишиб олаверасизлар, дегандай бир оҳангда. - Отангдан қолган боғни қарайдиган одам бўлмаганидан кейин, шу Қобилбойга омонат топшириб қўйиб эдик. Яхши қаради, йўкса, бари қуриб, йўқ бўлиб кетарди. Сен ишлаб юрганнингда айтсанг эди, колхоздан ер беришарди, энди беришмайди — ё одамга, ё кўлга қарашади. Ақлинг етмапти-да, ўшанда. Энди ўша отангдан қолган боғда яшайсан-да, четда, тинчгина, айни сенбоп.
 Қобилнинг ранги гезариб кетди.
 Қўллари билинар - билинмас титрай бошлади.
 - Шунга чақирганмидингиз?- деб сўради гала-

ти оҳангда, овози қалтираётгандааи чикди.
 - Шунга эди, - чол суҳбатга яқун ясади.
 Қобил ўзича омин қилиб чиқиб кетди.
 Унинг ҳолатини пайқаган чол индамади.
 Қобил кетиб қолмади. Паналаб кутиб турди. Собиқ вазир ташқарилаганда, югуриб чолнинг олдига кирди.
 - Бобо... - дея сўз бошламоқчийди; биламан, биламан, дегандай чол кўлини хиёл кўтариб, уни тўхтатмоқчи бўлди. Барибир, Қобил бўш келмади:
 - Бобо, боққа озмунча меҳнатим сингдими? Сиз айтувдингизки шу боққа қара, бирор кунингга ярайди, деб.
 - Амакинг учун қилсанг қилибсан-да, - деди чол, шуниям гапириб ўтирибсанми, дегандай.
 - Э! - Қобил қўл силтаб юборди. - Шунча йил вазирлик қилиб амакиннинг бизга бирор ёрдами тегдими? Тўй-маъракага келсаям, райкому раисполкомлар олиб келиб, олиб кетишарди. Ана-а, кунига ярасин энди ўшалар. Боғим бор, боғимга қараб турган жияним бор деб, остонамизга қадам ҳам босмасди-ку?!
 Қобилнинг гина-кудуратларига чол бепарво қулоқ бериб турди, сўнгра уни масхаралаётгандай:
 - Нима, сен райком ё раисполкоммидинг? - деди.
 Қобил жиртак отди:
 - Жияниман-ку?!
 - Вазир бўлгандан кейин райкому раисполкомлар билан гаплашиб, ўшалар билан юради-да.
 - Гаплашаверсин.
 -Энди вазир эмас, сенинг амакинг, - деди чол уқтираётгандек.
 - Боғни бермайман! - тўсатдан Қобилнинг феъли чаппасига айланиб кетди. - Катта ўғлимни кўчириб бормоқчи бўлиб, у ерга битта уйча ҳам қуриб кўювдим. Ана-а, боғинг бор, уй ҳам қуриб қўйибсан, деб, колхоз энди ер ҳам бермайди. Бориб ётиб олам!
 - Ундай қилма, - ўргатди чол. - Одамлар гапиришади.
 - Гапиришса гапиришаверсин!
 - Жа-а қизиқсизлар-а, - чол энди овозини кўтарди. - Мен сизларга илгарилари айтмабмидим, ёғ еганда ёт яхши, қон ичганда қариндош, деб.
 - Айтувдингиз.
 - Бўлди-да! Амакингни кўчириб боравер боққа!
 - Бобо, сизни ҳамма ростгўй, чўрткесар, ҳеч кимни алдамайди, дейишади, - Қобил энди чолни тилдан тутмоқчи бўлди. - Қарайвер, боғ сенга қолади, деб, мени алдаб ишлатган экансиз-да?
 - Э, лодон, - деди чолнинг жаҳли чиқиб, унинг жаҳли чиққанини шундан билса бўлардики, бундай пайтда ҳаммиша «нодон» сўзини «лодон» деб ишлатарди, ўзича бу сўзнинг маъносини яна-да кучайтирмоқчи бўларди. - Боғ сенга қолмай, менга қолармиди? Менинг бир оёғим ерда бўлса, иккинчиси гўрда, лаҳатнинг ичиди. Амакинг худди ўз боғига эгалик қилгандай бўлиб турсин, одамлар кўрсин, сенгаям, амакингаям раҳмат десин, келиб, отасини чироғини ёқди, десин. Кейин бир гап бўлар-да. У ер қарармиди, ток чопармиди, ўт ўрармиди - ҳаммаси сеники-да. Тўрт кунлиги борми-йўқми, қараб туринглар, адо бўпти ўзиям...
 Чол жимиб қолди.
 Қобил бошини ҳам қилиб, пича ўтирди-да, таслим бўлди:
 - Майли, кўчириб боришсин, лекин, мен эмас, бошқа одамлар кўчириб боришсин!
 - Бошқа одамлар кўчириб боришади, сен хабар

олиб турасан -боғ сеники!

Қобил индамади.

Чол ўз ишидан қаноат ҳосил қилиб:

- Бор, энди янтоғингни чопавер, - деб, унга эркинлик бериб юборди.

- Чой борми? - деб, эшиқдан мўралаган неварасини чол имлаб чақирди ва унга собиқ вазирнинг узокроқ қариндоши бўлган икки кишини эртага тушга яқин эшак арава билан келиши кераклигини тайинлаб қўйишни буюрди. Улар, нима учун эшак арава билан деб сўрашса, невараси, ишларингиз бўлмасин, бобом шундай буюрди, дейиши керак экан.

Невараси бу гапларнинг барини ичида пишитиб турганда ҳассасага таяниб остонага кўтарилаётган собиқ вазирнинг қораси кўринди.

- Бора қол, энангга айт, овқатга қарашсин, - деб, чол неварасини чиқариб юборди.

Кейин жиянга текилиб туриб:

- Сен ҳам ҳасса тутибсан-да, - деди.

- Олти ой бўлди, - собиқ вазир илжайди. - Чап оёқнинг мазаси йўқ.

- Оёқми, тиззамми?

- Шу-у... тизза-да, туз йиғилган, дейишди.

- Офтобга солиб ўтириш керак, - инқиллади чол ўзининг ҳар иккала оёғи зирқиллаб оғрий бошлаб.

- Офтоб яхши қилармиш.

- Иссиқ қум ҳам яхши экан, - қўшимча қилди собиқ вазир.

Чол бажонидил қўшилди:

- Иссиқ қум ҳам яхши.

Собиқ вазир жойига ўтириб, ҳассасини ёнига қўйди.

- Иссиқ қум яхши, - минғирлади чол ўзича қандайдир чуқур хаёлга толиб. - Офтоб ҳам яхши. Ҳаммаси яхши, ҳаммаси яхши.

6

Эртаси куни тушга яқин собиқ вазирнинг кўчкўронини, кўрпа-тўшагини иккита узок қариндоши эшак аравага юклашди. Унинг ўзини юкларнинг устига ўтқазиб, ҳассасини кўлига тутқазиб қўйишди. Бу эшак аравада ҳаммиша гўнг ташилар, сомон, похол, пичан ортилар, ҳар ҳил қаланғи-қасанғи, усти бошлари минг ямоқ одамлар минишар, ясалганидан буён бунақа обрўли, шляпа-ю шим костюмдаги, ҳатто, бўйинбоғ боғлаган, ҳатто, бир йил аввал ҳам вазир бўлиб ишлаб турган одамнинг энди ўтириши эди. Бу эшак арава, қишлоқдан боққача олиб бориладиган йўлни, бу йўлдаги шу бугунги сафарни кейинчалик қанча завқ-шавқ билан эсласа арзирди.

Боғ қишлоқдан уч-тўрт чақирим нарида.

Мой тупроқ билқиллаб ётган йўлдан кетилади.

- Тупроқ қизиб кетипти, - деди араванинг ёнида бораётган, йиртиқ калиш кийган қариндош анчадан буён тиг тегмагағ афтини тириштириб. Чамаси, унинг калишини йиртиқ жойидан тупроқ кирган эди.

- Ҳа, тупроқ қизиб кетган, - тасдиқлади иккинчиси ва бу ҳолнинг ёлғиз сабабчиси бўлмиш қуёшга қарамоқчидай, кўзларини қисиб осмонга тикди.

Йўлнинг икки четида ўсган янтоқ, шувок, ковул сингари ўсимликларни устига тупроқ ўтиравериб, уларнинг ранг-тусини ўзгартириб юборган. Аҳён-аҳёнда буталар орасидан туссиз қушлар учиб чиқиб, ҳаволайди.

- Иш-ш! - эшакни тўхтатди оёғи қизиб кетган қариндош.

Арава таққа тақ тўхтади.

Собиқ вазир, нима гап экан, дегандай кўзини устунга тушириб олган шляпасини кўтариб, теваарак

- атрофга қаради.

Бийдай дашт.

Ҳамма ёқни қуёш қиздириб ётади.

Узоқлардан жимирлаб-жимирлаб сароб кўринадди.

Эшакни тўхтатган қариндош йўлни кўндалангига иланг-биланг кесиб ўтган силлиқ изга бирпас тикилиб туриб, ўзидан бўлак ҳеч ким билмайдигандек:

- Илон изи! - деб эълон қилди.

Шериғи:

- Қани? - деганича унинг олдига югуриб борди.

Собиқ вазир ҳам йўлга қаради, кўзи ўтмади, шекилли, ҳеч нима кўрмади.

Иккаласи бўлса, чўкка тушиб, тилла қидираётгандай обдон изга тикилишди.

Кейин оёғи қизиган қариндош туйқусдан ўрнидан сакраб турди-да, таёғи билан буталар остини титкилай-титкилай чап томонга кириб кетди. Шериғи белини ушлаганча унинг ҳаракатларини кузатиб турди.

Беш-ўн дақиқа ўтмаёқ калиши йиртиқ қариндош кўйиш бадани холли-холли, йўғонлиги бош бармоқдай келадиган илонни таёқнинг учига илинтириб чиқди. У энди тупроқнинг қизиб кетганини ҳам унутган, тилла топган гадейдек ҳадеб илжайар, ўқтин-ўқтин:

- Кўлвор экан, - деб қўярди.

Илон таёқнинг учидан шалоплаб ерга тушиб кетар, лекин, қочиб қутилишнинг иложини тополмасди: ахийри, тақдирга тан бергандек, кулча бўлиб ётиб олди.

Калиши йиртиқ қариндош иягини кирт-кирт қашиб, пича ўйланиб турди-да, кейин собиқ вазирнинг ашқол - дашқолларини титкилаб, у ердан чиройли шиша банкани олди.

- Зўр экан, - деди у банканинг уёқ - буёғини айлантириб қўриб. - Қопқоғиям бурама-я!

- Кофе қутиси... - минғирлади собиқ вазир.

Қариндош ўз хаёли билан банд эди, эшитмади; кейин шартта:

- Шу банкага манаву илонни солиб қўйсақ, - деди.

Собиқ вазирнинг илонга ичи ачидими ёинки банкани аямиди, ишқилиб:

- Қўйиб юборсаларингиз-чи, - деди.

Қариндош унга масхаралаётгандай бўлиб қаради:

- Э, йўқ! - деди, собиқ вазир илонни ундан тортиб олиб, қўйиб юборадигандек бир тарзда. - Буни бозорга олиб чиқиб сотсақ, эвазига бир пуд буғдой беради. Бир пуд-а! Ҳазилми сизга бу?

- Ким ҳам оларди уни? - деди собиқ вазир ишонқирамаётгандай.

- Олишади! - деди ишонч билан қариндош. - Ҳозир нима кўп, касал кўп. Дўхтирга боргандан, ўзини илон билан даволагани яхши-да. Типратикан ҳам даво. Дўхтир, дўхтир дейишади; нима у дўхтир? Мана, сиз яхши танирсиз, эшитган ҳам чиқарсиз, яқинда кўшни қишлоқда раис бўлиб ишлаган бир одамнинг қорни тўсатдан оғриб қолибди. Дўхтирга олиб боришпти. Ҳа, депти дўхтир, бу ким? Бу раис эди, депти қариндошлари. Раис эдимиз, деб суяниб кетипти дўхтир. Ҳа, дейишпти қариндошлари. Дўхтир уни толга ётқазиб, дарров қорнини ёрипти, операса қилипти. Ана иннайкейин, раис эди, деган қариндошларининг айтган гапларига пушаймон қилдирипти. Қорнини ёрганига мўмай пул санаб олгач, фалон дорихонадан манави дорини олиб келинглари, бунисини олиб келинглари, деб қоғоз ёзиб

бераверибди, улар олиб келаверишипти, олиб келаверишипти, шунча дорини филга овқат ўрнида едирса, фил бўкиб ўларкан. Яна денг, ҳар битта дорининг нархи шунақа осмонда эканки, у дорини сотиб олгандан, ўнта камбағалнинг индамай оёғини узатиб, жаннатни ҳидлаб тургани маъқул экан. Шу денг, раиснинг бир ўғли бор экан. Дуч келган жойга, деворгами, ўтирган ўрнигами, имзочасини қўйиб кетавераркан, катталикнинг машқини олиб юрарканда. Тарки одат амри маҳол, деб, дорихонадан дўхтирхонага боргунча ҳар бир дори қутисининг чекагинасига бебилискигина имзочасини қўйиб қўяверипти. Шунгача бориб етиптики, баъзи бир дориларни дўхтир икки мартадан буюрипти. Раиснинг ўғли янги сотиб олган дори қутисининг чекагинасига имзочасини қўяман деса, ўзининг имзочаси туприпти-да! Ана-а, гап қаёқда экан, дўхтир билан дорихоначининг тили битта экан, дўхтир ёзиб бераверар экан, дорихоначи сотаверар экан, дўхтир дорини дорихоначига қайтариб юбориб, яна ёзиб бераверар экан, дорихоначи яна сотаверар экан, битта дорини юз марта, ҳатто юз мартадан ҳам кўп сотган дейишади. Ана-а, гап қаёқда! - илон тутган қариндош собиқ вазирга тиржайиб қаради. -Ана-а иннайкейин бўпти-ку жанжал... Дўхтирни бу жойдан олиб у жойга қўйишипти, дорихоначини бу жойдан олиб у жойга қўйишипти, тамом - вассалом!

- Бизнинг давримизда бунақа гаплар йўқ эди, - деди собиқ вазир ўзини оқлаётгандек. Илон тутган қариндошнинг пала-партиш гаплари остидаги фожиа унга қаттиқ таъсир қилган, юраги санчий бошлаганди.

- Даврингиз ўтди, тоғажон, - деди белини ушлаб турган қариндош «тоғажон» сўзига алоҳида ургу бериб.

Илон тутган ўзини табиблардек ҳис этиб, илонни банкага қамади, ишбилармон сотувчилардек банканинг уёқ - буёғини айлантириб кўрар экан:

- Ўша дўхтирлардан манави илоннинг ўлса ўлиги ортиқ-да!-деди ўзи ҳам сезмаган ҳолда мазмундор гап қилиб.

Энди у тупроқнинг иссиқлигидан ҳам, калишнинг тешигидан кириб оёғини куйдираётганидан ҳам шикоят қилмай қўйди, аксинча, ҳайратга миниб, яна топармиканман, деган умидда ён-атрофга аланг-жаланг назар ташлаб кетаверди.

Боққа етишди.

Боғ деганлари одамларнинг беш-олти сўтихдан тоқзорлари эди. Оқар сув ўтгани учун шу ерни танлашиб, боғ қилишган. Айтишларича, бу гапгаям салкам юз йиллар бўлган, ҳозир ариқ суви кичрайиб, тубида жилдирабгина оқади. Бу ерда ҳеч ким муқим турмасди, ертоклар бўлгани учун ток очиш, чопиш, қирқиш, кўмиш ишларини бир кун-ярим кунда бажариб қишлоққа қайтиб кетишарди. Узум пишгач, кечкурунлари келишиб, бир челақ-ярим челақ узум узиб кетишарди. Токзордан ташқари боғда катта-катта ўриклар, ёнғоқлар бор эди. Собиқ вазирнинг боғини четидаям кичкинагини ёнғоқ бор эди, жудаям каттариб, ҳаммаёқни соя босиб кетипти.

Тоғанинг хоҳиши билан собиқ вазирнинг боққа кўчиб боришидан икки йил аввал Гавҳар деган жувон ҳам оиласи билан кўчиб борганди.

Унинг боққа кўчиб боришининг ўз сабаби бор эди.

Гавҳар ўттизларга бориб қолган, қоп-қора, девқомату фил кучига яраша яратган тилдан ҳам унга учтўрт қулоч берган, қаёқдаги бўлмағур сўзларни топиб шаллақилик қилишга суяги йўқ эди.

Қайнота-қайнонаси унинг ишидан рози, ўзидан рози, уй тутишидан рози, кўчқордай-кўчқордай неваралар туғиб берганидан рози, тилидан безор эдилар! Бу тилдан кўни-қўшнию бутун қишлоқ аҳли ҳам зир-зир титрашар эди.

Агар, у тилига бир эрк берадиган бўлса, тўфондай тошар, бўрондай қутирар эди.

Қадимги юнон шоири Еврипид айнан шу Гавҳарни тасаввур этиб, ўз замонасида унга қасида битиб кетгандай эди:

**Даҳшатлидир қутирганда денгиз тўфони,
Даҳшатлидир сув тошқини, ёнғин балоси,
Даҳшатлидир қашшоқлик... лек жоҳил аёлнинг
Ғазабидан қаҳқор даҳшат йўқдир ва бўлмас!**

Алал-оқибатда унинг тилидаги ҳаяжон қўлигаям ўтиб, бировларни босиб урар, шундан кейингина хумордан чиқиб, сокин нафас олар эди.

Ахийри, алдаб-сулдаб, уй қуриб бериб, боққа кўчиришди-ю, ундан қутилишди.

Икки йилдирки, Гавҳар қишлоқдан узилиб қолди.

Шаллақилиги кучаяверса, эри-ю болалари гугуртними, тузними баҳона қилиб, қишлоққа жўнаб қолишар, шу тариқа кунни кеч қилиб қайтишарди.

Одам тополмаганидан, Гавҳар дарахтлари ўт-ўланлар, мол-ҳоллар, булутлар-у қуёш билан ҳам гаплашиб кетаверарди. Қарғагиси келсаям, шуларни қарғаб захрини сочарди. Бора-бора одамни соғинадиган, одамни кўрса, оғзидан бол томиб, қўйгани жой тополмайдиган бўлиб қолди. Бирор баҳона билан қишлоққа бориб қолса, бир уй аёлни оғзига қаратарди.

- Одамдан айланайин-а, одамдан айланайин! - дерди оқ рўмолни бошига елвагай ташлаб олиб зангори экранда чиқадиған, жумлаи жаҳонни сафсаталари билан лол қолдирмоққа жидду жаҳд қилган маддох аёллардан ҳам ошиб тушиб. - Одамнинг исгинасидан айланайин-а! Ғўристондай кимсасиз жойларда билинаркан-да одамнинг қадри. Кексамиешми, одамнинг қошу кўзларидан айланайин-а. Оёғининг гардини кўзларимга тўтиё қилайин-а!...

Ана шундай кунларда барчанинг оғзидан Гавҳар, унинг «доно» гаплари тушмасди.

- Худо назар қилса шунақа бўларкан-да! - таърифлашарди уни. - Олдида ўтирсанг би-ир гапларни айтадики, би-ир гапларни айтадики, қаймоқ оёётгандай бўласан.

Бир гал Гавҳар қўлини ошпичоқ билан кесиб олиб, туман марказидаги дўхтирхонага борди. Ёшгина дўхтирнинг оғзини ўз гаплари билан ланг очтириб қўйди. Дўхтир, унинг қўлини дорилаб боғлаб қўйди-да, яна-да жиддийроқ дардларингиз ҳам борга ўхшайди-ку, деб, уни руҳий касалликлар шифокорига кўрсатди.

Маълум бўлишича, шизофрения ва яна алланимабало деган касалликлариям бўларкан уларнинг. Гавҳарнинг сўзамоллигига қойил қолишганидан ана шунақа касалликларни ҳам унга беришиб, фалон-пистон қоғозларни тўлдириб келсангиз, сизни инвалидлик пенсасига чиқарамиз, еттита болани боқиб катта қилаётганингиз иш стажига ўтади, дейишди. Гавҳар бу гапни ҳаммаёққа ёйиб чикди, қишлоқ аёлларининг ярмидан кўпи пенса дарагини эшитиб, ўша дўхтирга югуришди; бизга ҳам ўша касаллигингиздан берасиз, деб, унинг ёқасига ёпишишди; ўзи ораларингизда соғларингиз йўқ экан, деганича дўхтир амаллаб қутилди.

Собиқ вазирнинг боққа кўчиб келиши ана шу вақтларга тўғри келди.

Аравани йўлда қолдиришиб, икки қариндош собиқ вазирнинг кўч-кўронини елкага олишди, ўтира туринг, дейишиб унинг ўзини туширишга шошилишмади.

Гавҳарнинг уйи олдидан ўтишди.

Гавҳар супада ўз-ўзича нималарнидир минғирлаб кир ювиб ўтирар эди.

- Ҳорма, Гавҳар! - қичқирди қариндошлардан бири.

Гавҳар чўчиб тушди.

Ўгирилиб, уларни кўргач, шоша-пиша лозими устига кўйлагининг этагини тортиб, ёпди.

Уларни таниди.

Таниб, шодланди.

- Во-ой одамнинг исидан айланайин-а, исгина-сидан айланайин-а, одамнинг! - деди ҳавони искаб кўраётгандай бурнини чўзиб. - Бора-бора билинган-да одамнинг қадри! Во-ой, айланиблар кетайин-а, кўчиб келаяпсизларми? - У бир муддат анграйганча қараб қолиб, кўпчилик одамни кўраётгандай бўлиб, таажжубу қувонч аралаш қайталаб сўради. - Во-ой, ҳаммаларингиз кўчиб келаяпсизларми?

- Вазир бовани кўчириб келяпмиз, - деди илон тутиб олган қариндош у томонга қия қараб.

Гавҳар бу хабарни эшитиб, ҳовриқиб кетди.

- Во-ой, қани ўзлари? - деб сўради.

- Аравада қолдилар.

Гавҳар кўлининг мағзавасини тоғора ичига сиририб ташлади-да, саросар ўрнидан турди. Кўчага қараб чолди. Тили оёғидан ҳам илдамлик қилди.

-Во-ой айланайин вазир бовадан! - дея, тинмай шақиллай кетди. - Аравада ўтирибдиларми-я! Шундай вазир бова-я! Раҳматли отам айтардиларки, вазир бова келаверсалар, ҳамма тик оёқда бошини эгиб туради, деб. Нимага бошини эгади шунча одам? Ҳурматиға-да! Во-ой, ман аввалроқ билмайманми-я шунга? Чиқиб кутиб олмайманми? Чиқибгина кутиб олмайманми-я?...

Гавҳар ҳаллослаб қолди.

Кейинги пайтларда феъли қанчалик майинлашгани сайин, гавдасиям шунчалик тарвақайлаб, кулоч етмас бўлиб бормоқдайди. Эшак арава устида яроғ-бардори Санча Панчони кутаётган диловар рицар Дон Кихотдек бўлиб ўтирган собиқ вазирни кўрган заҳоти Гавҳар таққа тўхтаб, валдирашни-да бас қилиб, қотди-қолди. Фақат ҳарсиллагани эшитилар, тоғдай-тоғдай кўкраклари гурсиллаб кўтарилиб тушаётгандай эди. Кейинчалик у ўзининг бу ҳолати ҳақида, мани вазир бованинг ҳаёси-ю салобати босиб қолди, деб очик-ойдин айтди. На олдинга, на орқага қадам ташлашга юраги дов бермаётгандай эди. Анча муддат ана шундай қаққайиб турди-турди-да, туйқусдан тили ечилиб кетгандай:

- Ассалому алайкум, вазир бова, - деб, кўлини кўксига кўйганча, хуштавозе бўлди. - Кўчиб келиб-сиз-да.

Собиқ вазирнинг ҳорғин кўзларига нур ингандай бўлди. Гавҳарнинг саломига алик олди.

- Ҳа, кўчиб келдим, - дея, хўрсиниб қўйди.

- Во-ой, одамдан айланайин-а, - қўшни топилганидан, қўшни бўлгандаям чакана қўшни эмас, вазир бовадай қўшни топилганидан Гавҳар шодлигини ичига сиғдиролмасди. - Ҳозир бориб чойга қарайин-чи...

Изига қайтаркан:

- Ҳо-ой Нарғиза, чой қўй, қумғонни ўчоққа ос-а, жувонмарг! -дея қувончли довул кўтарди.

Қариндошлар нарсаларни ташиб бўлишганидан кейин собиқ вазирнинг қўлтигидан ушлаб унинг ерга

тушиб олишига кўмаклашишди. У анча вақт қимирламай турди, оёқлари увишиб қолганди. Кейин ҳассага таянганча битта-битта қадам ташлаб уни кўчириб келганларнинг ортидан юрди.

Қобилнинг аламзадалигида жон бор эди.

У боғнинг бир чеккасига, каттакон ёнғоқ дарахтининг остига шинамгина уйча қуриб қўйганди. Уйчанинг олдида ер супа. Ёнғоқнинг сояси тушиб тургани учун бунақа салқин жойни топиб бўлмайди.

- Ҳозир кун иссиқ, - деди илон тутиб олган қариндош пешонасининг терини артиб. - Кечаси мана шу супада ётсангиз ҳам бўлаверади.

- Электр ўтказилмаган экан-да, - деди собиқ вазир тепага қараб.

- Ҳозир ойнинг ёруғи етади, - деди нариги қариндош. - Нима, сиз кашта тикармидингиз?

Қишлоққа қараганда боғ анча-мунча салқин, баҳаво эди. Собиқ вазир теварак-атрофга разм солди. Собиқ вазир кўзини ўргатди. Кўз таниш нарсаларни қидирди собиқ вазир.

7

Эслади: мол-ҳол кирмасин деб, боғнинг атрофини паҳса девор билан ўраб кўрган қилишувди эгалари. Ўша девор кўринди.

Нурай-нурай, ўрқач-ўрқач бўлиб қолганди.

Тикланиб кўринди.

Ана-а...

Эсонкул девкор! Кетмон соқол, ҳайбатли одам, кафтлари супадай-супадай келади, паҳсани ана шу девкор урапти.

Ана-а...

Собиқ вазирнинг отаси.

Пешонасини қийиқ билан танғиб олган, қўллари ортида, бироз энкайган куйи лой тепяпти.

- Пишит-а, пишит; сақичдай бўлсин, - гулдирайди Эсонкул девкор.

Ана-а...

Ҳаммалари таниш одамлар.

Дарахт остида давра қуриб, кўр тўкиб ўтиришибди.

Сопол косани бошларига кўтарганча қатикланган уграни «хур-хур» ичишади.

- Ҳа-а, кўлинг дард кўрмасин-а, Ризвон!

Собиқ вазир қалқиб тушди.

Ким?

Кимнинг овози?

Ким эди у онасини олқишлаган?

Собиқ вазир аниқ эшитди.

Шунча йиллар қайси дарахтнинг қавагида яшириниб ётган экан бу овоз?

Эгасига етганмикан бу овоз?

Ё энди қидириб кетдимикан?

Топиб борармикан, топиб борармикан?

Топиб борадиган бўлса, йўлбошловчи бўлиб собиқ вазирниям нега эргаштирмади? Етиб юролмайди дедими? Ахир, тиззалари оғригини ҳам унутганча, ҳассасини бир четга ташлаб югурмасмиди, тойчоқдайин сакраб-сакраб кетмасмиди, шамол бўлиб елмасмиди?

Собиқ вазирнинг мижжалари намланди.

8

Бир қўлида нон ўралган дастурхон, иккинчи қўлида тунука чойнак кўтарган Гавҳар:

- Дориламон кунларгаям етиб келдиг-а; замонамиздан айланайин-а, замонамиздан ўргилайин-а, - деганича қувончини ичига сиғдиролмасди.

Қўлидаги нарсаларни супа четиға қўйиб, собиқ



вазирнинг юклари орасидан бир шолча топди, четга чиқиб уни қоқди ва ёнғоқнинг шундоққина тагига шолчани тўшаб жой қилди.

Кейин кўрпача тўшаб болиш қўйди, дастурхон ёзиб, нон ушатаркан, уйча олдида ҳассага суянганча ҳардамхаёл турган собиқ вазирни чақирди.

- Келинг, вазир бова. Чой ичиб олинг, кейин қарайверасиз, - деди, собиқ вазирни қаёққадир қараяпти, шекилли, деб ўйлаб.

Собиқ вазир шолча тўшалган томонга йўналди.

Гавҳар собиқ вазирнинг қариндошларини таклиф қилмади.

Шунда қариндошлар бир-бирларига:

- Чой ичиб олайлиг-а, - дея гап маъқуллатишиб, собиқ вазирнинг ортидан эргашишди.

Икки-учта пиёла, талқон солинган тақсимча кўтариб келаётган ўн-ўн бир ёшлардаги қизча уч-тўрт қадам нарида тўхтаб, иккиланиб туриб қолди.

- Ке, келавер, - чорлади уни Гавҳар. - Вазир бованга салом бер.

Аяси қанчалик қистамасин, қизча жойида қаққайиб тураверди. Гавҳар ўзи бориб, унинг кўлидаги нарсаларни олиб келди ва қизчани оқлаётгандай:

- Вазир бованинг салобатлари босади-да, - деб қўйди.

- Гавҳар, ошқозонинг оғримайдимиз? - сўраб қолди тўсатдан илон топиб олган қариндош шолчанинг бир четига чўкаётиб.

Гавҳар унга чақчайиб қаради:

- Оғримайди, нимаиди?

- Илон тутиб олдим, - деди илон тутиб олган қариндош мақтанаётгандек. - Кўлвор илон. Мобода ошқозонинг оғриганида сенга арзонроққа берардим, пишириб есанг тузаларди.

- Кўлворми-сўлворми, илоннинг турқи курсин, - деди Гавҳар афтини жирканаётгандай бужмайтириб. - Ўла қолсам ҳам емасман!

- Жонинг оғриганидан кейин ейсан-а! - негадир қулди илон тутиб олган қариндош.

- Емайман!

- Ейсан!

- Емайман!

- Ейсан!

- Ундан кўра ўриснинг дорисини ичаман.

- Ўриснинг дорисини сотиб олишга кучинг етмайди.

- Нега етмас экан, етади. Икки қоп майиз сотиб, пулини тахлаб қўйганман. Жарақ-жарақ санаб бериб, олаверман-да ўриснинг дорисини.

- Ўриснинг дорисига оҳақ қўшишармиш, ундан кўра илон яхши-да!

- Ўлсин илон.. Турқи курсин!

- Турқи курсин дема.

- Дейман-да!

- Э, кўп шақиллама! - оғзидан чиқиб кетди илон тутиб олган қариндошнинг.

- Шақиллайман-да! - одам исига тўйди, шекилли, Гавҳарнинг эски касали кўзиб кетди. - Тилимга хўжайинлик қилолмайди ҳеч ким. Билдингми? Шақиллама эмиш. Ҳо-ой, сен ўзи ким бўбсан менга ақл ўргатадиган? Илонингни кетингга тиқиб кўяман, ўзинг ейсан, билдингми? Вазирга қариндош эканман деб тилинг чиқиб қопти-да, ҳезалак!

Илон тутиб олган қариндошни илон чақиб олгандай, ранги паға бўлиб кетди. У чой ичиш умидида ўзини Гавҳарга яхши кўрсатмоқчи бўлиб сўз бошлаганида, оқибатда, калтак ейишига бир баҳя қолди. Гавҳар урғочи қоплондай унга ташланганида, ўзини четга олиб қолишга базўр улгурди, тура солиб

ура қочди. Собиқ вазир Гавҳарни базўр тинчитди. У тинчиса-да, лаблари дир-дир титраб турар, қизгин фаолиятини истаган вақтда давом эттириши мумкиндай эди.

Илон тутиб олган қариндош бир четда ўтираркан, биров эшитмайдиган қилиб пастгина товушда мингирлади:

- Яхшиликни билмаган, мегажин. Сенга ҳозиргина тутиб олган кўлвор илонимни бермоқчи бўлдим, сен ноз қилдингми? Бераман-а, бераман! Бериб бўпман. Сенга берганимдан кўра, итларнинг олдига ташлаганим яхши, - у итлар пул тўлай олмасликларини хаёлига келтириб, ўй ўйлаб кетди.

- Қизча неччида ўқийди? - сўради собиқ вазир ўртадаги ноқулайликни кўтармоқчи бўлиб, ҳамон ўз жойида қаққайиб турган қизча томонга ишора қилганча.

- Наргиза, - тўнғиллади Гавҳар.

- Ҳа-я.. Наргиза неччида ўқийди?

- Ўқимайди.

- Ие, нега?

- Мактаб бўлмаса, аммаси ўқитадимиз?

Гавҳарнинг аммаси ўқитадимиз, дегани собиқ вазирнинг кўнглини ранжитди. У бундан ранжимаса ҳам бўларди. Гавҳар қишлоқдан узилиб қолгани боис, қизини мактабга юбормагани. Қайнисинглиси, яъни, қизнинг аммасидан гина қилишга асоси бор эди, нега деганда, у ҳали турмушга чиқмаган, бўш вақти кўп, ойнага қарайвермай, сочини тарайвермай, тушида охлавермай, жиянини ўқитса бўларди. Лекин, у бу ишни қилмасди, нега деганда, унинг ўзи отиниям ёзолмасди, ўн бармоқни санаб адоғига ҳам етолмасди.

Собиқ вазирни кўчириб келишган қариндошлар қайтиб кетишди.

Кечаси унинг олдига Қобилнинг ўн тўрт яшар ўғли келиб, қоровуллик қилиб ётди. Эрталаб туриб кетишида ток пушталаридан бир қучоқ ўт ўриб кетди. Собиқ вазирнинг кунига ана шу бола яраб турди. Гавҳар ҳам ҳар кечқурун бир коса овқат чиқаришни канда қилмади, бу овқатларда гўшт бўлмас эди. Қишлоқдаги тўй маросимларга собиқ вазирни тоғанинг фармойиши билан от аравада, эшак аравада келиб олиб кетишарди. Шундай пайтларда у тоғанинг уйига ҳам кириб ўтар, қишлоқ кўчаларини пича айланиб келарди.

Одамлар унинг ортидан ҳар хил олди-қочди гапларни гапиришарди.

- Вазир боваям юраверган эканлар-да, - дейди бирови.

Бошқаси қўшилади:

- Шунча йил ишлаб ақалли битта мошин миниб келмаптилар.

- Бировларнинг эшак аравасига кунлари қолиб ўтирибди.

- Яна халқ ярайди.

- Халқдан айирмасин.

- Илгариги вазирлар вазирмиди, мана энди ҳозир вазир бўлиш керак.

- Айтаман-да, ким бўлсаям.

Ортидан шунақа гапларни гапиришсаям олдида ҳурмат қилишар, айниқса, тўй-маъракаларга тоғаси билан бирга боргани учун иззати жойида эди. Шу тариқа ой ўтди.

9

Қишлоқда ғалати миш-мишлар тарқалгандай бўлди.

Кимнинг оғзидан бир гап чиқса, собиқ вазирнинг ҳассасига келиб тақаладиган бўлди. Эр-хотин жи-

қиллашиб, хотини бозорга бормайсиз, рўзгорга қарамайсиз десаям, эри бўш келмай, нима, менда вазирнинг ҳассаси бормиди, картишка пишгунча чаккагингни йиғштириб тишингни кирини сўриб тур-чи, бораман-да, дейдиган бўлди.

Кўчадан ўтсаям, ҳамма собиқ вазирга эмас, унинг ҳассасига қарашар, қанча қарашгани билан тўймай яна тикилишаварарди.

Пичир-пичир, шивир-шивирлар кўршапалаклардай ўзларини дуч келган томонга уришиб, учишарди:

- Ана-а, шу ҳасса-да.
- Арабни пошшоси берган экан.
- Қариганда кунингга яратасан деган экан-а.
- Шундай деган эканми?
- Ҳа-да.
- Арабни пошшолари илгаритдан зўр-да.
- Пайғамбаримизнинг авлодлари-да.
- Ҳамма нарса сероб бўлиб ётар экан у ерларда.
- Худонинг назари тушган жойлар-да.
- Аммо-лекин ҳассаси ўша пошшо фақат битта ясаттирган эмиш.

- Шундоғ-а!?

Собиқ вазир сезмасди, пайқамасди, унинг ҳассаси ҳаммани ҳайратга соларди.

Унинг обрўси худди вазир бўлиб ишлаб юрган давридагидек бирданга кўтарилиб кетди.

Кўча-кўйдаям ёш болаларини унга рўпара қилишиб:

- Вазир бова, ҳассангиз билан елкасига битта уринг, зора юкса, - деб, қўл қовуштириб туришарди.

Собиқ вазир, ҳамқишлоқларим менинг кўрсатган хизматларимни билишади-да, қадримга етишади-да, деган ўйда кайфи чоғ бўлар, мендаги сифатлар юқсин, деганича уларнинг айтганларини камоли ихлос билан бажо келтирарди.

- Каттиқроқ уринг, вазир бова, қаттиқроқ уринг, ҳассамдан сенга юқсин деб уринг, - дея ялингудай бўлишарди.

Собиқ вазир, ҳассаси билан қаттиқроқ ураркан, булар шу қадар камтарки, ҳатто ҳассангиздан юққани етади, дейишяпти-я, албатта, шунча йиллар ҳалол ишлаб бировнинг ҳақидан ҳазар қилиб ҳалол яшаганимдан-да, тоза одамга ҳаммаям ҳавас қилади-да, дея ўйлаб, кўзига ёш олгудай бўларди.

- Вазир бова, ҳассангиздан бир ўптиринг!
- Келинг, ҳассангизни ушлаб турай.
- Ҳассага йўл беринглар.
- Ҳассани тўрга ўтказинглар.
- Ҳассага эҳтиёт бўлинг, ҳассага!

Шунақа илтифотларнинг барчаси ҳасса баҳонасида менга кўрсатиляпти, деган хаёлда собиқ вазирнинг боши кўкка етарди.

Нима бу, бир қулочлик оддий матоҳ, ҳасса-да, деб ўйларди. У гоҳ-гоҳида ҳассасини кўлида айлантириб томошаларкан, ўйлардики, мен туфайли мана шу ҳассаям кадр топди, бошқа бировнинг кўлига тушганида аллақачон бир четга улоқтириб юборармиди? Ҳамма гап одамнинг ўзида экан-да, музейларга даҳоларнинг чакмонлари, шапкалари, идиш-ашёлари қўйилиши бежиз эмас-да! Қанчадан-қанча одамлар пул тўлаб кириб томоша қилишади. Керак бўлса, бу ҳассаям музейга қўйилади-да. Фақат, мен ўлсам, Остига «фалончи буюк подшонинг қимматбаҳо соғаларидан жирканган...» йўқ, ундай бўлмайди, «қимматбаҳо соғаларини олмаган дунёдаги энг ҳалол вазир пистончига (яъни, менга) фалончи буюк под-

шонинг камтарин соғаси» деб, ёзиб қўйилсаям бўлади. Бу ҳасса қироллару шохларнинг соғалари ичидаги энг арзон соға сифатида тарихга кирсаям арзийди, ширин хаёллар сурарди собиқ вазир.

Ҳасса ҳақидаги гаплар тоғанинг қулоғига ҳам етди.

Бир куни гапдан гап чиқиб, тоға ўсмоқчилади:

- Жиян, сенга ҳассани араб пошшосининг ўзи берган, дейишади. Шу ростми?

- Рост, тоға. Подшонинг ўзи берганди.

- Идораси каттами? - тоға «сарой» сўзининг ўрнига «идора» деб ишлатди.

- Саройи жуда ҳашаматли, - унинг хатосини тўғрилаб кетди собиқ вазир. - Ҳаммасини томоша қиламан деса, одамнинг бир кун вақти кетади. Мен ўз соҳамиз бўйича ҳар икки мамлакатга наф келтирувчи ҳужжатга қўл қўйгандим, - керилгандай тоғасига қараб қўйди собиқ вазир.

- Катта иш қилган экансан, - тоға бунақа ишларга ён бермасди, ҳозир ҳам менсимади. - Кейин нима бўлди?

- Подшонинг менга ихлоси тушиб қолди. Анча вақт ёнидан қўймай олиб юрди. Яшашимизни сўраб-суриштириб, менга қимматбаҳо соғалар тақдим этмоқчи бўлганлигини айтди.

Тоғанинг кўзлари чакнаб кетди.

- Сен нима дединг? - дея беихтиёр сўради.

- Керак эмас, дедим, - деди собиқ вазир фахрланаётгандай. - Биз қимматбаҳо нарсалардан ҳазар қиламиз, биз меҳнаткашлар вақилимиз, бой унсурларни мамлакатимиздан йўқотганмиз, дедим.

Тоғанинг ҳафсаласи пир бўлди.

- Кейин мана шу ҳассани берди, - собиқ вазир ёнидаги ҳассага қўл теккизиб қўйди. - Қариганингизда бирор кунингизга ярар, мени эслаб юрарсиз, деди қулиб.

- Қулдимми?

- Қаттиқ қулмади, жилмайиб қўйди.

- Оқил пошшо экан-да.

- Оқил экан. Ўзиям таъзиясига дунёнинг ҳамма подшолари йиғилиб боришган экан. Ёши юздан ошиб ўлди. Ҳозир унинг ўрнида ўғли подшолик қилади.

- Катта пошшо экан-да.

- Шундай.

- Қариганингизда бирор кунингизга ярар дедими?

- Ҳа.

Тоға ўйлаиб қолди.

Кейин кўлини чўзди:

- Бир кўрай-чи?

Жиян ҳассани узатди.

Тоға ҳассанинг уёқ-буёғини айлантириб кўрди; қўли билан сийпалади, қайтиб берди.

Ҳасса ҳақида бошқа гап бўлмади.

Тоға Қобилга, амакингдан ҳамиша хабардор бўлиб тур, олдидан одам узма, деб янаям қаттиқроқ тайинлади. Қобил ҳалиям араз уриб, собиқ вазирни ҳалиям хушламай юриб эди; менга тирик товон экан-да, деган хаёлга борди, ўзини олиб қочиб; шу билан, ана-а бошлаяпман, деб ўйлади. Эрта-ю кеч даладан бери келмагани учунми ёки жаҳл кўзини кўр, қулоғини кар қилганмиди, ишқилиб, ҳасса ҳақидаги гаплар унгагина етмагандай эди.

10

Собиқ вазир ўша илк бор келганида Гавҳар шолча ёзиб, жой қилган кекса ёнгоқ остига ўрганиб қолди. Шу ерда ўтирар, ёнбошлаб ётарди. Баъзан ўтир-

ган жойида қўлини узатиб ёнғоқ танасини секин-аста сийпай бошлар, хаёлларга бериларди. Иссиқ-ми-совуқми, кечаси, албатта, уйга кириб ухларди.

Гавҳар ора-чора чой-пой дамлаб келиб унинг олдига қўйиб кетарди.

Зериксаям югуриб келиб, эшитяптими-эшитмаяптими, иши йўқ, лақиллашни бошларди. Бундай чоғларда собиқ вазирнинг энсаси қотиб, асабийлашаверарди. Бора-бора шу даражага етдики, уни узоқдан кўрди дегунча, миясига қон тепиб асаби кўзийдиган, юраги сиқиладиган бўлиб қолди.

Аваллари, вазир бова, вазир бова, деб фахрланаётгандай бўлиб юрган Гавҳар бора-бора ундан ҳеч қандай вазирлик сифатларини тополмади, шекилли, ўзига тенг билиб, ўздан-да паст кўра бошлади.

Ақл ўргатадиган бўлди.

Маслаҳат берадиган бўлди.

Шундай пайтларда собиқ вазир бўғилаётгандай томоғини бўшатар, оғир-оғир нафас оларди.

Бир куни тушга яқин боғда ҳеч ким йўқ, собиқ вазир қушларнинг чуғур-чуғурига қулоқ солганча ёнбошлаб, мудраб ўтирарди.

Қўлида туника чойнак билан Гавҳар пайдо бўлди.

- Ҳа-а, вазир бова, ухляяпсизми? - деди у шанқиллаб, атай уйғотмоқчи бўлгандай. Қўлидаги чойнакни «шақ» этказиб шолча устига қўйиб, ўзи ҳам чордона қуриб ўтириб олди, чой қайтара бошлади, чой ичгани атай шу ерга келгандай кўринарди. Икки йил мобайнида «одам исидан айланайин» деб юрсада, катта боғда бир ўзи яшашга кўникиб қолган, хоҳлаган одамнинг тоқзорига кириб хоҳлаганича узум узиб чиқар, дарахт шохларидаги меваларни қоқиб олар — ўзи хон, кўланкаси майдон эди. Собиқ вазир уззукун ёнғоқ остида кўриқчидай бўлиб ўтиргани учун, бу ишларни у эмин-эркин қилолмайдиган бўлди, шу боис, давлатининг бир томони босиб олинган салтанат эгасидай ҳар лаҳзада душмандан қасос олишга шайланиб турди.

- Кўзим илинибди, - хўрсинди собиқ вазир.

- Кўз илинади-да, қаригандан кейин шу-да, — Гавҳар аллақерлардан эшитган гапларини тўтиқушдай такрорлай бошлади. — Шунинг учун ёшлиқда, қўлингизда давлат борлигида кўша-кўша қилиб уй-жойни қуриб ташлаш керак эди. Ўтирмасдингиз ана ундан кейин Қобилга сиғинди бўлиб.

- Кимга сиғинди? - собиқ вазирнинг ранги оппоқ оқарди, кўз остларидаги халтачалар баттар осилиб тушди, лаби гезариб, эшитган гапини қайталаб сўради.

- Қобилга-да!

- Нега мен Қобилга сиғинди бўларканман? - ўзи ҳам билмаган ҳолда Гавҳарга тенглашди собиқ вазир. - У ўзимнинг жияним. Томорқа ўзимники, у қараб турган, холос.

- Ана-а, уй солиб қўйибди-ку, сиз уй солибсизми? — Гавҳар, энди нима дейсан, дегандай унга ғолибона назар ташлади. — Уйни Қобил солибдими, ер ҳам Қобилники-да! Энди, сизни уч-тўрт кунлиги борми-йўқми, шу ерда туриб турсин, деганда. Кўча-куйда қолиб, эл аросида шарманда бўлмасин, деган-да!

Собиқ вазирнинг туйқусдан юраги санчиб қолди.

У кўксини ушлаб:

- Илтимос, кўзимга кўринма, - деди инграётгандай.

Гавҳарнинг бирданига шаллақилиги тутди.

Ўзиям, вақти-соати етиб юривди, шу сабабли, эриям, болалариям унинг важоҳатидан сел келиб,

бўрон кўтарилишини пайқашган, ҳар турли баҳоналар билан қишлоққа кетиворишганди.

Бу офатларга собиқ вазир тутилиб қолди.

- Э, бор-ей, сани кўзингга ишим нима? - Гавҳар қўлини тўлғай-тўлғай ўрнидан туриб кетди. - Кўзимга кўринма дейди-я? Ўзинг кўзимга кўринма! Бу боққа биринчи ман кўчиб келганман. Ўзим уй-жой қилиб келганман, сиғинди бўлиб келмаганман, сан кўзимга кўринма! Ким бўп кетибсан? О-о-о! Вазирчалигингни бориб ўзингни шаҳрингга қил, манга вазирчалик қилолмайсан, ман ўзимга ўзим вазир, ўзимга ўзим пошшоман!...

Гавҳар ўлиб кетган отаси тенги одамни сенсираб, ер билан битта қилаверди.

Собиқ вазирнинг кўзлари бақрайиб қолган, нима бўлаётганини тушунмаётгандай эди.

Ахийри, чиқолмади.

- Йўқо-ол! - деб, бақирмоқчи бўлди, бақиролмади, овози хириллаб чиқди.

- Ие, нега ман йўқоларканман?! - Собиқ вазир Гавҳарни қувмаган экан, балки, унинг шаллақилиги гулхани устига керосин сепган экан. - О-о-о! Мани йўқотаман деганларнинг ўзи йўқолсин! Илоё оғзидан чиққани ёқасига ёпишсин!..

Собиқ вазир нима қилаётганини билмай, гандираклаб ўрнидан турди ва бор кучини йиғиб, ҳассаси билан қулоқашлаб Гавҳарни урмоқчи бўлганди, у «лип» этиб ўзини дарахт панасига олди. Собиқ вазир ўзини ушлаб қололмади, айланиб кетди, ҳасса қарсиллаб, кекса ёнғоқ танасига урилди ва қўлидан учиб кетди.

Собиқ вазир юзтубан йиқилди.

Ҳасса дарахтга зарб билан урилганда, қоқ иккига бўлиниб кетди ва унинг ичидан нимадир илондек шувиллаб ялтираганча ерга тушди.

- Танга! - қичқирди Гавҳар ўзини йўқотиб қўйиб, у умрида олтинни кўрмаганди.

Собиқ вазир сал-пал ўзига келиб, амаллаб бош кўтарди.

- Қанақа танга? - тили гўлдираб, «хиш-хиш» нафас олганча сўради.

- Мана бунақа танга! - Гавҳар кўзи жайноқланганча бир ҳовуч олтин тангани собиқ вазирнинг кўзини олдига келтириб кўрсатди.-

— Пулларингизни шунақа қилиб, ҳассангизнинг ичида яшириб юраркансиз-да!

- Қаерга? - Собиқ вазир нима бўлганини ажрим қилиб ололмас, тамоман қарахтланиб қолганди.

- Билмасликка олишини... - Гавҳар олтин тангалардан кўзини узолмас, сеҳрланиб қолаётганга ўхшарди. - Бунақа ҳассани ичида яшириб юргандан кўра, уй қуриб эди, одамлардай жой-жалол қилиб эди.

- Ҳассадан чиқдимми? - кўрқиб кетгандай сўради собиқ вазир.

- Ҳассадан чиқди, ҳассадан чиқди, - Гавҳар ўзи яшириб, яна билмасликка олишини дегандай, масхара оҳангида гапириб, тушунтирди. - Ичи бўш экан-а ҳассангизнинг, ичи ғовак экан ҳассангизнинг, - Гавҳарнинг ёдига туйқусдан ҳасса тушиб қолиб, югуриб бориб ҳассанинг синган иккала бўлагини кўтариб келди.

Уларни собиқ вазирнинг олдида силкитиб қоққан эди, қолган-қутган тангалар жаранглаб шолча устига тушиб, сочилиб кетди.

- Бу тилла-ку! - собиқ вазирнинг ҳуши бошидан учди ва мийиғида маккорона кулимсираб турган оппоқ соқолли кекса подшо беихтиёр кўз ўнгида пайдо бўлиб, чинқириб юборди. - Ў, айёр, ў, маккор;

устимдан боғлаб кулган экансан-да! Ў, маккор, одамни шунчалик ҳам масхара қиладими? Аҳмоқман, аҳмоқман, - Собиқ вазир бошига муштлай бошлади. - Олмаслигим керак эди бу жирканч ҳассани. Йигирма йил уйимнинг тўрида сақлаб, қўлимда ҳам кўтариб юрган эканман-а у малъуннинг садақасини. Мен-а?! Нима қилиб қўйган эканман-а? - Собиқ вазир нима қилаётганини билмай, ҳассанинг Гавҳар тутқазган икки бўлагини икки томонга отиб юбориб, Гавҳарга ўшқира кетди. - Тегма, тегма, бу бировнинг тиллалари, эгаси ўлиб кетган, ўгли тирик, ўғлига юбораман, отангнинг гўри устига олиб бориб соч, деб хат ҳам ёзаман; тегма, тега кўрма.

Гавҳар собиқ вазирнинг сўзларидан бу тангаларнинг тилла эканлигини билди. Чойнакнинг чойини шоша-пиша тўкиб ташлаб, тангаларни жаранглайтиб унга тўқди, қолган-қутганини териб оларкан, нукул:

- Текканим йўқ, текканим йўқ! - дерди.

- Чойнакни менга бер, - у томонга интилди собиқ вазир.

- Ие, чойнакни нега берарканман? - чимирилди Гавҳар икки бўлак ҳассани у томонга улоқтириб. - Ана-а, ҳассангиз, чойнак меники!

Собиқ вазир бор кучини йиғиб, бир интилишда Гавҳарнинг қўлидаги чойнакни ушлаб олди.

Гавҳар ҳам қўйвормади.

Жонҳолатдаги кураш бошланди.

Униси у томонга, буниси бу томонга тортди.

Икковиниям қўллари чойнакка чиппа-чиппа ёпишиб қолгандай бўлди.

Қўйворгиси келмасди иккаласиниям.

Гавҳар Гавҳар эди-да!

Собиқ вазирнинг устига бостириб бораверди. Собиқ вазир тисариламан деб, қоқиниб кетди, йиқилди. Чойнакдан ҳамон қўл узмаганди. Гавҳар ҳам тоғдай бўлиб унинг устига тушди.

Бироздан кейин собиқ вазирнинг қўли бўшади.

Гавҳар чойнакни кучоқлаганча унинг устидан турди.

Собиқ вазирнинг қўллари икки томонга шалвираб тушди.

Унинг жони узилган эди.

Гавҳар нима гап бўлганлигини англамай турди.

Кейин ақли етиб шошиб қолди. Чойнакни кўтарганча уйига қараб югурди. Уйга кириб, анча вақт йўқ бўлиб кетди.

Юзига совуқ сув уриб, бир парча оқ латта олиб чиқди.

Ҳассанинг икки бўлагини бир-бирига ёпиштирган эди, бип-бинойдай аввалги ҳолига келди. Гавҳар ҳайрон бўлганича уни ўликнинг ёнига қўйиб қўйди.

Майитнинг энгагини билганича боғлади.

Унинг кўзларини юмиш ҳам кераклигини ўйлаб, очиқ қолган кўзларига қаради-ю, кўрқиб кетиб ўзини орқага ташлади. Марҳумнинг кўзларида таажжуб, афсус, кўрқув... милён туйғулардан чатишган ифодалар даҳшатли тарзда қотиб қолганди.

Гавҳар калишини қўлга олиб, қишлоққа қараб чопди.

Нафаси бўғзига текилиб, ҳансираб-ҳарсиллаб қолсаям, чопаверди.

Ортидан кимдир қувиб келаётгандай эди.

Юраги ботир Гавҳар ортга қарашга кўрқиб, чопарди.

Қишлоқ четига етди-ю, бошқа юришга ҳоли келмай, ўзини гуппа ерга ташлади. Бошини ҳам кўтармай бақираверди:

- Вей дод, қарайдигани борми-я, ўлиб қолди!

Қўмадигани борми-я, ўлиб қолди! Вазир бова ўлиб қолди-я, вазир бова ўлиб қолди! Шундай одам ўладими-я....

Гавҳарнинг жонҳолатда бақиршилари бесамар кетмади.

Бир зумда қишлоқ аҳли йиғилишди. Ҳамма гап аён бўлди.

Тоғага хабар етказишди.

Чол Қобилни қидириб, уни тополмагач, аччиқ бир гап айтди-да, ўзининг ўғилларидан бирига, ҳассасини ҳеч кимга бермай олиб кел, деб қаттиқ тайинлади.

Ўликни ўша эшакаравага солиб келишди.

Чолнинг ўғли ҳассаниям келтириб, отасининг қўлига тутқазди.

Ўликни эртага азонлаб, чолнинг уйдан чиқарадиган бўлишди. Собиқ вазирнинг сандиқчасида фахрий ёрлиқлар, ташаккурномалар, орден-медаллар, уларнинг хужжатлари, суратлар бор экан. Бироз пул ҳам чиқди. Қўлида аскарлигида таққан «командирский» деб аталадиган соатиям бор эди. Бўлак мулки йўқ эди.

Жиян бўлгани, боғ ҳам унга қолаётгани учун, Қобилга битта қўй юкланди.

Қобил бажонидил рози бўлди.

Қолган сарф-харажатларнинг ҳаммасини тоға қиладиган бўлди.

Ҳамма ҳовли-жойларни супириш-сидириш билан оворалигида чол уйга кириб, ҳассанинг бус-бутунлигини текширмақчи бўлгандай, уёқ-буёғини айлантириб томошалади. Синаб кўраётгандай бир учини тиззаси остига қаттиқ босиб, дастасини бор кучи билан юқори кўтарган эди, ҳасса «ширк» этиб иккига бўлинди. Ҳаяжонланганидан чол ҳушидан кетиб йиқилаёзди.

Ўзини базўр босиб олиб, ҳассанинг қамишдай ичи бўшлиғига ишонч ҳосил қилгач, ҳозирнинг ўзидаёқ катта ҳазинага эга бўладигандек қўллари қалтираб, иккала бўлагиниям бир-бир қоқиб кўрди.

Ҳеч вақо тушмади.

Чол ҳайрон бўлди.

Ишонмади, шекилли, қаттиқроқ қоқиб эди, юмалоқланган бир парча қоғоз чиқди. Чол қоғозни ёйиб ҳарчанд тикилса-да, чиройли дастхатда битилган арабча ёзувнинг бирон ҳарфигаям тиши ўтмади. У-ку бевасовод бир одам, соқоли киндигига тушиб, бошига ҳайбатлик салла ўрашган не-не муллалар ҳам кейинчалик бу хатни ўқиб, маънисини тузук-қуруқ тушинтириб беришолмади. Ахийри, қишлоқдан чиқиб кетиб, тоғнинг тубида боши сиғса оёғи сиғмайдиган, оёғи сиғса боши сиғмайдиган бир кулбани ўзига маскан тутиб, узлатнишинлик гаштини сураётган дарвеш бу хатни ярим уйку аралаш эснай-эснай ўқиб, шундай таржима қилиб берди: «Сулаймон пайгамбар ҳассасини бир силкитганда, ер юзидаги барча дев-жинлару жониворлар йиқилишиб, лаббайка, дея унинг хизматига камарбаста бўлишарди. У ҳасса фақат Сулаймонники эди, унга эгалик қилиш Сулаймонгагина буюрилган эди». Дарвеш ўқиб бўлиб, шуюм гап бўлдими, дегандай хатни бир четга улоқтирган, худа-беҳуда ҳадеб одамларга кўринавермаслик учун ўзига-ўзи яна бир карра қасам берганича кулбасига кириб кетганди. Кекса шоҳ бу сўзларни ёзганида нималарни назарда тутгани баирбир ноаёнлигича қолаверганди.

Ҳозир эса чол тоқисининг ичига хатни қўйиб, бошига кийиб олди-да, яна ҳасса билан машғул бўлди. Ахийри, фаҳмладики, бу ҳасса бузиб ташлаб, яна курса бўлаверадиган болалар ўйинчоқлари каби

бўлак-бўлақлардан иборат экан.

Бироқ, бу бўлақлар бир-бирини шундай қаттиқ ушлаб турардики, унинг дарахт шохидан кесиб олинган ёғочдан фарқи йўқ эди. Куч сарф қилмай уларни ажратиш мушкул эди. Ёғочдан эмас, қандайдир бошқача нарсдан ишланган эди, чол барибир ақли етмаслигини билиб, бу ҳақда бош қотириб ўтирмади. Икки бўлагини бир-бирига жипслаштириб, куч билан сиққан эди, «ширқ» этиб ҳасса яна аввалги ҳолига қайтди.

Чол ўйга толди.

У ҳассанинг қовагида нимадир бўлганига қанчалик ишонса, жияннинг ўша нарсдан беҳабарлигига ҳам шунчалик амин эди.

Давлатнинг ўзи бебилиски олиб қўйиб, у аҳмоққа ҳассанинг қуруқ ўзини тутқазиб қўйдимикан, дея ўйларди у, ёки болалари билиб қолишиб, уни лақиллатишдимикан? Ёки шу ерда қилишдимикан? Йўқ, бўлиши мумкин эмас. Боғда ёнида ҳамиша одам бор, анаву девона хотин Гавҳар бор, ҳеч ким журъат этолмайди, кейин мана шундай синдириб-бутлаш қишлоқ одамларининг хаёлигаям келмайди, дарров ўзларини билдириб қўйишади... Эҳ, аҳмоқ, аҳмоқ!..

Чол қанчалик ўйлаб, мулоҳаза қилмасин, ҳеч қандай натижа чиқаролмади. Гавҳарнинг девонасифатлиги ундан шубҳаланишга изн бермади.

Чол қўл силтади.

Собиқ вазирнинг ҳассасига суяниб чиқиб, эртанги маърака ташвишида елиб-югураётганларга фармойишлар бера бошлади, қўшни қишлоқларга хабарчилар жўнатилган-жўнатилмаганини, фарзандларига сим қоқилганми-йўқлигини сўраб-суриштириб, кўнгли тинчиди.

Эртаси куни тонг саҳардан йиғи бошланди.

Қишлоқ ахлининг ҳаммаси ҳассакаш бўлди.

Бошқа қишлоқлардан таъзия билдиргани келаятганларни кўришгани заҳоти овозларига куч бериб «вой бобом», «вой отам», «вой тоғам»лаб дод солишар, қишлоқ четидаги қоратолдан эрта саҳарда кесиб олинган таёқлар - ҳассаларга суянганча ўзларининг марҳумга яқинликларини билдиришарди.

Келганлар фотиҳа ўқиб туриб кетишаётганда шу ҳассакашлар «хуш келибсизлар, хуш келибсизлар» дея жўровозликда уларни кўзатиб қолишарди.

Жаноза эгаси бўлмиш чол ҳам кўрпача тўшалган харракда марҳумнинг ҳассаси дастасига тумшуғини тираганча хомуш ўтирарди. Ҳассакашлар ҳам, келиб-кетаётганлар ҳам гоҳ кўзлари билан, гоҳ бармоқ учига чол томонга ишора қилишиб, унинг қўлидаги ҳассасини кўрсатишар, «ўша ҳасса, ўша ҳасса» дея бир-бирларига шивирлашарди.

Марҳумни олиб чиқишди.

Ўғил-қизи етиб келишолмади.

Қабристон узоқ эмасди.

Ҳамма оломни устида лопиллаб бораётган тобутга етиб уни елкага олишга уринарди. Энг орқада марҳумнинг ҳассасига суянганча битта-битта қадам ташлаб унинг тоғаси келар, ҳар-ҳар замонда:

- Аҳмоқ, аҳмоқ! - деб қўярди. Бу ҳақоратни ўзига нисбатан айтармиди, марҳумга нисбатанми - номаълум эди.

Чол қабристонга етганда, Қобил марҳумни лаҳадга қўйган, гўрков жанозага келганларнинг дуоси ўқилган тупроқни лаҳад ичига сочиб чиқиб, энди унинг оғзини чим билан маҳкамлаётган эди.

Чол келиб бир четга, қувраган ўтлар устига ўтирди.

Гўрков гўрдан чиқди. Четга ўтиб усти бошидаги тупроқни қоқди. Ишора берди. Кетмону белкураклар ишга тушиб, бир зумда гўрни тўлгазишди. Гўрков, тупроқни у ёқдан тортишлар, мана бу ёққа ташланглар, ҳо-ой, устига чиқма, нари тур, деб йўл-йўриқ бериб турди.

Тепача ҳосил бўлди.

Қабрга тупроқ тортиб бўлишганлар чет-четга чиқиб кетишди.

Гўрков кетмоннинг дастаси билан тепачанинг икки ёнини текислаб чиқди, тепача пирамида шаклини олди.

Икки йигит ҳассакашларнинг қўлларидаги ҳассаларни, қоратолдан кесилган таёқларни йиғиб ола бошлади.

Чолнинг ёнидан тез ўтиб кетишди.

Бир йигит ҳассаларни тепачанинг бир томонига, иккинчиси иккинчи томонига оҳиста қўйиб қўйишди.

Каллакланган қоратол қишлоқ чеккасида мунғайиб қолди.

Мулла энди қуръон ўқийман деб оғиз жуфтлаётганда, қабр томон бораётган чолга марҳумнинг тоғасига кўзи тушиб, бироз сукут сақлашни лозим топди,

Чол қабр томон борар экан, ҳамма, у нима қиларкин, деган хаёлда ҳайрон бўлиб қолишган, бир-бирларига ана шу ҳайронлик аралаш унинг суяниб бораётган ҳассасини кўрсатишарди.

Чол қабрга етди.

Нафас ростлади.

Сўнг ... қўлидаги ҳассани тепачанинг энг устига қўйди.

Пашша учса эшитилгулик сукунат чўкканди.

Чол ҳассасиз довдираб қолди.

Икки невараси югуриб боришиб, икки томонидан олишди.

Мулла қуръон ўқишни бошлади.

... Икки кундан кейин марҳумнинг ўғил-қизи келишди. Уларни кўриб, тоғанинг ҳовлисидагилар яна дод-вой солишди.

Қабристонга боришди.

Қабр чеккасида мук тушиб ўтиришди.

Каллаларида нима хаёл бўлди, нима фикр кечди, ўзлари билди.

11

Қабристонда ўғил-қизни ажаблантирган нарса ўзларига таниш ҳассанинг бўлак-бўлақларга бўлиниб қабр устида сочилиб ётгани бўлди. Айниқса, ўғил фақат ана шу ҳасса бўлақларига тикилиб ўтирди.

Қабристондан чиқишаётганда у синглисига:

- Ёввойи одатлари бор-да, буларни, - деди жирканаётгандек.

Синглиси атрофга аланглаб олди:

- Секинро-оқ...

- Кўрмайсанми ахир, - ўғил овозини пастлатгани билан хуноби ошганлиги билиниб турарди. - Антикварний бир буюмни майда-майда қилишиб, қабрнинг устига сочиб ташлашибди. Ичлари ачимай, болга остига олишганми?

- Бунақа буюмларнинг тўлиб-тошиб ётибди-ку?

- Буюм антиквар эди-да.

Ўғил, бу антиқа буюм бўлақларини йиғиб олиб осонгина тикласа бўлиши мумкинлигини хаёлига келтирмади.

1999 йил, сунбула



СУЯНСА БЎЛАДИГАН ВАТАН

Ўзбекистон халқ шоири Ҳалима Худойбердиева
билан суҳбат



— Ҳалима опа, ижодингиз билан танишган ҳар бир кишининг кўз олдига энг аввал ўзбек аёлининг содда, самимий чехраси намоён бўлади. Айни пайтда ана шу аёл қисмати билан бирга ватан, миллат тақдири, унинг бугуни ва эртаси ҳақидаги куюнчак мисраларингизни кўп ўқиганмиз. Агар маъқул кўрсангиз, суҳбатимизни ватан ҳақидаги мулоҳазаларингиз билан бошласак. Кўпинча ватан мавзуси эскирган, сийқаси чиққан мавзудек туюлади. Аммо Ҳоди Тоқтош айтганидек, “Муҳаббат ул эски нарса, лекин ҳар қалб ани янғорта”. Шунинг учун ватан ҳам қадимий тушунча бўлиб, ҳар бир ижодкор у ҳақда тасаввурларимизни янгилашга, унинг биз ҳали англаб етмаган ҳақиқатларини идрок этишимизга туртки беради. Шундай эмасми?

— Қирғиз адиби Чингиз Айтматов билан қозоқ шоири Муҳтор Шохоновнинг “Қояда қолган овчининг кўз ёшлари” китобини ўқиганимда шундай фикрга дуч келган эдим: **“Исон тугилиб ўсган ота юртда тақдирга дастлаб пойдевор қўйилади. Мўҳими, ота юртдан олган ва юқтирган нарсаларни қалб кўри билан илтиб, худди бол тўплаётган асалари каби юракка жойлаб олишинг керак”**.

Ота юрт, Ватан ҳақида ўйларканман, ватан ичра кичик ватан Сирдарё хаёлимга келади.

Бир вақтлар, бундан эҳтимол 20 йиллар муқаддам ёзган “Сирдарё бўйларида” сарлавҳали шеъримда қуйидаги сатрларни битган эдим:

*Сирдарёнинг бўйларида боғлар туташ,
Гоҳ армонли, гоҳ беармон чоғлар туташ.
Аввал-охир туташ яшаш — тақдиримиз,
Бахтлар туташ, юракдаги доғлар туташ.*

Бундай бўлсам, бу шеър бирорта шеър китобимга

кирмаган ва хаёлимда ҳам шу сатрларгина қолган экан. Юрагим оғриди... Тугилган ер билан боғлиқ ниманидир унутган бўлсам, буни мен жуда катта йўқотишим деб билман. Илк бор атак-чечак қилиб оёқ босганим тупроқ олдига ўзимни айбдор ҳисоблайман.

Орадан шунча йиллар ўтиб, умр куёши балоғат довонидан ўтганда яна шу нарсага амин бўлдимки, мен умрбод шу тупроқ билан туташ яшаб бораётган эканман.

Сирдарёга, “Тараққиёт” жамоа хўжалигига яқинлашганим сайин юрагимнинг ҳаяжони бошқача тус олиши, ҳар бир дарахт шамолларда бошқача тебраниб мени кутиб олиши бежиз эмас экан. Мен баъзан эндигина куртаклаётган ниҳоллардан “Мени танимадингми?” деган саволни эшитгандай бўламан. Қандай қилиб?! Қандай қилиб Сени танимайин?! Хаёлимдан ёруғ фикрлар кеча бошлайди... Сув ичар томирларим, илдизларим шунда бўлса. Етти ота-боболарим шу кенгликларда суяк суриб, жаннат чечакларидай момоларим шу дала-даштарда сочларини майда ўриб ўтган бўлса... Хаёлимга уч-тўрт кун олдин ёзган тўртлигим келади:

*— Кимларинг бор, — менга бу савол, гап ботибди,
Уруғларим — бор туркийлар, илдиз отибди.
Бош паноҳим, беш гўдагим бор, тагин онам
Боёвутнинг мазорида ухлаб ётибди.*

Кейин... азим Тошкентга келдим, бу дунёга келиб топган бор бойлигим—гўдақларимнинг киндик қонлари шу, не-не азизу-авлиёлар ўтган табаррук тупроққа тўкилди.

Ўзим шу ерда дунё тинидим. Қанчадан-қанча дўстлар орттирдим.

Кейин... Кўздай азиз устозларимни бу тупроққа қўйдик. Кейин... бир умр машғаладай ёниб яшаган, халқимиз онгини чароғон қилиб яшаган дўстларни бу тупроққа қўйдик.

Ҳақиқатан ҳам, фаровон кунларингга қадамингдан шамол ўтиб, қаттиқ ерни босиб мардона юргангидея товонингни ўпадиган, кўзинг юмилган куним жимгина ўз бағрига олиб, бир уюм тупроқ бўлиб, майса бўлиб устингни ёпадиган шу тупроқдан беминнатроқ, азизроқ нима бор одам боласи учун!

Тупроқ тагида бизнинг қандай таянч устунларимиз, маънавий, руҳий мадақкоримиз ётибди. Кўнгилнинг туб-тубидан мавж уриб келаётган фахр туйғуси шеърга айлана боради:

*Бу дунёда ё от, ё ёдимиз чиқар,
Ё сайдимиз ва ё сайёдимиз чиқар.*

*Ер остида Ясавийлар берган дарсдан
Ер устида бизнинг саводимиз чиқар.*

Мана шундай тиригига ҳам, ўлигига ҳам суянса бўладиган бу эзгу тупроқ, бу халқ, бу Ватан бизники.

Шундай Ватанни севмай, қорақўз гўдакларингга, авлодларингга севдирмай бўладими?!

Бу ёруғ жаҳонда унинг такрори борми? Бежиз Ватан сўзи олдида Она сўзи қўйилмас экан. Ватан сўзининг олдида қўйиш учун Онадан муносиброқ сўз йўқ экан.

*Тоққа кетди, чўлга кетди карвоним, аммо
Гўдаклигим ўтган дала, тузни топмадим.*

*Сурув-сурув бўлиб ўтди, даҳшатлар, бахтлар,
Кўй суруви ортидаги изни топмадим.*

*Кейин хушрўй бўлгандирман ва лекин ўша
Оқи-оқ, қизили қизил юзни топмадим.*

*Атрофда ёр-жўраларим гўжгон бўлди-ю,
Мен деб юкни олар белни, тизни топмадим.*

*Онажоним, излаб ёшим бир жойга етди,
Аммо сиздан келадиган исни топмадим.*

* * *

Ёнимдан оққан сув...

*Яшамоқ-фароғат. Яшамоқ—азоб
Бекорга эгилмас Сиздан бошқа кўк
Кўнгилларин овлаб умрми бўпти соб
Сизнинг кетишингиз хаёлда ҳам йўқ.*

*Ёнимдан оққан сув, беқадр сувим
Умрида бир яйраб, ёзилмаганим.
Бор туриши шавқат, бори-сир, сувим
То қуриб қолганча сезилмаганим.*

*Бошқалар ёнимдан кетмасин дебман
Вақт топиб уларга борибман тонг, кеч.
Бошқаларга озор етмасин дебман
Сизга ҳам етишин... ўйламабман ҳеч.*

*Бошқаларга чопдим шаҳар, кентдаман
Бир қайтариб, ё бир кесатмадингиз.
“Менам ғаниматман, менам кетаман”
Диб нечун бир бора элатмадингиз,*

Онам, Онам-а?!

Балки шу туйғулар боисдир мен “Байроқ тутқичига бир оят ёздим”, деб Ватаннинг туғи ҳақида шеър бошлаганимда, сатрларим булоқ сувларидай қуйилиб келаверади. Муқаддас Ватан байроғининг тутқичига ёзаётган оятимни кўриб тураман.

Илоҳо, шу мустақиллик байроғи ҳамиша бошимизда ҳилпираб турсин. Ватан хусусидаги сўзимни илк китобларимдан бирида ёзган икки сатр шеър билан якунламоқчиман:

*Бир четида қўшдай онам ботган Ватаним,
Бир четини қўриқлаб отам ётган Ватаним.*

—Ёш олим ва ёзувчи Улуғбек Абдулваҳобнинг “Ёлғизлак” қиссаси қаҳрамони—ёзувчи йигит хаёлан китобхонга мурожаат этиб: “Ёзиш—чорасизликдан бош урилган чора бўлди менга! Ёзиш бу — алаmidан ўзини қаерга қўйишни

билмаган одамнинг оқ қоғоздан бунёд этилган деворга гурс-гурс уриб, ҳовуридан тушмоқ... Қани энди ҳеч қачон ёзмасам. Қани энди шундай бир жамиятга эришсангу ёзишга эҳтиёж туғилмаса, фақат яшасанг”, деган сўзлари бор.

Сал ноўрин туюлса-да, айтинг-чи, сиз нима учун ёзасиз? Сизнингча, шундай жамият вужудга келиши мумкинми?

—Агар шундай жамият барпо бўлишига ишонч бўлмаганида азал ҳаттотларидан тортиб бугунги ҳаттотларгача бул қадар жонини жабборга бериб, бутун сеҳру санъатларини ишга солиб зарҳал ҳарфлар билан китоблар ёзмаган, азал шоирларидан тортиб бугунги шоирларгача шеърят майдонларини гуркиратиб, янги сўзлар айтишда жунбушга келмаган, бир-биридан ўзманган бўлур эди.

Негаки, инсон боласини, қайсидир маънода табиатни ҳам умид, фақат умид уйғотиши, олдинга силжитиши мумкин. Қадамни олдинга бостириши мумкин. Қор тагидаги уруғ қаҳратон совуқларидан кўкламда кўкариш умиди билангина тирик қолади.

Дунё яралибдики, яхшилик билан ёмонлик, разолат билан адолат, тўғрилиқ билан ўғрилиқ курашиб келади. Бу курашлар шул қадар беомон кечадики, баъзан гулдай-гулдай қурбонлар берилади. Умиллар батамом кўкка совурилган пайтлар бўлади. Аммо, “шундай экан, қабоҳат устун келди”, деб кураш майдонини ташлаб кетиш мумкинми? Асло!

Қадимги бобокалонларимиз ҳам бу курашдан четда қолмаганлар, ўйлайманки, неvara, чевараларимиз яшаётган замонларда ҳам бу курашлар қайсидир кўринишларда давом этади. Одамлар ноҳақлик, адолатсизликка қарши курашар ва бунда қандайдир ғалабаларга эришар эканлар, ўзлари-да бундан гурурланадилар. Бу шундай улуг, кўнгилни ҳаволантирадиган туйғу. Соҳибқирон Амир Темур бобомиз шундай фикр айтган эканлар:

“Мен ўз салтанатим, ишғол қилган ерларимда шундай муҳит яратдим-ки, ерларнинг бу бошидан бошида бир лаган олтин билан пиёда йўлга чиққан бола нариги бошига етиб боргунча бу лагандаги олтиндан бир дона камаймагай”.

Амир Темур бобомиз умр бўйи адолатсизликка қарши қалқон бўлиб ўтдилар.

“Куч — адолатладир”. Бу саройлари пештоқидаги ёзув бобомизнинг қанчалар доно, изчил, довурак курашчи бўлганликларини кўрсатсада, адолатсизлик ҳам батамом тугатилиб кетмади.

Хулоса қилиб шунини айтиш мумкинки, дунёга келган инсон борки, унинг эзгу муроди имкони келган қадар, ёвузлак, разолат алафининг томирини қирқиш, қад кўтараётган адолат саройининг деворларига битта бўлса-да гишт қўйишдан иборат бўлмоғи керак чоғи.

Яна бир фикр. Ижодкорни у қайси даражада бўлмасин, у яшаётган даврдан ажратиб, баҳолаб бўлмайди. Биз муайян бир давр, муайян бир халқ орасида, унинг иссиқ-совуғига туташ яшар эканмиз, шу халқ оғриётган дард билан оғримаслигимиз мумкин эмас.

Айниқса унинг ёзувчиси, дардкаши бўлсак.

—Бугунги кунда иқтисодиётга мамлакат салоҳиятини белгиловчи асосий омил, деб қаралмоқда. Сизнингча, шу маънода яна қайси соҳаларга кўпроқ эътибор берилиши керак деб ҳисоблайсиз?

—Иқтисодга мамлакат салоҳиятини белгиловчи омил, деб қаралиши тўғри. Мамлакат мудофаасининг мустаҳкамлиги, халқ дастурхонининг тўкинлиги, халқнинг яшаш даражасининг юқорилигига нима етсин?

Аммо мана шу даражани сақлаб туриш учун ҳам халқнинг маънавияти юқори бўлиши керак. Осмонўпар,

нақшинкор саройлар таназзулга учраши, ганжу-гавҳарларнинг оҳори кетиши, бойликлар тўзиши мумкин.

Кўнгилдаги гавҳарлар-чи, ярақлаганича туравермайдими? Эслаб кўринг, улуғ устоз Алишер Навоийнинг “Кеча келгумдир дебон” сатри билан бошланувчи газалини неча ёшингизда ёд олгандингиз? Ҳануз бир сатрига путур етдими? Нега ҳануз газални айтиб бошлаганингиз билан кўзингиз чарақлаб кетади? Бу маънавийят, бу қон бизга ота-боболаримиздан ўтган. Замона минг ўзгарсин, томирдаги меросий қон ўзгармайди. Шунинг учун ҳам “Ёшлар ундай бўлиб кетди” каби нолишларга мен унча қўшилмайман. Чунки ёшлар осмондан тушгани йўқ, Улар ўзимизнинг болаларимиз.

Нақшбанд ҳазратлари шундай дейдилар: “Бизни тавоф этмоқни истаганлар аввал ўз аноларини тавоф этсинлар, кейин бизнинг аномизни тавоф этсинлар. Андин сўнггина биз тарафларга ўтмоқлари жоиз бўлур”.

Бизнинг боболаримиз ҳеч қачон “мен” деб кўкракларига урмаганлар, бошқаларни босиб ўтиб олдинга юрмаганлар.

Бу – Шарқ. Ота-оналарини “Қиблагўҳим” деб изини кўзга сурадиган, ўгли, қизини “отам, онам”, деб бошига кўтарадиган Шарқ.

Бу – Шарқ. Гоҳо бундайроқ фарзанди, шогирди, дўстиниям, “Сен мендан ақллироқ, ботирроқ, мардроксан”, деб кенг феъллик билан олдинга ўтказадиган ва бу феъл билан фақат ва фақат ўзи-да ютадиган, ўзи-да олдинга кетадиган—Шарқ!

“Элни куч билан итоатга кўндирсанг ҳам куч билан илм отига миндирилмайсан”,—дейди япон файласуфи Конфуций.

Булар занжир халқаларидай бир-бири билан боғлиқ ҳодисадир. Биз мустақкам маънавий омиллар билангина иқтисодий омилларимизни яратамиз. Сақлаймиз.

Аммо бино таъмирга муҳтож бўлганидай маънавийят, таълим-тарбия ҳам таъмирга муҳтож.. Ёшларимизнинг баъзиларидан қаердадир кўнглимиз тўлмаётган экан, бу хатонинг асосини ўзимиздан қидиришимиз керак. Демак, ўзимиз бу ишга жиддийроқ киришимиз керак.

— Аждодлардан авлодларга қоладиган энг буюк мерос шу она Ватан. Ватан хусусидаги уринишларимиз, фикримиз ёшларнинг юрагига етиб бораётгани, Ватан келажигини уларга ишонсак бўлади, деб айта оламизми?

— Юксак ахлоқий тушунча— тасаввуф оламининг пирларидан бўлган Нажмиддин Кубро, яъни Кубровия тариқатининг мазмуни шундай:

“Биз ҳар хил маъданлар (тайёр бўлмаган) дан олтинлар яратамиз. Яъни, номукамал одамларни тарбиялаш воситасида уларни мукамалликка (Оллоҳ дийдорига яқинлашишга), яъни олтинга айлантиришга ҳаракат қиламиз”.

Аждодларимиздан бизга шундай улуғ Ватан билан биргаликда, қадимда шу Ватанни обод қилган қобоклонларимиздан мана шундай юксак маънавий қадриятлари ҳам қолган.

“Бизнинг сафимизга чумоли қўшилса ҳам арслонга айлангусидир”, дейдилар Паҳлавон Маҳмуд ҳазратлари ишонч билан. Дунёга шундай сўз арслонлари, паҳлавонларини берган бу Ватан.

*Кетди дўстлар, топ оёғин гардини,
Ассалому-алvido шул ердадир,*

дейдилар Бедил ҳазратлари шу Ватан, шу ер ҳақида. Ўзбекларнинг бугунги энг халқчил, дарёдил шоирларидан Муҳаммад Юсуф кечагина “Ҳеч кимга бермайсени, Ўзбекистон” деб гулдирос солиб юрган эди.

Бугун ўзи жондан азиз кўрган Ватаннинг бир бурчи,

Андижони, Мингтепасини қўриқлаб, тупроғида ётибди.

Мен учрашувларда Муҳаммадга (раҳматли дейишга тилим бормайди) минглаб хатлар келганига гувоҳ бўлганман. Ёшлар кетма-кет чиқиб, унинг шеърларини ёд ўқишарди. (Бу олдинги кўкламда Сирдарё вилоят театридаги учрашувда бўлган эди.) Демак, ёшлар шеърни тушунади, адабиётни тушунади. Ватан адабиётини тушунган, севган одам Ватанни севмаслиги мумкин эмас. Муҳаммадқодир Абдуллаев Ватанни севмаганида чет элларда ринг бўйлаб Ўзбекистон байроғини ёйиб, чопиб одамларни ларзага солмасди. Артур Григорьян шу юртга меҳр қўймаганида, ҳар гал голиблик белбоғини боғлаганда “Ўзбекистон” деб ҳаяжон билан қичқирмаган, берган интервьюларида “эски шаҳарлик болалар орасида ўсганман”, деб фахрланмаган бўлур эди.

Буюк рассом Вероккио Довуд пайғамбарни суратини чизишда ўз шогирди Леонардо да Винчининг сиймосидан фойдаланган экан. Ёшларга фақат ўрганиш, ўқитиш, ўқдириш кўзи билангина эмас, уларга меҳр-муҳаббат, эҳтиром кўзи билан ҳам қараш керак.

Бир сўз билан айтганда, мен ёшларга, уларнинг бо-бомерос қонлари, қалбларига, Ватанга бўлган катта ишқу муҳаббатларига ишонаман. Ёшлар учун Оллоҳдан сўраганларимни қўйидаги саккиз қаторда айтдим:

*Мен саҳар Оллоҳга қилдим таҳайюл,
Элимга толиқмас карвон сўрадим.
Тикланиб қаддини ростлаётган шул,
Уғиллар тизига дармон сўрадим.*

*Мен саҳар Оллоҳга қилдим таважжуж,
Бир ишқ тоза, суюк, суймон сўрадим.
Сувлардай покланиб бораётган руҳ,
Қизларнинг кўнглига иймон сўрадим.*

— Бугунги ёшлар ижодига қарашларингиз?

— Буларнинг (умид қилса бўладиганларини айтияман-да) орасида ҳаваскорлар йўқдай. Тайёр шоир бўлиб кириб келаётгандай туюлади менга. Бир тоза тўлқин келаяпти. Замзалари, гулдирослари баланд тўлқин. Мен бугун улардан бири, Зулфия мукофоти совриндори Гулжамол Асқарова хусусида тўхталмоқчиман. Ўқиган бўлсангиз, ёзган бир шеърининг мазмуни шундай. Ётоқда, бир хонада турадиган икки қизнинг орасида гап қочади. Бири ётоқхонадан чиқиб кетаётиб, эшикда қистирғилиқ хат қолдиради. Гина йўқ, араз йўқ шеър сўнгиди шундай сатрлар бор:


*Излаб яна овора бўлманг,
Туфлингизни ювиб қўйганман.*

Бу қайсидир маънода унинг характерини ҳам кўрсатадиган шеър. Бундан уч-тўрт йиллар олдин “Гулистон” журналида Гулжамолга “Оқ йўл” ёзгандим. Бу ўшанда ёзилган шеър:

*Билолмам, Худойим ерга,
Кувончми, оҳ юборди.
Жисми-жонин капалакдек,
Рўҳини тоғ юборди.*

*Ким билади, қодир Оллоҳ,
Шу қизчада, эҳтимол.
Халқин йўлини ёритсин деб,
Боз бир чақмоқ юборди.*

Аслан катта, уруғ-аймоқли, истеъдодли халқдан чақмоқ фарзандлар вақт-вақти билан чиқаверади, шекилли.



Гулжамол ижтимоий мавзуларда ҳам яхши шеърлар ёзаяпти.

*Эй фарзанд, миллатинг жон томирисиз.
ёки
Аҳли одамият, Ватандай қалқинг!*

каби сатрлари одамни сергаклантиради. Бу йилги анъанавий Зомин семинари бир қатор истеълодларни кашф этди. Баъзи ёшларнинг ўқиётган шеърлари, ўртага ташлаётган ўткир фикрларида бугунги тарихий кунлар учун ниҳоятда зарур бўлган дадиллик, жасорат, кўтарилаётган руҳни кўрдик.

*Кимсалар бор, етти пуштин суриштирар,
Ўзбек десам ойдан тушиб кўришдилар,*

дейди бир шеърда паркентлик ёш шоир Усмон Бек. Оллоҳ ўзи камни бутлаб, хато кетган қаторларни тўғри-лаб туради шекилли.

*Сиз шоҳ гулсиз, ўзингизни шан тутингиз
Қоронғуда танишмаса шам тутингиз
Усмонларга ўзингизни танитингиз
Қасрингизга қарол бўлиб ёллансинлар,*

Ҳайратдан ёқа ушладим. Мазмун тигизлиги, сатрларнинг жилга сувидай равон, чаппар уриб келавериши... Муҳаммад Юсуфни эсалатди. Аммо, минъбад унинг такрори эмас. Муҳаммад бир жавоҳир тошнинг бир қирраси бўлса, Усмон бошқа қирраси. Ҳар бирининг ўз жилоси, ўз замзамалари, ўз халқоналиги, донишмандлиги... Йўл бир. Ҳайрат бошқа. Мазмун бошқа. Усмон, менинг назаримда бизнинг буюк шоиримиз – Муҳаммаднинг ўрнига келаётганга ўхшайди. Илоё, умри ўхшама-син.

Биз ёшларнинг кўпчилигининг ижодида шундай юксак парвозларни учратдик.

Дарвоқе, парвоз ҳақида... Парвоз ҳақида турли замонда, турли томонда яшаб ўтган икки буюк алломанинг муштарак фикри диққатимни тортди.

Бизнинг сув узатар томирларимиздан Жалолиддин Румий ҳазратларида шундай сатр бор:

Учмоққа қанот йўқ, вале учгайман.

А. Барбюсда ҳам шунга ҳамоҳанг фикр ўқидим:

Инсон ўлгандан кейингина ерда яшайди.

Демак, улуғ инсонлар, ижодкорлар Оллоҳ тарафидан баланд учадиган руҳ билан, илҳом билан сийланган бўлар эканлар. Муҳаммад Пайғамбаримиз ўз ҳадисларида аввало уч марта онангга таъзим бажо айлагил, деб бежиз уқтирмаганлар.

Бас шундай экан, бизнинг қанотларимиз аввало онамиз, Ватанимиз қудратини кўтармоққа, унинг елкага қўядиган юklarини кўтармоққа, унинг шон-шавкати, мартабасини юксалтирмоққа хизмат қилсин.

Шу ерда дарёдил шоиримиз Шавкат Раҳмоннинг “Ёш ўзбек шоирларига” шеърдан баъзи сатрларни келтирмоқчиман:

*Сўзларни қайрайлик
обдон тоблайлик.
Идрок-ла совутиб тагин қайрайлик.
Ўзбекнинг қоракўз болаларига
Битта дунё қолсин ҳайратлик.*

*Сўзларни қайрайлик
Тагин қайрайлик*

*Токим кескир бўлсин бамисли олмос.
Ўткир сўз қолмаса шоирларидан
Ўткир сўз қолмаса...
Ҳеч нарса қолмас.*

Бизга бугун шундай вужуди ерники бўлса-да, руҳи осмон шоирлар, халқни кўтарадиган, бирлаштирадиган, хуррият байроғи остига жамлаб беришга хизмат қиладиган баланд шоирлар керак. Шу ерда муҳтарам Президентимиз Ислоҳ Каримовнинг сўзларини такрор айтгимиз келади:

“Фарзандларимиз биздан кўра кучли, билимли ва албатта бахтли бўлишлари шарт!”.

Кўнглимдан қайсиям бир чет эл шоирининг куйидаги сатрлари ўтаяпти:

*Ортимиздан келар бошқалар,
Кўпроқ бўлар сабри уларнинг,
Эпчиллиги ва қатъияти.
Ўктамлиги, кучини кўриб,
Уларга ер бўлажак таслим.
Ёрдам берар уларга шунда
Биз яратиб кетган қўшиқлар.*

Суҳбатимиз асосан она юрт, Ватан мавзусига қурилгани боис суҳбат сўнгигига шу хусусдаги шеъримни илова қилаяпман. Омон бўлинг!

ОТА ҲОВЛИМ

*Анор офтоб ёққа юз бурган,
Шафтолисин гули ним пушти.
Сен отамнинг юзини кўрган,
Сенга онам излари тушиди.*

*Ота ҳовлим, кўргоним ҳовлим,
Жондан азиз кўрганим ҳовлим.
Айвонлари иссиқ аёвлим,
Ёдга отам сўзлари тушиди.*

*Аввал отам кетди тобутда,
Кейин онам ўтди булутдай.
Ўтирсам-да сиртим сукутда,
Ичим ёнди, бўзлади, тушиди.*

*Ҳовлидаги бир ариқча сув,
Ариқчага йиғладим дув-дув.
Эрдими билмадим, ёху
Сувга ёшим тузлари тушиди.*

*Боғдан отамнинг саси келди,
Уйдан онамнинг исси келди,
Музтарим келди, маъюсим келди,
Ёдга онам кўзлари тушиди.*

*Эсга тушиди қирда, қияда,
Юрганлари отда, туюда,
Сўнг гингилаб офтоб рўйда,
Ип йиғирган кезлари тушиди.*

*Офтоб ҳовлим, кўргоним ҳовлим,
Жондан азиз кўргоним ҳовлим,
Айвонлари иссиқ, аёвлим,
Ёдга онам кўзлари тушиди.
Ёдга отам сўзлари тушиди,
Дилнинг соғинч музлари тушиди...*

Суҳбатдош:
Жаҳонгир ШАРОФБОЕВ

Ёшлар мушоираси



АСЛИДА

Армоннинг кўшикида асирман,
Панжара ортида кулар дард.
Хоргина, хоргина кўнглимнинг
Кўксига осилиб кулар гард.

Кўлимда соғинчдан кишанлар,
Занглаган ишқ ғамга йўғрилар.
Гавҳари бисотим кўнглимни
Обкетти дунёси ўғрилар.

Рух бева, вужуддан оқар қон,
Ғам ётар гулобдек симириб.
Бечора дунёнинг ярмини
Қабоҳат бормоқда кемириб.

Панжара ортида кулар дард,
Ўзича қалб ясар эрмакдан.
Аслида мен ўзим кўнглимни
Ўғирлаб олгандим эртақдан.

Аслида мен ўзим...

Шавкат РАҲМОНОН

Хароб култепалар эмар сукунат,
Баҳайбат ўчоқда қорайган диллар.
Фитна дорларига осилган тоқат,
Армон панжарада кишанбанд йиллар.
Юзларга сачраган бадбўй ҳақорат.
Қайнаган жомларда бўзарган тиллар.

Буришган дудоқлар, бу оч нигоҳлар,
Макр упасини суртар афтига.
Зулматда дераза чертган арвоҳдай,
Юраклар осилган туннинг шифтига.
Ҳасад сувларида кўкарган боғлар,
Иғво ниҳолларин қадар кифтига.

Фалзакка ўрлаган бесас изтироб,
Гўза ёйловида ҳасратпоялар.
Ҳалолат комида сарғайган офтоб,

Сочлари оқарган улкан қоялар.
Кўнгил даштларида таққанча ниқоб,
Изғир юраги кир шайтон соялар.

Асов хаёлларга минди озорлар,
Таланган қарвондек қароғлар турар.
Ва қалб савдосида қизгин бозорлар,
Харидор топмаган ҳислар ўқирар.
Моҳнинг яноғида доғланди зорлар,
Етим хотиралар жим хаёл сулар.

Қайноқ култепалар, қорайган диллар,
Айролиқ соядек келар бостириб.
Кунларнинг кўксига портлайди унлар,
Дил ташла фироқнинг тилин кестириб.
Дил ташла фироқнинг тилин остириб...
Ва ишқ дорларида оқарар тиллар...

Висол остонамда турар мунғайиб,
Хаёл юрагимдан сўрайди паноҳ.
Фироқ-инжиқ синглим қолди уйғониб,
Ишқсиз тунларимга кўнганда гуноҳ.


Ўн икки тулпорда депсинади вақт,
Айрилиқ байроғин тутганча кўкка.
Мендан араз қилиб кетиб қолди бахт,
Ортидан бордим мен, ишқ қолди якка.

Бордим юлдузларнинг кошонасига,
Рўёлар кўшиқдан оқар хаёлот.
Аммо хотиралар остонасида
Армон аждарига ем бўлдим, ҳайҳот.

Кўксимда жон берди бардош телбаҳол,
Қонимдан бўзарган шафақ қонталаш.
Товонимни янчар чиркитли малол,
Рухсиз танам узра изтироб дардкаш.

Қўрқувдан қичқиради оқарган кўча,
Рухимни кавшарди ёвуз беомон.
Аза рўмолини ўраган кеча,
Кеча даҳшат ичра титрайди ҳамон.

*Наргиза ОХУНОВА,
Фарғона.*



Қизил Тўл

Уялчанг қизил юзи,
Гўзалликнинг тимсоли.
Табассумла бош эгиб,
У келинчак мисоли.

Юрак қатида билмам,
Яширинган қандай сир.
Балки нозик танасин,
Қайриб қўйди кимдир.

Унинг ҳам бор тикони,
Гарчи боғ азизаси.
Ҳайрон бўлманг, бу ҳам бир,
Табиат мўжизаси.

ҚИМ

Сен эмасму она заминни,
Оппоқ покликларга ўраган.
Мўжизакор ҳар бир кунингни,
Сирли эртақлардан сўраган.

Кўзгудек ялтироқ шишангга,
Оёқ кўйиб яйраб учаман.
Худди ерда айланар танга,
Кумуш тоғликларни кучарман.

Болаларнинг дўсти момиқ пар,
Далададир барча болакай,
Кумуш қишим кўнглимга сарвар,
Айт, мен сени нечуи соғинмай?

Фароғат ЖАББОРОВА,
Хоразм.

Ташқарида ёғди Кеча...
Дераза жимиб йиғлади.
Унинг жони бўғзига келиб,
Оташин ўт, умид гурлади.

Хонада буюмлар, оғир хўрсиниқ...
Уларнинг юзини силайди бармоқ
Секин шивирлади бир сўз деворга:
Қайтдим мен... мен қайтдим, азоб...

Ойнинг дили дарз еган оқшом
Уйга қайтди олисдан хотир.
Кириб келди билдирмай умид,
Учрашдилар ниҳоят, оғир.

Ором курси ҳаяжон ютар
Солланади дарпарда юзи.
Шу дам майин шаббода эсди,
Шодон кулди дераза кўзи.

Ўтирибди уйнинг буржида,
Оқ кийинган гўзал бир орзу.
Кузатгани куз илинжида,
Умид қайтди ярим тун, ёху...

Тиз чўкади ҳозир пойига,
Чеккан, кўрган унут азоби.
Йиллар ўтинчини пичирлаб лаби,
Секин шивирлайди: бормидинг, Мангу?

Сенга армон бўлибмиди, Муҳаммад,
Узун-узун уйли туркман қизлари.
Кийса кийибдида кундуздан либос,
Яшнагандир ўз эли, ўз кўчалари.

Шарқни кезиб дилни эзиб топганинг,
Туркман қизга эр йигитдай ёққанинг.
Бир кечада топганинг, йўқотганинг,
Ёлғон тушга ўхшайдими, Муҳаммад.

Ойбалдоғи ялтираб бу кечалари,
Ўлан айтди туркман қизга чечалари.
Сенга эмас сел -себорга бўлди у ёр,
Оқиб борар селда орзунг нечалари.


Муҳаммаджон...Номинг сенинг,
Исминг армон.
Ким ҳам билар Муҳаббатнинг ўзи армон.
Рост айтилди, айтилмайин қолди ёлғон,
У қоларда, сен кетарда ҳамма ҳайрон...

Оҳ, кўнглимнинг сархуш кўчаси,
Юрагимнинг дилхуш кечаси.
Орзуйимнинг ёруғ нечаси,
Сенга борар, сендан қайтар йўл...

ПАРВОНА

Кундуз илтифотсиз,
Нажот қайдадир
Парвона, парвона, ошиқ парвона...
Қуёш энг юксак тилсим-
Тун қуюқ изтироб.

Баҳром Нормуродов
Жарқўрғон.



Нормурод НОРҚОБИЛОВ

ОВУЛ ОРАЛАГАН БЎРИ

Қисса

Чўнгалла ҳовлидан анча берида тўхтаганида, Салом мерган тўсатдан қорни очганини пайқади. Бир томони совук, иккинчи жиҳатдан, майдалаб ичилган арок, энди ўз кучини кўрсатмоқда эди. Қорни шу даражада таталамоқда эдики, буни қуруқ нончой билан босиб бўлмасди. Боз устига, бўрига рўпарў келиш унда ададсиз иддао ҳиссини уйғотганди. Ҳамма уйқуда, у эса ўлимга бет бўлиб ўтирибди. Кўлида милтиғи бўлмаганида, анову сўпоқбош қорнини ёриб, ичак-чавоғини чувалатиб кетиши турган гап эди. Энг қизиги, ёввойи жондор жуфтини қидиради, бу борада ҳатто ўлимга тик боқади. Одамзод эса ўлиб кетганинг билан иши йўқ. Ана, аёли ҳолинг қалай демайди. Тўнғиб қолманг, деганича қайтиб қорасини кўрсатгани йўқ. Қўшилари милтиқ овозидан ҳам уйғонишмади. Уйғонишса-да, иссиқ кўрпадан бош чиқаргиси келмади. Салом мерган билан неча пуллик иши бор уларнинг. Эрталаб жасадини кўришса-да, бир туки қилт этмайди, йўлигагина ачинган бўлишади. Яқинлари йиғлаб-сиқташади... Кейин Салом мерган деган банда ўтганлигини ҳамма унутади.

Салом мерган тириклик интиҳоси бунчалик аянчли эканидан донг қотди. Одатда, у бу хил мушоҳадаларга жуда кам бериларди. Фикрлашга эринарди, шуури жуда лоқайд эди. Ҳайбатли йиртқичга рўпара келиш унинг юрагидаги қандайдир томирларни тебратиб юборганди. Бўрининг бу қадар қатъиятидан у гоят таажжубда қолган ва натижада, жониворлар садокатда инсонларга нисбатан устуворроқ экан, деган фикрга келганди. Бундан эса унинг хўрлиги келганди.

У “мерган” лақаби бўлгани билан анчайин жўн овчилардан эди. Ҳаётида бўри пойламаган, дуч келсагина отган, қопқондан фойдаланган. Шу боис, Чўнгалланинг қутилмаган хатти-ҳаракатидан довдираб, тунда ўзини ёлғиз, жуда ёлғиз ҳис этмоқда эди.

У, қорни очгани сайин куфр ўйларга берила бошлади. Эи,р хаёли аёлини тепкилаб уйғотмоқчи

бўлди. Гина ва аразини тепкисига жамлаб, тилини заҳарга ботиргиси келди: “Мени жондор еб кетгани билан ишинг йўғ-а, энағар! Нима қилаяпти, нима қўйяпти, хабар олай демайсан-а! Қорним очди, тур, гўшт қовур!” У шу ўйда ҳезланиб ўрнидан тураркан, аёли сира бўш келмаслигини, бир гапига ўн гапни қўндириб, қайтанга ўзини чатоқ қилишини ўйлади. Ва... Қизик, аёли қачондан бери шунақа бўлиб қолди? Авваллари бинойидек эди шекилли. Кейин-кейин зарда инди хулқига. Бир пайтлар тунлари, мени яхши кўрасизми, отаси, деган гапларини жавобсиз қолдиргани учун шунақа бўлиб қолдимикан? Ё...

Салом мерган яроғини бағрига босганча, тузуккина фикрлай бошлади. Кўз ўнгида аёлининг нимтажанг қиёфасини гавдалантириб, ўзларини боғлаб турган сабаблар хусусида ўйлади, биринчи марта. Сабаблардан тасаввурларга ўтди. Аёлини ҳаётидан олиб ташлаб кўрди. И-и, йўқ, бўлмас экан, туника томли кулбаси-ю кенг ҳовлисини, кўраси-ю томорқасини хотинисиз тасаввур этмоққа чоғи етмади. Аёлисиз рўзғоридан путур кетишини ўйлади. Шунча юмушни ким уддалайди кейин? Ўйларининг тўхтами шу бўлди. Шу тўхтамининг ўзиёқ юрагида аёлига нисбатан меҳр ҳиссини уйғотди. Бир хаёли, ичкарига кириб, аёлини қучиб эркалагиси, силаб-сийпагиси келди. Анчадан бери бу ишни қилмаганини эслаб, ичдан ўзини койиди.

Қутилмаганда худди шу пайт эшикда аёли пайдо бўлди. У қалин пахталикка ўралиб, томорқа гирдига ошиқаркан, ўзидан бир неча ўн одим нарида ажал тиш қайраб турганини хаёлига ҳам келтирмади. Хавфли жойда хийла туриб қолди. Кейин зипиллаб изига қайтаркан, гарам биқинида яроғини қучиб ўтирган эрига шунчаки бир қараб қўйди. Ёнидан ўтаўта, ҳалиям ўтирибсизми, дея гудранди. Лоақал қадамини секинлатмади. Шу тобда унга эридан ҳам кўра иссиқ ўрин қадрлироқ эди.

Бундан Салом мерганнинг жаҳли чиқмади, хўрлиги келди негадир. Аёлининг бу муносабатидан катта бир ҳақиқатни - ўзининг ўрни ва қадрини кашф

(Давс.к. боши ўтган сонда.)



этгандай бўлди. Тутақиб сўкинги келди. Бирок Чўнгалланинг метин қатъятидан ҳануз лол эмасми, жиззакиликни ўзига эп кўрмади. Бўридайн улғвор бўлмоқ истади.

— Хотин, озгина гўшт қиздириб юбор!

Бу гапда буйруқ эмас, кенглик, меҳр ва яна алланималар бор эдиким, бу хил ҳолат кўпинча бирор фалокатдан тасодифан омон қолган кишидагина юз беради. Гар аёли шу лаҳзада ширин лутф ила эрининг айтганларини адо этса, эракнинг қалбида бир пайтлар чечак отиб, кейинчалик йиллар ва адоватлар, ғазаб ва лоқайдлик ҳамда ўкинчлар ғубори остида кўмилиб кетган ноёб туйғу - муҳаббат қайта бош кўтармоғи тайин эди. Бу туйғу қанчага чўзилади, буниси муҳим эмас, муҳими, унинг қайта юзага келиши, қолгани кейин... Ҳар ҳолда бўри тимсолидаги ажалга ва шунингдек, ажал қиёфасидаги садоқатга дуч келиб, эндиликда ажиб ҳислар қуршовида қолган Салом мерган аёлидан меҳр истарди. Афсус, аёли буни англамади.

— Ярим тунда гўштга бало борми!

Аёлининг терслиги эмас, овозидаги совуқлик қаттиқ алам қилди унга ва дардчил оҳангда деди:

— Мени жондор еб кетай деди-ю, сен бир туюр этингни қизғанасан-а!

Аёли бу гапга ишонмади. Негаки, милтиқ овозидан уйғониб, деразадан мўралаганда, эри ҳовли ўртасида қаққайиб турганди. Қаққайган одамни жондор ермикан. Ҳечам-да. У эрининг ўпка-гинасини жавобсиз қолдириб, ичкарига ошиқди.

Салом мерганнинг ёмон жини қуришди. Бир ўйи ичкарига кириб уни тепкилаб ташлагиси келди. Аммо жаҳлга эрк бермади. Гўдақдай мунғайиб қолаверди. Кейин бирдан хотинидан бошқача йўсинда боплаб ўч олгиси келиб кетди ва тезда бунинг осонгина йўлини топди. Аёли қовурилган гўшт босилган хумчасини ҳаммадан қизғанади. Ана шу хумчани бўшатиб қўйиш керак. Кейин кўринг уни ирғишларини.

У ошхонадан бекитилган хумчани олиб чиқди-да, қайта жойига чўқди. Йўғон бармоқларини хумчага тикиб, ёғ орасидан эт бўлақларини қидира бошлади. Биринчи бўлақ титкилаб олингандан сўнг қолгани жуда осон кета бошлади... У ароқдан хўплаб, эт чайнаркан, ўпкаси тўлиб, тўнғиллаб-тўнғиллаб кўярди.

— Ҳарна рўзгорда эт бўсин деб, тунда жондор пойласаму, сен мендан этингни қизғанасан-а!

Чўнгалла муздек ҳавода тўсатдан пайдо бўлган янги бу ҳидни тез илғаркан, тўнглаган эт қатори ароқнинг қўланса исиниям сизди. Булар ганимига тегишли эканини пайқаб, ғарам томонга янада синчков тикилди. Оқёлнинг холи қолмоғини кутишга қарор қилди. Биладика, одам боласининг сабри узоққа бормайди. Буни у тажрибада кўп бор синаган.

Шу йил ёзда улар ўтов биқинидаги оқ улоқни пойлашганди. Даштда ўтов ёлғиз бўлса-да, ундан ҳеч одам аримасди. Айниқса, қоп-қора жиккак бир кампир ўтовдан нари кетай демасди. Фимирсиб юргани юрган эди. Оқ улоқни худди боласидек парвариларди. Оқёлнинг жинига ана шу улоқ ўтиришиб қолганди. Ўтов яқинидан ўтишаётганда, қордек оппоқ бу жонивордан ҳеч кўз узолмасди. Узун керишиб лаб-лунжини яларди, чўнқайиб кўзларини лўқ қиларди, ербағирлаб чўзиларкан, аста-аста ирилларди. Оқёлнинг чатоқ феъли - тикилган нарсасини олмас-

дан кўймасди. Шу боис, Чўнгалла унга кўмакка келди. Ўлжани бир неча кун пойлаб, охири ойдин тунларнинг бирида уни илиб, илиб эмас, росмана етаклаб, яъни улоқнинг тизимчасидан тишлаб, думи билан ҳайдаб кетди. Узоқ кутилган ўлжани жар тубида қаршилаган Оқёл уни эрмакка ўлдирди. Аммо емади. Бекорга нобуд этилган улоқнинг ҳузурини ўлаксахўр қушлар кўрди. Чўнгалла эса бу жараёнда кутмоқ ва сабр этмоқ сабоғини олди. Эгаси минг пойламасин, кўз тикилган ўлжани олиб кетиш мумкинлигини англади. Бунинг учун фақат сабр этмоқ лозим.

У ҳаводаги ҳидлардан ҳовлидаги вазиятни ўргана экан, бу сафар сабр этмоқ қийинлигини фаҳмлади. Оқёлнинг исини олгани сайин юраги ўз-ўзидан гупуриб кетмоқда эди. Шу сабаб кутмоқдан ҳаракат қилмоқни маъқул топди. Бу гал томорқани кесиб юрмай, оғил томонни танлади. Унинг исини олган моллар безовталанди. Чўнгалла уларга эътибор бермай, оғил ортидаги гўнҗтепагача сирғалиб келди-да бир зум тин олди. Кейин аста гўнҗтепага тирмашди. Салдан сўнг унинг кўзи ғарамга орқа бериб, чўнқайиб ўтирган ганимини кўрди. У ҳануз кавшанарди. Оқёлнинг ҳиди эса наридаги омбортомдан келарди.

У жуфти турган ерни аниқ билгач, енгил титради. Ўзига қолса, чўзиб ғингшиб ҳам оларди-ю, аммо... Ҳозир ғингшиб ўпқаланмоқнинг пайти эмасди. Ганими тиқ этган товушга қулоқ тутиб, жонини олмоққа ташна бўлиб ўтирарди.

Аслида Салом мерганда бу ташналик йўқ эди. Шу тобда унинг кўнғлида ғалати кечинмалар ҳукм сурмоқда эди. Оқшом Чўнгаллани қўлга туширмоқдан ўзгасини ўйламаган одам эндиликда дунёнинг айрим ишларидан ғоят таажжубга тушмоқда эди. Шу пайтгача сезмаганини қарангки, у жуда ёлғиз экан. Бола-чақам, қора қозоним деб елиб-югурган экану, аммо ўзининг танҳолигини ҳеч билмаган экан. Ёлғиз одамга бу қадар елиб-югурмоқ ва қандайдир мукофотни дея, қора тунда жондор пойламоқ шунчалик зарурмикан? Иссиқ уйда маза қилиб уйқуни ураётган яқинлари жуфтини қидириб келаётган хумбош жондорча бўлишолмаяпти-ку. Варанглатиб милтиқ отсаямки, бирортаси бошини кўтармади-ку.

Салом мерган оқоридаги хаёллар исканжасида беихтиёр хурмачани нари суриб қўйганида, Чўнгалла гўнҗтепада бу ёғига нима қиларини билмай ғаранг турарди. Агар димоғини куйдираётган яроқ ҳиди бўлмаганида, йўлида тўғанок бўлиб турган ганимини тинчитиш унинг учун бир сониялик юмуш эди. Аммо яроқ ҳиди унинг ҳужумкор шаштини кесиб, каловлатиб қўйганди. Ҳадик ҳажрдан устун келмоқда эди.

Салом мерган қорни тўқ бўлса-да, эрмак учун нимадир истарди. Хурмачага узалган жойида, ижирганиб қўлини тортди. Шунда унинг эсига ҳали очилмаган ароқ шишаси тушди-да, тимирскиланиб қидирини бошлади. Бирок тезда ичимликдан ҳам айниди. Сабаби энди совқотмаётганди. Демак, совуқ ҳам кўнгли хотиржам одамга сезиларкан-да.

У энди уйидагилар қолиб, қўшни ҳовлидаги иниларидан ўпқалана бошлади. Оқшом ниятини айтиб, ҳеч бўлмаса ярим тунгача ҳамроҳлик қилинлар деганида, хўп, дейишгандай бўлувди. Бирок яроғини шайлаб, остона ҳатлаши билан ҳовлида ёлғиз ўзи қолди. Анову ярамас хумбош шериги илинжида милтиқдан тап тортмай турганида, бутун бошли қиш-

лоқда унинг ҳоли билан қизиқувчан одам топилмади.

Агар у ажал шарпаси билан юзма-юз келмаганида қўтир дунёнинг бу хил икир-чикирларини сира ўйлаб ўтирмасди. Чўнгаллага жуда яқиндан рўпару бўлиш руҳан мудроқ бу бандани уйғотиб юборган, гар йиртқич инсон тилини тушунганида, у айнан шундай дерди: “Э-э, биродар, жуфтингни кўйида бунча ўртанаверма, йўқ энди у. Билсанг, бошингга бир сигирнинг пули тикилган. Кўлимни қичитмай, ими-жиммида жўнаб қол тезроқ!”

Шу лаҳзада бўрини сира отгиси йўқ эди. Кўнглига инсоф иниб, милтиқ тутган қўли тамомила бўшашганди. Бироқ гўнгтепада Чўнгалланинг қорасини илғаш билан юрагидаги бу ҳис исиз йўқолиб, унинг ўрнини ўша-ўша очкўзлик эгаллади. Бир сигирнинг пули ҳар қандай яхши ўйлардан устивор келди. Шунга қарамай, охириги дақиқада милтиқ милини атай титратди. Ички бир истак сўнги лаҳзада уни шу ишга ундади ва оқибат, йирик кўрғошин Чўнгалланинг боши устидан ўтиб кетди.

Чўнгалла жонхалатда дашт томон қочди. Салом мерган иккинчи ўқни бўшатмади. Отгани билан тегиши қийин эди. У итларнинг хуружига бирпас қулоқ тутиб тураркан, совуқдан ёрилган лабларидан шу сўзлар учди:

— Шеригинг омбортомда. Энди мени ўша ердан топасан. Ё мен сени тинчитаман, ё сен мени!..

У омбортомга кириб, бурчакдаги бўш қопларни ерга ташлади-да, Оқёлнинг қаваტიга ётиб олди. Аввалроқ шу иш хаёлига келмаганидан ичида ўзини сўкиб ҳам қўйди.

У жуда тез пинакка кетди.

Чўнгалла шу қочишда қир этагига етаркан, тошлоқ бетда бир зумга тўхтади-да, беихтиёр увлаб юборди. Сўнг ўз овозидан ўзи ҳушёр тортгандай, тош қотди-да, кейин улкан бошини бир ён буриб, тошлоқ бетдан сал наридаги ясси дўнгликка тикилиб қолди. Бироқ у на дўнгликни кўраётганди, на борлиқни ҳис этаётганди. Бу унинг ночор қолганлик ифодаси эди. Бунақа пайтда Чўнгалланинг номаълум бўшлиққа қадалган кўзлари маъносиз тортиб, чўнкаймоққа ҳозирланган жисми алланечук шалвирайди, захарланган ҳўрак еб қўйиб, эндиликда уни қайт этолмай турган жонивор қиёфасига кирарди. Аммо у бу беўхшов ҳолатда узоқ вақт қолмайди. Ички бир куч тўнгламоққа мойил вужудини мудрамоғига қўймайди. Натижада, шалвираган танага секин-аста жон киради. Бу ҳол унда ўнг оёғидан бошланади. Ўнг панжаси қорни томон тортиларкан, чап панжаси ўз ўзидан беихтиёр ҳаракатланади-да, бирор муддатдан сўнг шалвираган ғариб кўланка ўрнида кучли вужуд юзага келади. Бу жараённинг интихоси чўзиқ увлашларнинг бошланиши билан якун топади.

Чўнгалла аждодлари қўшиғини жуда маромига келтириб ижро этади. Бошқа бўрилардек ярим-ёрти эмас, тўлалигича айтади. У ув тортганда, тоғлар сукутга ботиб, дашт қалтираб туради. Қимирлаган жон борки, бари қарахт бир ҳолатга киради. Чўнгалланинг ўзи эса ҳузур қилади. Бунақа пайтда кучини ҳис этиб, қудратини намойиш этгиси келаверади. Муҳими, ув тортганда, юраги ҳар қандай дарддан фориғланиб боради.

Бу сифар ув тортмоққа у ўзида куч тополмади. Эгик боши хоҳишсиз тикларкан, кўзи дўннга тушиб,

аста гингшиди. Кейин аста ўша томонга юрди.

Дўнг қадрдон масканларидан бири эди. Қайноқ саратон кунларида Оқёл бу ерда юмронқозиқ овлашни хуш кўрарди. Чўнгалла бир четда чўзилиб ётар, Оқёл эса эркаланиброқ ов қиларди. Хуркак, семиз бу жониворларнинг эти унга жуда тотли туюларди. Боиси, уларни тутмоқ оғир эди. Машаққат чекиб тутилган ўлжа эса хамиша мазали бўлади. Бу хил овга Чўнгалла аралашмасди. Теваракка кўз-қулоқ бўлиб тураркан, кўпинча Оқёлдан қолган емишлар билан қаноатланарди. Шунга қарамай, бу энг фароғли дамлардан саналарди. Борлиқ нурга кўмилган, теваракда эса тишга босгулик емиш тўлиб-тошиб ётибди. Эринмасанг, бир чеккадан бирин-бирин илиб олавер. Оқёлнинг тентак феъли, машаққатли юмушларга бошини тикиб юради. Бўлмаса, суғуру юмронқозиқ овлашдан қийини йўқ. Бу ишда думининг учигача айёрлик зуҳурланмиш тулкилар ҳам кўп машаққат тортадилар. Оқёл эса тулкилардан ҳам устомон келади. Алаҳсираган жониворларни бир зумда тутиб олаверади. Унинг ертешар жониворларга бу қадар ўчилигидан Чўнгалла қанчалик хайратланмасин, ишига тумшук сукмайди. Чўзилиб ётган еридан теварак-атрофни синчков кузатишда давом этади. Даштга ўтов тикиб чиққан чўпонлар, олис-олисдаги сурувлар, қисқаси, қимирлаган жон борки, бари-бари унинг назарида. Бирор хавф сезса, у оҳиста ириллайди ва зумда даштда улардан асар ҳам қолмайди.

Хавф таҳдид солган кезлари Оқёлнинг инон-ихтиёри тўлалигича Чўнгалланинг қўлига ўтади. Бунақа пайтда у жуфтини ўз йўриғида юритади. Саркашлик қилса, жазолашдан ҳам тоймайди. Яна бир феъли, имкони борича кишилар кўзига ташланмасликка ҳаракат қилади. Иложсиз қолмаса, уй ҳайвонларига умуман қотинмайди. Бу энди барча бўриларга хос хусусият бўлиб, қишдан бўлак пайт улар хонаки жониворларга эҳтиёж ҳис этишмайди. Кун бўйи даштда суғур пойлаши ёки қуён дардида елиб-югуриши мумкин-у, аммо тумшуги тагидаги уй ҳайвонига тегмай ўтиш ҳолатлари бўрилар ҳаётида кўп бўлиб туради. Ички бир шуурга бўйсинган ҳолда кишилар асабига тирғалмасликка уринишади.

Чўнгалла ўз жуфтини ҳар қанақанги бало-қазодан кўз қорачиғидай асрарди. Уни одамлар бор томонга яқинлаштирмаслик пайида бўларди. Оқёл дўнгда ов билан банд кезлари, у маза қиларди. Тинчгина унинг ҳаловатини кўриқлаб ётарди. Гоҳо даштда қисқа муддатга изғиб, семиз қуён тутиб келарди. Унга ўз емишидан беришни ўйламаган Оқёл у тутиб келган ўлжага бемалол шерик бўлаверарди. Чўнгалла ундан ҳеч нарсани қизғанмасди.

Хозир ҳам унинг изларини кўзига сурткидек бўлиб, хувиллаб ётган ин оғизларини бир-бир ҳидлаб чиқаркан, соғинч ҳисси юрагини азбаройи ўртанидан, беихтиёр увлаб юборди. Сўнг икки-уч қаттиқ пишқирди-да, ерга чўнкайди. Тумшугини кўкга чўзганича, аждодларининг қадимий қўшиғини бошлади. Дашт бўйлаб таралаётган бу нидода кўп нарса қоришиқ бўлиб, унда соғинчдан ташқари, йўқлов ҳам бор эди. Одатда, ёлғиз қолган жонивор ўз “қўшиғи”да йўқловга кўпроқ урғу беради. Унинг йўқлови ҳеч қачон жавобсиз қолмайди.

Чўнгалла жавоб нидоларига диққат қилиб, улар орасидан, одатдагидек Оқёлнинг овозини қидирди. Табиий, ундан сас йўқ эди. Шунда унинг кўз ўнгида яроқ тутган фаними бор ҳолича намоён бўлиб, ово-



зига ғазаб инди. Ғазаби интиқом билан алмаши-ниб, унинг акс-садоси олисдаги бўрилар томонидан тез қайтди. Тоғ тарафдаги қандайдир гала уни ўзлари томон чорларди. Чўнгалла бу галани танимасди. Шу сабаб, уларнинг чорловини жавобсиз қолдириб, яқинидан сас берган шарпага қулоқ тутди. Кутганидек, кўп ўтмай қоронғилик қўйнидан Узунтумшук етовиди бешта бўри чиқиб келди. Аниқроғи, унга сари Узунтумшук интилган бўлиб, қолганлари унга эргашган ва ҳар бири бу урғочи махлуқнинг кўнглини овлаш илинжида эди.

Узунтумшук интилгани сайин, уларнинг ҳар бири Чўнгаллага нисбатан адоват сақлар, аммо унга бет бўлмоққа ҳеч қайсининг юраги чопмасди. Чиноқдек зарбаст тўдабошини маҳв эта олган бу махлуққа тенг келмоққа қайси бирининг ҳам чоғи етарди дейсиз. Уларнинг бахтига, Чўнгалла Узунтумшукни илтифотидан нари тутмоқда эди. Бунга сари Узунтумшукнинг қайсарлиги тутиб, унинг теварагида айланишда давом этаркан, ўзига рўйхушлик бермаётган бу ярамаснинг елкасидан ғарчча тишлаб олмоқдан базур ўзини тиймоқда эди. Ўзига қолса, бошлаб ўчини олган бўларди-ю, бироқ кейин бу турки совуқ тинч қўярмикан уни? Тупроққа қориштириб ташласа керак. Чўнгаллани фақат эркалашу қийшанг-лаш билан қўлга олиш мумкин.

Узунтумшук метиндек мустаҳкам бу вужудга ҳавасланиб-ҳавасланиб боқаркан, изидан эргашиб келганларга унинг ташланишини, ўртада каттакан талотўп юз беришини жуда-жуда истамоқда эди. Ҳар ҳолда голибнинг пинжида тўлғониш яхши-да. Аммо Чўнгалла унга қайрилиб ҳам қарай демас, наридаги бўрилар зимдан тиш қайрашдан бошқасини билмасди. Улар Узунтумшукнинг ордидан куну тун тилларини осилтириб юришса-да, барибир висолдан кўра жонлари ширинроқ эди. Жонлари эвазига Узунтумшукнинг меҳрини қозонмоққа эса ҳеч бирининг юраги бетламасди. Зеро, ожизликлари туфайли уларнинг муқим жуфтлари йўқ эди. Муқим жуфтликка эса Чўнгалла ёки Чиноққа ўхшаш ёвқур жониворларгина муяссар бўлардилар. Негаки, бу хил жониворлар ўз жуфтларини турли тажовулардан бемалол ҳимоя қила олардилар.

Кучли жуфтлик паноҳида яшашга одатланган Узунтумшук шунинг учун ҳам Чўнгаллага интилмоқда эди. Бу жиҳатдан урғочи жониворлар ниҳоятда тийрак келдилар. Бунақа жуфти ҳалол билан бемалол бола туғишу тарбиялаш ҳамда ташқи хавфдан ўзини холи сезиши мумкин-да. Аммо Чиноқдай вафодор ёрини тилка-пора қилиб ташлаган бу ярамас эса қайрилиб қарай демасди.

У аразлаган йўсинда Чўнгалла атрофини бот айланаркан, ордидан келган йўлдошларига кўз кирини ташлаб қўйди. “Хуштор”лари ҳануз анча нарида узун-қисқа бўлиб туришар, баъзилари Чўнгалла ҳамла қилиши биланоқ думини қисиб қочишга ҳозир у нозир эди.

Узунтумшук нозли ғингиб, Чўнгаллага янада яқин келди. Бошини унинг яғринига, кўксига суйкади. Тумшугини ялаб-юлқади. Бироқ Чўнгалла ҳайкалдай қотиб тураверди. У ҳамон олис олислардан келаётган жавоб нидоларига қулоқ тутаркан, улар орасидан Оқёлнинг овозини илғашга беҳуда уринарди.

Узунтумшук суйкалиб қўявермагач, у нарига бориб чўнкайди. Аммо урғочи бўри жуда тиришқоқ эди, унинг тинчига қўймади. “Хуштор”ларининг рашкини

қўзитиб, унга интилишда давом этди. Унинг илон каби эшилаётган тили ипақдай майин эди... Охири бўлмади, Чўнгалла унинг жодисига барибир учди. Кўзлари мастона сузилиб, ихтиёрини унга бериб қўйганини сезмай қолди. Бироқ Чўнгалланинг бу ҳолати узоқ давом этмади. Узунтумшукқа интилган жойида, бирдан жазаваси кўзиб кетди-да, интилиши ҳамлага айланди. Қанжиқни ерга босиб таламоққа тушди. Узунтумшук даҳшатдан ангиллаб юборди. Сўнг тура солиб қочмоққа тутинди ва ўзи билан, Чўнгалланинг тўсатдан ғазабини қўзитган, ўзга бўрилар тўдасиниям олиб кетди.

У қалтис пайтда жонига ора киролмаган “хуштор”ларининг олдига тушиб, жар ёқалаб қочиб бораркан, бир муддатдан сўнг тўхтади. Ортига ўгирилди. Чўнгалла қорамтир осмон фонидида кўкка сапчигандек чўнкайиб турарди. У шу ҳолатда ниҳоятда кўркам эди.

Узунтумшук алам билан ириллади. Ирилларкан, ёнига келган “хуштор”ларидан бирини юмматалаб ташлади. Чўнгалладан етган аламларини ундан олди. Кейин бақир-чақир билан жарга эниб кетишди.

Дўнгда қолган Чўнгалла йўқлов қўшиғини қайта бошлади. Унинг бу нидоси тонг-сахаргача давом этди.

* * *

Салом мерган қопқон қўймоққа ошиқмади.

У тонгда эшиқда пайдо бўлган Норкул чолнинг кутқусига учиб, томорқа адоғида бир нечасини қатор жойлаштириш ниятида омбортомдан қопқонларни олиб чиқаркан, тўйқусдан фикридан қайтди. Агар бу тақлиф кеча билдирилганда, у ҳеч ўйлаб турмаган бўларди. Норкул чол қопқон тўғрисида гап очганида, бу нарса ўзининг эсига келмаганидан дастлаб жуда ҳайратланган, бу жондорнинг жини бор-ов, хаёлими боғлаб қўйибди, деган фикрга ҳам боранди.

Аслида бу нарса унинг овчи сифатида ношудлигини билдирарди. Овчиюрга хос пухта тадбиркорлик, бор имкониятлардан тўла фойдалана билиш каби зарур хусусиятларнинг йўқлигидан дарак берарди. Бир гап билан айтганда, у ҳаваскорлигича қолганди. Шу боис, тунда яроқ тутмоққа етган ақли қопқонга қолганда оқсаганди. Чўнгаллани қопқон билан қўлга тушириб бўлмаси-да, муҳими, бу нарса унинг хаёлига келмаганлигининг ўзи жиддий қусур эди. Аммо Салом мерган буни қусур санамасди, жуда нари борса, эсдан чиқибди-я, эганг ўлгур, деб қўя қоларди. Боз устига, ҳозир буни ўйлайдиган ҳолатда эмасди у. Негаки, бу тун унинг қалбида шундай бир ўзгаришлар юзага келгандики, оқибат, Чўнгалладек жониворни қопқон билан қўлга туширмоқ бори турган номардлик эканини англай билди. Жуфтини дея тунда икки бор ўлимга рўпарў келган бу жонивор фақат мардона ўлимга лойиқ эди. Бу ўлим эса фақат милтиқ билан амалга оширилиши лозим эди.

Бу борада Салом мерганнинг фикри шу эди.

Эндиликда у ердаги қопқонлар устида ҳардам-хаёл бош қашлаб тураркан, ҳовлида ғимирлаб юрган аёлига адоватла қараб қўйди.

Аёли тонгда яна қовун туширган, яъни уйқусизликдан кўзлари киртайган эридан ҳол-аҳвол сўраш ўрнига, шу арзимас ишнияма эплай олмадингизми, деган маънода тўрсиллаганди. Аёлининг назарида, қўлига яроқ тутган кимса бу хил юмушларни, ҳамир-

дан қил суғургандек, осон эплаши лозим эди. Тунда отилган милтиқ овозидан жондор деганлари бутунлай қириб ташлангандек эди. Аммо сахар туриб қарасаки, эр жонивор шумшайиб ўтирибди. Шунда унинг энсаси қотиб тилига эрк берганди. Боз устига, бўшатиб қўйилган хумча...

Энг таажублиси, Салом мерган туғақиб кетмади. Иддао ҳам қилмади. Бир нуқтага тикилганча, хаёлга ботиб ўтираверди. Оғриқли ўйлари ширин туюлиб, ўксинган гўдақдек, ожиз ҳис қилди ўзини. Туриб кундалик юмушларига тутингиси келмади. Маъни топмади бундан. Елиб-югуришларинг қадрланмагач, бу ҳаракатлар не даркор!.. Бу хил ўйларга кўникмаган миясида фикр деганлари бетиним чарх ураркан, эндиликда тирикликка ўзга бир нигоҳ билан назар ташламоқда эди. Куннинг равшанлиги аниқ, туннинг қоронғилигига ҳам шак келтириб бўлмайди. Аммо оқибат деганлари ғирт ёлғон экан, бир жондорча бўлолмаганимиздан сўнг, тирикликнинг оғир аравасини кучаниб тортмоқдан не фойда, а?..

У бу фикрларини ҳануз қошида минғирлаб турган Норкул чолга билдирмади. Ҳовлида юрган аёлидан кўз узиб, гоҳ оёғи остидаги қопқонларга, гоҳ чолнинг ҳамон қимирлаётган лабларига тикиларкан, унинг кўрқаётганини ва кўрққани учунгина эшигига танда кўяётганини англади. Бошқа вақт қорасини кўрсатмайдиган бу одам энди эрта тонгдан тинчлигини бузмоқда. Чунки ўзининг тинчи бузилган. Бўридан кўрқиб, гарамдан хабар ололмаётганидан хафа, гарамга ўғри оралашидан жони ҳалак.

Бундай ўйлаб қараса, бошқалар ҳам чолдан пеш эмас, бари ёлғиз ўзини ўйлашади. Кимдир кўрадаги кўйларини, кимдир оғилдаги сигирини, яна кимдир... Норкул чолга ўхшаганлар эса ўз жонидан хавотирда. Аёлига бўлса ҳаммаси барибир - не кўйда, не ўйда ўртаниши билан мутлақо иши йўқ. Ойлаб туллари мижжа қоқмай жондор пойлаб чиқса-да, бирор туки қилт этмайди. Эркак кишини балоям урмайди. Аёлининг ақидаси шу ва эрига боғлиқ жамики нарсага ушбу тушунча орқали қарайди, муносабатда бўлади. Аёлининг фавқуллодда меҳрини уйғотмоқ учун Салом мерганнинг ё боши ёрилиши керак, ё кўли синиши... Ана шунда аёли унинг атрофида гирди-капалак бўлади. Унгача...

Салом мерганнинг эса тантиқлангиси, уйқудан қолдим, дея зарда қилгиси, қисқаси, аёлини зир югуртиргиси келади. Бу истак унда ярим тунда туғилганди. Дастлаб кўлига тегиши мумкин бўлган мукофотдан ўзгасини ўйламаган одам бирдан ўз қадрини ҳақида бош қотириб қолса денг... Гумбурлатиб милтиқ отсаямки, биров қорасини кўрсатмаса денг. Бир бандаси жондор билан бетма-бет келса-ю, ҳолини сўровчи топилмаса. Нимаси бу? Наҳотки, шунчалик қадрсиз бўлса у? Шу боис, у қаршисида минғирлаб турган Норкул чолга зарда ила тикилди.

— Тунда милтиқ отдим, эшитдингизми?

— Эшитгандай бўлдим.

— Нега, ҳолинг қалай деб келмадингиз?

— Ия, нега энди келишим керак?

— Айтиб бўладими, жондорнинг чангалига тушиб дегандай...

— Яроқ билан-а?

— Менда яроқ бўлса, унда... Учтутлик Чори узунни яроғ-пароғи билан еб кетишгани, нима, эсингиздими? Икдимми?

— Ир тўдаси хужум қилганда унга. Қанжиғи

ёмон бўлган дейишади. Қанжиғи от қўйса, қолгани қараб турмайди-да.

— Менгаям бир тўдаси хужум қилиб қолиши мумкин эди-ку.

— Мен уни ёлғиз кўрганман. — Чол овозини хиёл баландлатди. — Бунақа жондор ўзига шерик тутмайди...

— Билгандай гапирасиз-а.

— Билмасам, буйтиблар чирқирамасдим, - Норкул чолнинг жаҳли чиқди. - Ана, айтганим келиб, кунгинангни кўрсатаяпти-ку. Айтганимда, ишонмагандинг. Йўқотмасанг, сени у тинчитмайди. Жонгинангни олади. Шунингчун, кўп ўрлик қилмай, келар йўлига қопқон қўй. Қопқонга тушириб отмасанг, кўп овора қилиши мумкин сени у.

— Эркак жондор экан, қопқон қўймоқ номардлик бўлар-ов.

— Ия!

— Эркак жондор билан эркакчасига гаплашмоқчиман.

— Эркакчаси қанақа бўлади?

— Буни фақат эркаклар билади.

— Унда биз хотин эканмиз-да, а?

Салом мерган индамади. Норкул чол ердан кўтарган қопқонни унинг кўлидан олиб, қайта ерга ташларкан, негадир чуқур хурсинди.

— Сендан шу гапни эшитганимдан кўра, ўлганим яхши, - деди чол тўрсиллаб. - Майли, ўша жондор еб кетсин мени.

Салом мерган чолга зимдан тикиларкан, уни йўлига аччиқ қилаётганини ва жондор тирик экан, ўла қолса гарамга оёқ босмаслигини фаҳмлади. Бўридан бу қадар чўчишига ҳайрон бўлди. Негаки, Чўнгалла Салом мерганга ортиқ даҳшатли туюлмайд қўйганди. У йиртқич эмас, оркаш бир йигиту, истаган пайтда ора очди қилиб олиши мумкиндек эди. Шу ҳол хаёлидан кечиси билан, жондорнинг бошига қўйилган мукофот ўз аҳамиятини йўқота бошлаганини сезиб, бундан баттар ҳайрати ошди. Ўзига қолса, мукофотдан ҳам, Чўнгалланинг жонига қасд қилмоқдан ҳам воз кечарди-ю, аммо бу унга боғлиқ эмасди. Нега деганда, Чўнгалла ўта тиришқоқ рақиб эди.

Бу орада санлашдан чарчаган Норкул чол муро-сага ўтди.

— Кўп ўрлик қилмай, қопқон қўй, - деди унинг хаёлини бўлиб. - Эмасам, қўлга туширишинг қийин уни. Боши жуда беўхшов нарса экан, кучи бисёр бўлса керак.

— Айтдим-ку, қопқон қўймоқлик номардлик деб.

— Жон бир ён турганда, мардлигу номардликка бало борми, - Чолнинг хуноби ошди. - Сенга у йигитмиди-ки, майдонга чиқиб олишсанг.

— Йигит у!..

— Тунда сени жин чалиб кетганга ўхшайди.

— Ўзимам шу ўйдаман, - Салом мерган маъноли жилмайди. - Хаёлим жойида эмас...

— Унда мулла-пулла чақирайлик, ўқиб қўйсин.

— Муллангизни кучи этмайди.

— Нима қил дейсан унда?

— Тинч қўйсангиз бўлди.

У Норкул чолни анг-танг қолдириб, кўтариб чиққан қопқонларини қайта ичкарига ташимоққа тушди.

* * *

Чорасизликдан Чўнгалланинг қаҳри жўшгандан



жўшиб борарди. Салом мерганни-ку кўрарга кўзи йўқ эди. Қани энди, у ярамасни бирор овлоқда учратса-ю тилка-пора қилиб ташласа, суякларини мижиса...

Ўз ҳаёти давомида Чўнгалла жуда кўп жониворларнинг умрига зомин бўлганди. У яшаш учун ўлди-рарди. Эндиликда эса “қасд” деган нохуш бир туйғу етовига туша бошлаганди. Сирасини айтганда, бу қасддан ҳам кўра, йўлдаги тўсиқни бартараф этишга интилиш эди. Ўтган кунни Оқпанжани шу важдан йўқотганди. Мана энди Салом мерганни кўз остига олмоқда. Аммо одам боласи ит эмас, уни на алдаб бўлади, на чалғитиб. Чўнгалла буни яхши англади. Англагани боис, чора топмоққа қийналмоқда эди. Куйи водийнинг ҳукмрони саналган Олакўз буқани тинчита олган жонивор одам қаршисида жуда ожиз қолмоқда эди. У ўз тажрибасидан шуни яхши билардики, одам боласи ҳеч қачон буқадек олишиб ўтирмайди. Кўлида яроғи бўлсагина ҳамла қилади, акс ҳолда куёндан заиф, ўта тез енгилади.

У Чиноқнинг тўдасида юрганида, фожеали бир ҳолнинг гувоҳи бўлганди. Қаҳратон қиш чилласида тўда яланг даштда изғирди. Ўша кунни тушга яқин тўда Сариктепа биқинида уймалашарди. Узунтумшуқ шуни истаган, яъни жой куригандай йўлнинг устига чўзилиб олганди. Илиқш пайтида урғочи бўри қаерда бўлса, арлони бўрилар ҳам ўша ерда ўрналишади. Уларнинг инон-ихтиёри урғочи бўрининг измида бўлади. Турса туришади, юрса юришади.

Узоқдан калтагини белига тутган чўпон йигит кўринганда, Узунтумшуқ қалин қор устида юмалаб ўйнарди. Қолган жондорлар узун-қисқа ҳолда уни теваараклаб ётардилар. Чўпон ёш ва бақувват, кучини ичига сиғдиролмай, қорни ғарч-ғурч босиб келмоқда эди. Тўғрироғи, уни ажал ҳайдаб келарди. Бўлмаса, кўр эмас, йўлда бир эмас, бир гала жондор турибди. Чамаси, у кучига ва кўлидаги таёғига ишонганди. Калтаги заранг, урса, ҳар қандай жонни чўзилтириб кўя олади. Қисқаси, ажал ҳайдаган йигит хуштак чалганча, диконглаб келарди. Арлони бўрилар Узунтумшуққа қарашди. Воқеанинг қолгани унинг инон-ихтиёрига боғлиқ эди. У кетса, қолган жондорлар ҳам унга эргашади. Акс ҳолда одам боласининг шўрига шўрва тўкилади. Бахтга қарши, Узунтумшуқ ўрнидан кўзғолмади. Тикка бостириб келаётган йигитга қизиқишга тикилиб ётаверди. Одам боласига тирғалмоғи учун унга жиндек ғазаб даркор эди. Ғазаб ундаги ҳафсаласизликни кўйиб, ғайратга миндирмоғи лозим эди. Буни қарангки, тезда баҳона ҳам топила қолди. Чиноқ унинг яғринига суйкалиб, тумшуғи билан турткилади. Уни бу ердан узоқлаштирмоқ истади. Шу тобда беҳуда қон тўкмоққа бирорта ийртқичнинг хоҳиши йўқ эди. Қорни тўқ бу жониворлар ишқ ўйинидан бошқасини ўйлашмасди. Чиноқнинг суйкалиши шу важдан эди. Бунга жавобан Узунтумшуқ ириллаб берди. Бу камдек Чиноқнинг бўйиндан тишлаб ҳам олди. Сўнг ўридан кўзғолиб, узундан-узун керишди. Кўзлари ёвузона чақнаб, лаби-лунжини бот-бот ялади.

Одам боласи эса жадал келарди. Узунтумшуқ саллон-саллона унинг йўлига кўндаланг бўлди. Оралик масофа хийла қисқаргач, ажал измидаги банда калтагини ўнғайлади. Қаршисида бўри галаси эмас, гўё итлар тўдаси тургандай ва бир ҳамладаёқ уларни тумтарақай қилиб юборадигандай, ишончли бир тарзда ўша-ўша тикка босиб келарди.

Урғочи бўри уни ириллаш билан қаршилади.

Одам боласи дадил яқинлашиб, чағдастлик билан таёқ сермади. Аммо Узунтумшуқ иблисона бир эпчиллик билан йигитнинг кўлидаги калтакка оғиз солиб, уни юлқиб олди. Ишнинг қолганини Чиноқ жуда тез ниҳоялади. У одам боласини ёриб ташлади. Ажал кутқуси остида бамисоли шердай бостириб келган одам боласи куёндай хароб бир аҳволда тезгина ўлим топди.

Чўнгалла буни сира кутмаганди. Одам боласининг шахт билан босиб келишига қараганда, ўртада жуда катта тўқнашув содир бўладигандек эди. Аммо икки оёқли бу махлуқ Чиноқнинг бир ҳамласигаям бардош беролмади...

Ақл-заковатли одам боласига нисбатан фаҳмсиз буқа ҳам бардошли, ҳам курашувчан экан. Чўнгалла унга кейинчалик рўпару бўлди. Бу вақтга келиб у аллақачон тўдадан ҳайдалган, хийла муддатли ёлғизликдан сўнг Оқёлнинг васлига эндигина эришган онлари эди. Шўри қисиб, Куйи водийнинг ҳукмдори Олакўз буқага қасдланиб қолганди.

Олакўз буқа жондор деганларини чивин ўрнида кўрмасди. Ўзи хон, кўланкаси майдон бўлиб, кутуриб, пишқириб юрарди. У сергак пайтида подага яқин йўллаш мушкул эди. Бир сафар Чўнгаллани шохидан тўлғаб отганди. У бир мўъжиза билан омон қолганди. Бошқа бўри ўлақолса қайтиб буқанинг кўзига кўринмасди. Бироқ Чўнгалла кекчи эди, буқанинг бу қилмишини хотирига михлаб қолди.

У қасосли онларини узоқ кутмади. Кўнғир айиқ пастга энган кеч кузакда тагин у буқага рўпару келди. Аммо энди буқанинг аҳволи анча чатоқ эди. Айиқ билан бўлган жангда у жиддий жароҳат топганди. Олакўз буқа мева илинжида куйига энган айиққа ташланиб, обдон адабини еган бўлса-да, ҳали жуда бақувват эди. Чўнгалла қон ҳиди туфайли унинг ёнига бориб қолганди. Қарасаки, эски ғаними қонига ботган куйи, ҳоли қочиброқ турибди. Агар у пишқириб, бошини салаңлатмаганида, Чўнгалла изига қайтиб кетишиям мумкин эди. Аммо уни сезган буқа бошини эгиб, у томон юрди. Айиқнинг аламини ундан оладигандек, Чўнгаллага ҳамла қилиб қолди. Ўткир шохи билан жондорнинг яғринини тилиб юборди. Чўнгалла қаҳрга минди. Қон ҳидидан кутуриб кетди. Улар жуда узоқ олишдилар. Оқибат, кўп қон йўқотган буқа охири жон таслим қилди.

Ўшанда Чўнгалла буқани куч билан эмас, бардош билан мағлуб этганди. У жиддий жароҳат олишига қарамай, кетма-кет ва тинимсиз ҳужумлар эвазига уни енга олганди. Олакўздек кудратли рақибни мағлуб этмоққа қурби етган Чўнгалла Салом мерган қаршисида жуда ожиз қолмоқда эди.

У бошини кўтариб, нурга тўлган даштга ғамгин термулди. Орқа ўнг оёғи билан қулоғи остини узоқ қашлади. Кейин улкан бошини тагин оёқлари остига жойлаштирди. У бесамар ув тортишлардан хориб, сахарга яқин дўнгда ўлиқдай чўзилиб қолганди. Ёруғ кунда бу тахлит чўзилиб ётиши яхшилиққа олиб келмаслигига фаҳми етса-да, холироқ жойга ўтмоқни хаёлига келтирмади. Оқёлга айро тушганидан бери у ўз жони ҳақида кўпда қайғуравермас, сўнги пайтда бир нуқтага тикилишни одат қилганди. Ҳозир ҳам у на елкасини илитаётган офтобни, на кўкиш ҳовурга бурканиб, гўзал бир тусга кирган даштдаги ҳаракатни сезарди. Нигоҳи олисда қорайиб турган қишлоққа қадалганди. Қишлоқ уни ўзига қанчалик чорласа, ўз навбатида, кўксидан итариб турарди. Назарида, бутун хавф-хатар қишлоқда-ю, дашт

бундан ҳолидек, у дўнгдан нари кетай демасди.

У Оқёлсиз кундалик ҳаракатни унутиб қўйганидек, қорин тўйдирмоқни ҳам ўйламасди. Жуфти қаватида пайтида борлиқ ўзгача эди. Оёқлари юришдан, кўзлари кўришдан ҳоримасди. Тумшуғи билан дунёнинг ҳидини олиб, унинг гувранишиб-тебранишларини сезиб, ҳис этиб турарди. Энди эса бу нарсаларга қизиқиши йўқ, тунгача чўзилиб ётмоқдан ўзга чораси йўқлигини сезгандек, қарашлари лоқайд эди.

Чўнгкалла бу ҳолатдан, агар оч қорни таталама-са, тундагина қутилиши мумкин эди. Тунда томирларида тириклик қони жўшиб, вужуди кучга тўлади. Бироқ ун-гача ҳали узоқ, жуда узоқ, ҳозирча Салом мерганни бартараф этмоқнинг чорасини ўйламоқдан ўзга юмуши йўқ эди. Агар унда инсонларга хос идрок мавжуд бўлганида, Салом мерган шунчаки тўсиқ бўлмай, атай йўлини пойлаётганини англаб етарди. Афсуски, у Салом мерганни Оқёл банди тушган қўрғоннинг жонли бир бўлаги деб билар ва нукул ўша бўлакни четлаб ўтмоқнинг пайида бўларди. Салом мерганни қўрғон бўлаги деб билганидек, Оқёлнинг тириклигига ҳеч шубҳа қилмас, унинг кутқармоғига ишончи қомил эди. Бунинг учун эса тунни кутмоғи даркор. Тунгача эса эрта, жуда эрта эди.

Узоқдаги қишлоқдан кўз узмай ётган Чўнгкалла дала йўлида машина пайдо бўлганида ҳам қилт этмади. Аста чайқалиб келаётган машинага бир қадар лоқайд, бир қадар ғазабнак боқаркан, унинг бир маромдаги гувиллаши илгаригидек юрагига ваҳима солмади. Оқёлнинг дардида ўртанаётган юраги ҳадиқдан титрамас, қизиги, у даҳшатни ортиқ ҳис этмай бошлаганди.

Чўнгкалла гўё тирикликдан чарчагандай ҳорғин кўзларини оҳиста юмди. Дашт сукунатини эса машина овозигина бузарди.

* * *

Чўнгкалла ярим тунда қишлоқ этагида пайдо бўлганида, кундузги тушкун ҳолатидан асар ҳам қолмаганди. Панжаларини қордан холи ерга дадил босар, ярим очиқ жағи темирни бурдалашга қодир эди. У кундузги лоқайд жониворга сира ўхшамасди. Қорни тўқ, шашти жуда баланд эди.

У бугун кечки пешингача ўлиқдай чўзилиб ётган бўлса-да, барибир табиий эҳтиёжга бўйсинган, қорин тўйдирлаш ғамида ўрнидан кўзғолганди. Ёзда юмронқозиклар ғужгон ўйнайдиган дўнгда бир муддат дайди-гач, энишда чўнқайган ва эрталабки тароватидан мосуво бўлиб, алланечук дилгир бир тус олган даштга ғамгин термулган, қимирлаган ҳар бир қорага ўлжа сифатида қараб, пича тараддудда тургач, очликка чидамоқ ўта қийинлигини англаган. Айни шу англашнинг ўзи ҳаракатга нишона эди. Шу дамгача ичкаларининг сурнай чалишига бепарво бўлишга тиришган жонивор беихтиёр лаб-лунжини яламоққа киришганди. Агар шу тобда оёғи остидаги инларнинг биридан юмронқозик чиқиб қолса, у Оқёлу Салом мерганни, қисқаси, бутун ташвишларини унутган кўйи ўлжа кетидан от қўйган бўларди.

Нафс тагин ўз ҳукмини ўткази бошлаганди. Натижада, Чўнгкалла нафсини қондирмоқдан ўзгасини ўйламай қўйган ва димоғи илғаган хидга эргашиб, даштга энганди. Бу сафар унинг чангалига ёз бўйи боши меҳнатдан чиқмай, қишда эса кўчага ҳайдалган эшаклардан бири тушди. У эшакни ёзги кўра ёнид қиратиб, уни бир пасда жонсиз жасадга


айлантираркан, кўзи этнигина кўрар, шуури шу ўлжа теварагида чарх урар, Оқёл деганлари эса маълум муддатга худди ёмон тушдек, миясининг қайси бир четига яширинганди. Юрак дарддан холи, яъни у қоринга айланган, фақат емиш талаб қиларди.

Чўнгкалла вужуди истагини қондирмоқ ниятида кучли жағлари билан эт чайнаркан, ҳузурдан кўзлари сузилар, фароғатли бу дамларни янада кўпроққа чўзмоқ учун ошиқмасликка ҳаракат қиларкан, курсоғи чала тўйиши билан дард деганлари беандишаларча тагин шуурига бостириб кира бошлаганини сезди. Юрак яна ўз вазифасини бажармоққа тушди. У Оқёлни дея ўртана бошлади. Аммо бу ўртаниш жағлари ҳаракатига монелик қилмади. Юраги Оқёлда, жағи ўлжада, кўзи эса тун пардасига чўлғанаётган даштда, у вужуди истагини қондираркан, қоронғи қуюқлашгани сари томирларида навқиронлик қони жўшиб, пайлари кучга тўла бошлаганини ҳис этди. Энди у кундузги Чўнгкалланинг бутунлай акси эди. Шу лаҳзада Салом мерганга ўхшаганларнинг ўнтасини ямлаб ютишга қодир эди. Аммо ички бир сезги одатдагидек унинг ҳовлиқишига йўл қўймас, шу боис, ошиқмай эт ямларди. Боз устига, теварагида ўлжа хидини олган шарпалар изғиб қолганди. Бу Узунтумшукнинг тўдаси эди. Демак, у сал нари кетиши билан бу очофат тўда ўлжага ташланади. Одатда, йиртқичлар ўлжасини қизғанишади. Имкони борича уни бекитиб қўйишга тиришишади. Бироқ ҳозир бунга имкони йўқ, курсоғи тўйгани сайин, у Оқёлни кўпроқ ўйламоқда эди. Ўз навбатида, ўлжасини ҳам ташлаб кетгиси йўқ эди. Шунга қарамай, бора-бора барибир нафсдан юрак устун келди. У ўрнидан кўзғолиб, ҳузур қилиб керишди. Кейин нарида ўлжа умидида тумшук ялаб туришган йиртқичларга қия ҳам боқмай, тун қаърига сингиб кетди. Бироқ нурга тўлган қишлоққа яқинлашишга юраги бетламай, даштдаги тепаликлардан бири устида чўнқайди. Қишлоқда ҳаракат саси тиниб, чироқлар ўчғунча ўша ерда қолди.

У қишлоқ этагида пайдо бўлганида, қишлоқ зимзиё тун қаърига бутунлай чўмганди. Ҳатто итлар ҳам пинакка кетгандай эди. Буни қарангки, тунги ел яна унинг фойдасига ишламоқда эди. Шу сабаб, унинг ташрифидан қишлоқ итлари беҳабар, у эса димоғида туйган турфа хидлар воситаси ила қишлоқни худди кўзи билан кўраётгандек тасаввур этмоқда эди. Хидлар орасидан хавфли хидни илғамагач, у Салом мерганнинг ҳовлиси томон шарпадай сирғалиб жўнади.

Чўнгкалла одатдаги жойида чўнқайиб, ҳовлини обдон ўрганмоққа киришди. Тумшуғи орқали ҳовлидаги вазиятни тез фаҳмлагандай бўлди. Кўрага бугун янги силос туширилибди. Тандинга нон ёпилибди. Ўчоқдаги чўққа суяк тушган шекилли, иси анқиб турибди. Бу хидлар орасида оқшом сўйилган товук иси ҳам ўралашиб юрарди. Бироқ уни бу хидлар сира қизиқтирмасди. У зўр бериб Салом мерганнинг таниш исини қидирмоқда эди. Унинг хиди одатда темир ва милтиқ дори исига қоришиқ бўларди. Қани ўша қоришиқ хид? Қайси гўрга йўқолди у?

Чўнгкалла аста илгари силжиркан, ҳар одимда бир тўхтаб, ўнлаб хидлар орасидан ўша таниш хидни қидиришда давом этаркан, тасаввурдаги яхлит қўрғоннинг бир бўлаги ўпирилиб тушгандай бўлди. Эндиликда ўша нураган жойдан бемалол ичкарига кириши мумкиндек эди. Натижада, унинг ҳаракати



сал дадиллашди. Тезда гарамга ҳам етди. Салом мерганнинг оёқлари остида топталган ерни ҳидлай-ҳидлай, секин теваракка кўз солди. Оқёлнинг ёқимли ҳиди гупуриб турган омбортом узоқ эмас, эшиги ярим очиқ турарди. У беихтиёр ўша томонга интилди ва интилган жойида ҳадиғу таажжубдан донг қотди. Негаки, Оқёлнинг иси қатори Салом мерганнинг ҳам ҳиди анқимоқда эди-да. У бу ҳидни сўнгги лаҳзада сезиб қолганди. Шунга қарамай, бу ҳид унинг оёғига тушов бўлолмади. У илгариллашда давом этди. Салдан сўнг одам боласининг бир текисдаги хурраги қулоғига чалингандай бўлди. У буни хириллашга ўхшаш бир синоат деб билди. Ўлжасининг бўғзига тиш ботирганида, бу хил ғалати насларга кўп бор дуч келганди. Бугун ўлжасига айланган безор эшак жонивор ҳам мана шу тарзда хириллаб жон берганди.

Чўнгкалла ярим очиқ эшикка етмай тўхтаркан, бот теваракка назар солди. Кейин аста ичкарига бош суқди. Омбортом ўртасида ўзига тикилиб турган Оқёлга кўзи тушди. Қаватида эса, худди кутганидек, Салом мерган хуриллаб, унинг назарида, хириллаб ётарди. Чўнгкалла уни Оқёл томонидан маҳв этилган деб билди. У янада ботирланиб, эшикка қадалиб турган Оқёлнинг истиқболига енгил сакради. Эркаланиб тумшуги билан бир туртди. Турткидан сўнг уни обдон ялаб-юлқимоқчи эди. Аммо шўрлик Чўнгкаллани гоят таажжублантириб, Оқёл бир қоп сомондай ағдарилиб тушса бўладими. У хасдек жуда енгил эди. Чўнгкалла, юраги нохуш нарсани ҳис этиб, унга ошиғич интилди. Тумшугини жуфтнинг пинжиги суқаркан, унда тириклик ҳароратини сезмади. Қанчадан-қанча жониворларни жонсиз вужудга айлантириб, сўнг пок-покиза тушириб келган йиртқич бу хил ҳолатни яхши идрок ётарди. Фақат Оқёлнинг жонсиз танага айланганига ҳеч кўни-колмай турарди. Бу мумкин бўлмаган ҳолдек, у урғочи бўрини тагин турткилади. Жонсизлиги етмагандек, Оқёл залворсиз эди. Бундан Чўнгкалланинг баттар ақли шошди. У беихтиёр гингшиб юборди. Жудоликнинг бор алам ва аччиғини юрагида теран ҳис этиб, увлаб юбормоғига бир баҳя қолди. Бироқ бунга улгуролмади. Кутилмаганда чўзилиб ётган рақибига жон кириб, қимирлаб қолди. Чўнгкалла у томонга ўгирилганча бўлмай, қулоғини қоматга келтириб, милтиқ гумбуради. Нақ бошида турган жондорни кўрган Салом мерган кўрққанидан қаватида ётган милтиқ тепкисини босиб юборганди. Тепкини босиш баробарида, эналаб, қичқираркан, куним битди, деб ўйлаганди. Нега деганда, у йиртқичнинг нақ жағи остида ётарди-да. Жондорга озгина химо етарли, эгилса бўлди. Салом мерган деган бандасининг кўзлари абадий юмилади. Аммо унинг бахтига, жуфтнинг ўлимидан тамомила гангиб қолган Чўнгкалла бу қулай вазиятдан фойдаланмоқни ўйламади. Тирик дегани - ўлик, ўлик дегани - тирик чиқиб қолганидан гарангсираган жонивор милтиқ овозидан хуркиб, ўзини эшикка урди.

Ортидан иккинчи ўқ гумбураганда, у остона ҳатлаганди.

Булутли тун қоронғи эди. Чўнгкалланинг ичи тундан-да қоронғи эди. Яйдоқ даштда кўрқув, алам ва оғриқ оғушида шамолдай елиб бораётган бу шўрликка шу тобда икки дунё бир эди. У шуурсиз бир ҳолатда қочиб борарди.

Эртаси пешинда қир ёқалаб қўшни қишлоқдан қайтаётган Эсон полвон ўпкасини қўлтиқлаб, қиш-

лоққа кириб келганида, Салом мерган аёлининг эркаси бўлиб, уй тўрида чўзилиб ётарди. Мехрибонлару йўқлаб келувчилар кўпайгани сари бу зайлда чўзилиб ётиш унга жуда хуш ёқмоқда эди. Айниқса, аёлининг, гирди-капалагини айтмайсиз. Тундаги воқеа ўртадаги лоқайдлиғу совуққонликни супуриб ташлагандай, у эрининг панжа изи қолган афтига меҳрла тикилар, гоҳо-гоҳо тунда эрига хужум қилган бўрини қаргаб, шунча чурвақа билан кейин мен нима қилардим-а, деб кўярди. Эрининг ёнидан кетай демасди. Ўз навбатида, Салом мерган ҳам унга қараб-қараб кўярди: “Шу менинг хотинимми ё бошқа бировми?” Кўз ожиз қолган ерда қўл ишга тушгандек, у аёлининг қўлларидан тутиб кўргиси, шу ўзингми, хотин, дегиси келарди. Аммо ҳол сўровчилар бунга халақит берар, эркакнинг юраги тубидан қалқий бошлаган унутилган туйғулар унинг нигоҳида жонланишдан нарига ўтмасди. Қани энди, ҳеч ким бўлма-са-ю, у аёлига кўп нарсаларни айтса. Бироқ эшикдан кириб келувчилар бунга изн бермас, кирган ҳам, чиққан ҳам негадир юзидаги панжа изига қарашар ва худо бир асрабди-я, дея нукул бош чайқашарди. Бунга сари, у инқиллда давом ётар, инқиллагани сайин ўзининг ярадорлиғига ишона борарди.

Умри бино бўлиб, касаллик нелигини билмаган Салом мерган бу айрича эътибордан талтайиб ётаркан, эшикдан ҳовлиқиб кирган Норқул чолни ёқтирмади. Эсон полвоннинг ташрифидан ёна ажабланди. Негаки, бу одам билан ошначилиги йўқ, нима қилиб юрибди бу?

Норқул қоровул ҳол-аҳвол сўрашнйям унутиб, Эсон полвонни олдинга туртди, ошиғич оҳангда деди:

— Салом, эшит бунинг гапини.

Ўзининг бу хил чўзилиб ётиши улар учун мутлақо аҳамиятсизлигини сезган Салом мерганнинг энсаси қотди. Тумшайиб, кўрпани энгагига тортди.

— Сизга ҳамла қилган жондорни кўрдим, - деди Эсон полвон ҳовлиқиб. - Ётиб қирда боврини ерга бериб. Ўликми-тирикми, унисини биллолмадим. Мо-тоциклга газ бериб, ҳадаҳа қоча қолдим.

Салом мерган касалини унутди. Учқуқ босган лаблари енгил титради. Эсон полвоннинг “ўликми-тирикми” дегани унга ёқмади. Негадир, у Чўнгкалланинг ўлишини истамади. Наҳотки, ўқи теккан бўлса? Йўқ, бўлиши мумкин эмас. Уйғонганида, Чўнгкалла бош томонида турарди. Милтиқ эса, мили эшикка қараганча, қаватида ётарди. Кўзини очиши билан бармоқлари тепкини тимирскилаган. Жондор милтиқ овозидан кейингина ўзини эшикка урган. Қочаётиб, панжаси билан унинг бетини тирнаб ўтганди. Дарвоқе, иккинчи ўқниям бўшатганди-я. Мўлжал қаёқда, тусмоллаб. Демак... Э, йўқ, бўлиши мумкин эмас.

У, кишилар ўйлагандек, жондорниг ҳамласидан эмас, қурқувдан ётиб қолганди. Даствлаб, шунчаки ётиб ўзига келиб олмоқчи эди. Қарасаки, ҳамманинг диққати унда, шундан сўнг биратўла чўзилиб кўя қолганди.

Эсон полвоннинг хабаридан сўнг ичи қизиб, ортиқ ётишни истамай қўйди. Аёлининг ҳай-ҳайлашига қарамай, апил-тапил кийинаркан, барибир бандалиғига борди: “Агар биров илиб кетган бўлса, мукофотни тушингда кўравер.”

У ўша қизғаниш заптида ташқарига отилиб чиқаркан, супа четида энсасини қашлаб ўтирган укасига буюрди.

— Отни опчик! Тезроқ!

“Вой, жоним”лаб ётган беморнинг оёқлаганини кўрган ука доводирай-довдирай отхона томонга чопди. Акасининг важоҳатидан гўё бир ерга ўт тушгандек эди.

Салом мерган отини қичаб қирга етаркан, Чўнгаллани олисданоқ пайқади. Жондор улкан бошини оёқлари устига қўйганича, қишлоққа тикилиб ётарди. У йиртқични кўриши билан от тизгинини тортди. Қўлидаги яроғини қайта кўздан кечирди. Боя ошиғичда кўшоғизнинг бирига майда сочма ўқ жойлаган экан, уни тўнғиз ўқиға алмаштирди. Бу икки ўқ билан жондор деганларини титиб ташлаши мумкин. Фақат тегиза олса бўлди. Қизиқ, нега у қилт этмай ётибди. Безрайиб туришига қараганда, жуда қаттолга ўхшайди. Ўлар хўкиз болтадан қайтмас дегандай, жуда ўр чиқиб қолди. Ўр бўлмаса, тунда эшигига танда кўярмиди. Аммо мард жондор экан. Худди бирга-бир чиқадигандек, тикилиб ётишини қара буни! Чинданам ҳамла қилиб қолса-я ҳали.

Салом мерган юраги пўкиллабгина олға юра бошлади. Бу орада жондор хидини олган от тайсаллаб туриб олди. Уни қичамоқдан наф йўқлигини сезган Салом мерган отдан тушди. От жонивор айна шуни кутиб тургандек, у эгардан узилиши билан шаталоқ отганича қочиб қолди. Юган тасмаси билагини сидириб юборган Салом мерган ерга ўтириб қолди. У йиқиларкан, отга эмас, жондорга олазарақ бўлди. Қўлидаги яроғини тўғрилай-тўғрилай, Чўнгаллага ўшшайиб тикилди. Кейин оёғини ерга тап-тап урган бўлди. Жондор қилт этмади. Пайт пойлаётган мушукдек миқ этмай ётаверди. Салом мерган унинг тириклигига гумон қила бошлади. Аммо гумон деганлари юракка далда беролмасди. Шу сабаб, йиртқич томонга тик боришдан ҳайиқиб, қуролини шай тутганича чап ёнига юрди. Бир одим, сўнг бир неча ўн одим.

У кеча тундаги воқеадан сўнг шу қадар юрагини олдириб қўйгандики, Чўнгалланининг ўзи тугул, тукидан ҳам кўрқарди. Тезда у жондорнинг ўнг ёнбошидан чиқди. Милтиқ ўқи етар масофага яқинлашса-да, йиртқич ҳолатини ўзгартирмади. Қишлоқ томонга тикилган нигоҳини бу томонга бурмоқни истамагандек, ўша-ўша алфозда ербағирлаб ётаверди. Унинг бу ҳолати ҳамлага шайлика ўхшаб кетарди. Салгина ҳимодан бамисоли шердек ташланмоққа ҳозирдек эди. Ўқ узмоққа ички бир шуури йўл қўйгани боис, Салом мерган олға юрмоқда давом этди. Бироқ бир оздан сўнг барибир бардоши етмади. Осмонга қараб ўқ узди. Жондор қимир этмади.

У энди дадил илгарилади. Шунда ҳам яроқни шай тутмоқдан ийманмади. Милтиқни қия тутганча жондорга яқинлашар экан, унга анча етмай тўхтади. Бирдан ўзини ўлганга солиб ётиб, тўсатдан ҳамлага ўтган ва овчини тилка-пора қилиб ташлаган айиқ воқеаси эсига тушиб, ердан тош олиб отди. Тош йиртқичнинг тумшуги тагига бориб тушди. У ўша-ўша “музлаб” ётарди.

Салом мерган ниҳоят унинг тепасига борди. Тунда таваккал узган иккинчи ўқи йиртқичнинг шўрини қуритганини илғағач, бош томонига ўтди. Жони-

ворнинг қишлоққа тикилган кўзларида ёш қотиб қолганди. Бечора шеригидан умидини узолмаган қўйи жон берганди. Буни дафъатан англаб етган Салом мерганнинг томоғига ёнғоқдек нарса келиб тақалди. Эгилиб жониворнинг бошини силади. Чуқур хўрсинди. Шунда мукофот нақдлигини ўйлади. Бироқ бундан зигирча қувонмади. Жондорнинг ёшли кўзларига қараёлмай, узоқ-узоқларга ғамгин термуларкан, икки мотоциклда елиб келишаётган ҳамқишлоқларини кўрди. Негадир Чўнгаллани улардан қизганди. Худди уни ҳимоя қилиш жуда лозимдек, қоматини ростлаб, яроғини шайлади.

Қуюндек етиб келганлар шовқинлашганча уни қутламоққа тушдилар. Норқул чол ўзини ёмон кўрқитган лаънати жондорни тепмоқ истади. Аммо Салом мерган бунга йўл қўймади. Чол ажабланди.

— Биргина тепмасам, армонда кетаман, — деди сўнг. — Жонимни товонимга туширган бу.

— Йўқ, тепмайсиз! — Салом мерган милтиқ кўндоғи билан уни охиста нари сурди. — Аввалроқ тепиш керак эди. Энди эса кераги йўқ. Тепмайсиз энди!

— Терисини шилмайсизми буни? — деди Эсон полвон уларнинг гиди-бидисига аҳамият бермай. — Ўзиям лекин зўр жондор экан. Яғринини қаранг. Вой-бўй, панжаларининг бақувватлигини. Жағи билан темирни бурдаласа керак, а?

— Бунақасини биринчи кўришим, — деди кимдир.

— Ўйлигида шунча, тириклигида қанақа бўлган экан бу,а? — деди яна кимдир.

— Терисини шилмайсизми? - Эсон полвон тикилинч қилди. - Ё қарашиб юборайликми? Шилинг терисини.

— Йўқ, шилмайман! - деди Салом мерган қандайдир бегона овозда. - Буни иззатлаб кўмиш керак!

Энди ҳамма таажжубланиб, унга қаради. Салом мерган бу гал янада қатъий таъкидлади:

— Кўмиш керак буни!

— Нима учун? - бу савол барчанинг оғзидан бирдан учди.

— Шунга арзигани учун! - Салом мерган бўри жасадиға эҳтиром ила назар солди.

— Эсингни ебсан сен.

— Эшитган қулоқ нима дейди.

— Аввал терисини шилиб олинг, кўмиш бўлса қочмас.

— Терисини обормасангиз, одамлар ишонмайди.

— Пулиниям беришмайди.

Салом мерган индамай нари борди-да, узун पिчоғи билан ер кавлай бошлади. Шашти қайтарилганидан ўпқаланиб турган Норқул чол ниманидир англаб етгандай бўлди. Аста бориб унга қўшилди. Қолганлари эса гоҳ уларга, гоҳ маҳобатли равишда чўзилиб ётган Чўнгаллага боқишганча, жим туриб қолишди.



Зилола ХЎЖАНИЁЗОВА

Бизни кашф этади бокира еллар...

Кангулнинг туб-тубидан келаётган армон.

**Армонлар куртагин тераман,
ҳар бири зил-замбил харсанг тош.**

Харакатга айланаётган азоб. Ва унинг қалбга кўчаётган оғир, ҳасратли юки... Руҳиятда пайдо бўлаётган УМИД.

Унинг маконда ғариблиги. Имконсизлиги.

**Кўлингиздан сув ичмоққа зор
Юрагимда бир гул ўсади.**

УМИД бағридаги интизорлик. Армон бағридаги интизорлик. Зилола Хўжаниёзованинг юрагида ўсаётган гул шу интизорликдан шу УМИД дан, шу армондан сув ичади.

Икром Отамурод

Кангулда кечаётган дард-фикр. Унинг бағрида йилтиллаб турган абадий зиё-армон, азоб.

Руҳда ҳаракатланаётган изтироб-туйғу. Бешовта туйғу. Бешафқат туйғу.

Идрок тўлқинларининг бирлик майдони-шеър. Дард ҳодисаси. Изтироб мулки. Истеъдодли ёш шоира Зилола Хўжаниёзованинг шеърлари шундай таассурот уйғотади. Уйчан. Сокин. Қалб дейилмиш оғриқнинг ҳазинликлари. Бепоён изтиробнинг тўкилишлари. Япроқлар сингари тўкилишлари...

**Изтиробнинг бандини уздим,
етилмай азобнинг меваси.**

Кузак япроқларин тўкар басма-бас,
Улар заҳил тортган ишқ номалари.
Дарахтда ўтирган шум қарға эмас,
Қарғалган тақдирнинг гунг ноалари.

Сарғайган номалар ориқ йўлакка,
Ташландиқ қоғоздай йиртиб отилган.
Хиёнат захридан зарда юракка
Ҳайқирдим: қотилсан, юрак, қотилсан!

О, аммо қизалоқ мезон баргларин
Завқ билан авайлаб терар йўлакка.
Кимсасиз номалар шивирлаб сирин,
Сўйлайди бегубор, дилкаш юракка.

Бу йўлдан гумроҳ ишқ бўлган бадарға,
Сен уни излаб топ, токи айрилма.
Қизгина, тепангда турар шум қарға,
Кетавер... қайрилма... қайрилма...

Ёмғир сим-сим эзиб ёққан кечада,
Сокин тун сиёҳин соққан кечада,

Кўксимда потирлаб зорланди юрак,
Менга кўҳна дардим, ўша ишқ керак.
Кечиб кечолмайман, куявераман,
Куйган сари сени суявераман!

Кўнглимда ғамзали порлаган юлдуз,
Кечир, қўлим етмас мангу армонсан.
Мен учун ширин туш, ё қўшиқ унсиз,
Олис-олисдаги мовий осмонсан.
Кечиб кечолмайман, куявераман,
Куйган сари сени суявераман!

Дилим на соғсан, эй, на бир девона,
Биламан авайлаб юрганим сароб.
Беваган соғинчдай юрак вайрона,
Ҳар лаҳзада олар нафасим азоб.
Кечиб кечолмайман, куявераман,
Куйган сари сени суявераман!

Кузакнинг кифтига тўкилдим охир,
Кўксимда бир ниш бор, кўксимда тикан.
Бариси ўткинчи, баридан оғир,
Муҳаббат қарғиши урмасин экан,
Кечиб кечолмайман, куявераман,
Куйган сари сени суявераман!

Қаро кўзларингда жоду бор бирам,
Пойинг теккан замин ҳурларга харам,
Сенингсиз харобдир не боғи Эрам,
Кўрганда дил чўғдир, лолдир забоним,
Ишқингда ўлдирма, соҳибтобоним

Ҳижрон кечасида бўлгил паноҳим,
Васлинг фироғида куйганим, оҳим,
Қаро тунларимнинг сен шамчироғи,
Келгил, йўлларингда бу жон қурбоним,
Ишқингда ўлдирма, соҳибтобоним.

Юлдузлар шивири сенсиз на даркор,
Суқунат кўйнида сирдошим ашғор,
Берганинг озору, келмоғинг душвор,
Сен-ла жаннат эрур чўлу ёбоним,
Ишқингда ўлдирма, соҳибтобоним.

Осмонингдан тушгил, бир бор сўр ҳолим,
Токи маҳшар куни тутмай уволим,
Ҳажринг саҳросида тангдир аҳволим,
Чорасиз карвонман, бўл-эй сарбоним,
Ишқингда ўлдирма, соҳибтобоним.

ДАРАХТЛАР ДАРДИНИ ТЎҚАР ҚУЗАККА ҚУЗАККА

Дарахтлар дардини тўқар қузакка,
Дардлар заминга оғир тўшанчи.
Соғинчлар миҳланар узун йўлакка
Хотирлар бору йўқ ёлғиз юпанчи.
Ёмғир туни бўйи роса ҳиқиллаб,
Кимсасиз кўчага додини айтар.
Тиллари кесилган соқов суқунат
Кузнинг этагида боғларга қайтар,
Хувиллаган қалбим-хавотирхона,
Бу тун ҳам чўзилди мисли ялдодек.
Йўқ ёлғиз эмасман, қаршимда мана
Юракдан пича жой сўрар танҳолик.

Япроқдай тўкилар умидли кунлар,
Ҳукмини ўқийди йиллар бешафқат.
Кўзга санчиллади ғамбода тунлар,
Бизга тухфа экан, бу аччиқ қисмат.

О, нақадар оғир, фатҳни тан олмоқ,
Бу ғамдан синиқдим, синиқдим.
Дардсизларнинг гунг дунёсига,
Воажаб, кўникдим, кўникдим.

Бахт бизни унутди, унутди омад,
Ва лек унутмади қайғу ё ҳижрон.
Хотира юракни ўртайди фақат,
Бир кеча бағрингда тунайин, осмон.

Қай томон боқмагил нуқул суқунат,
Хиёнат ишқ узра бўлур сўзона.
Биз энди армоннинг қизимиз,
Кел энди, кетурмиз осмона.

Кўй, дилим, ўксима, ишон, кун келар,
Ҳайрат кўзларида қолган баҳорда.
Бизни кашф этади бокира еллар,
Фунчалар қон қусган саҳарда.

ҚАРО ҚЎЗИМ...

Кўнглим қулбасига энади хониш,
Чордевор қалқийди қоронғу тим-тим.
Ўткинчи елларга япроқлар болиш,
Ёмғирдай юракни юмшатар сим-сим,
“Қаро кўзим...”

Бир насийм эсади руҳимда,
Дилимни аллалар, жим-жим.
Шивирлар, унут-эй ғамларинг,
Сабил қолсин, қароғинг юм-юм.
“Қаро кўзим...”

Ҳисларим кўмилур наввога,
Куй ичра сипқориб ҳаловат, тўзим...
Ҳайрат гулбаргларим учар ҳаввога,
Кўксим уммонига чўкаман ўзим.
“Қаро кўзим...”

Шокиржон ОЛИМОВ



РАЙҲОН

ШОИР ҚИЛДИ МЕНИ БАМ

МУҲАБ-

Баҳорларим ўтдилар шошиб,
Армонларим қолдилар фақат.
Юрак қоним сиёҳ бўлди-ю,
Шоир қилди мени муҳаббат.

Юлдузмиди олис осмонда,
Қўлим етмас, етмайди абад.
Пешонамга битган шулмикан?
Шоир қилди мени муҳаббат.

О, қишлоғим, йўлларинг узун
Юрагимга нақшланган бир хат.
Сендан олис яшаган кунлар,
Шоир қилди мени муҳаббат.

Ҳалқим, ўзинг буюксан, буюк,
Сенсан ўзинг энг эзгу хислат.
Олам аро топмай қиёсинг,
Шоир қилди мени муҳаббат.

Майсаларинг суртай кўзимга,
Мафтунингман, она табиат.
Ёмғирларинг қуйгин юзимга,
Шоир қилди мени муҳаббат.

Шоир бўлмоқ эмасдир ҳавас,
Шоирлик бахт, шоирлик қисмат.
Ва муҳаббат тарк этмаган қалб...
Шоир қилди мени муҳаббат.

Шаббодалар эдилар ҳайрон,
Гулзоримда гулларим сарсон.
Шу пайт бирдан,
Бирдан
Димоққа
Урилдилар хуш бўйи райҳон.

Райҳон.
Дедим, гуллар қизарди
Ҳавас қилиб райҳондайин озодаларга.
Хаёлим ҳам кўшилиб кетди
Исминг айтган шаббодаларга.

Эҳ райҳон.
Райҳон каби Райҳон,
Йўлларингда хаёлим қолди.
Чаросдайин бир жуфт кўзингга
Айтолмаган саволим қолди.

ИЗЛАНИШ

Фалсафаси

Инглиз адабиёти юзлаб йиллар давомида Шекспирнинг дурдоналари боис драматургиянинг олтин фондидан салмоқли ўрин эгаллаб келди. Шекспир драмалрининг бу қадар шухрат топишининг боиси нима эди? Ҳар бир давр Шекспир асарларидан ўзи учун янгилик кашф этади, деган эди рус адабиётшуносларидан бири.

Бу фикрда ҳақиқат бор, бироқ менинг назаримда, масаланинг моҳияти Шекспир асарларининг ҳар бир давр учун янгилик бера оладиган чуқур фалсафасидадир. Шоир Фахриёрнинг “Мучал ёши” номли шеъриси XXI бўсағасидаги миллий шеърятимизнинг фалсафий томонга эврилишларини кузатдим. Шеърят - кўнгил иши, бу кўҳна ҳақиқат. Лекин бу қасрнинг беағи туйғулардан яралиб, фалсафадан устун турса янада салобатли ва кўркемроқ бўлиши аниқ. Шеър ҳажман дostonга яқин, шу сабабли ҳам кишини мушоҳадага чорловчи бир қатор фалсафий образлар силсиласи бор. Бу образларда истиора санъати жуда чиройли тарзда берилган. Юрак - япроқ, гуноҳ - умр ҳалқасининг дарз кетган жойи, кўнгил - сўнган юлдузлар мазори, кечмиш - вақт дарёсига чўккан тош. Бу истиораларда шоирнинг ўзига хос МЕНи мавжуд. (Фахриёр. “Аёлгу” “Шарқ”. Т., 2000 й. 207-222 бетлар)

Биз мумтоз шеърятда Лутфий ва Атоийларнинг ўзига хос жозибали ўхшатишларини кузатишдан завқланамиз, замондош шоиримизнинг янги топилмаларига эса етарлича эътибор беравермаймиз. Мен ушбу шоирни мумтоз санъат билан чоғиштириш фикридан йироқман, фақат ушбу образлар ҳам ўз даври учун алёҳида таҳсинга сазовор эканлигини таъкидлаб ўтмоқчиман, холос.

Шеърнинг ўқилиши мураккаб.

Шу туфайли шоирнинг бу достони адабиётнинг омавийлик аталган кўҳна мезони талабига жавоб бермаслиги аниқ. Айни шу ҳодисанинг ўзи ҳам қувончли, зеро В.Г.Белинский таъкидлаган “санъат санъат учун” дастуруламали бугунги куннинг мезонига айланаётгани ҳеч кимга сир эмас.

Достон замонавий адабиётимизга хос бўлган изланиш фалсафаси ҳақида. Шоир ўз МЕНлигини, келажакни ахтармоқда. Ушбу жараён ихчам бир жазод санъати орқали очиб берилди.

*Йўл азоби қийнаса кимнидир,
Йўлсизлик азоби чийратар сени.*

“Йўлсизлик азоби” тушунчаси шеърят фалсафасига Фахриёр томонидан биринчи мартаба киритилди. Бу фикрнинг салмоғи шундаки, жамиятимиздаги бугунги юзлаб замондошларимизнинг кўнглида ана шу азоб, ана

шу оғриқ кечаётир. Бироқ бу кечинманинг ягона номи шоиргина сўзда ифода қила олди.

Яна шуниси эътиборлики, шоирнинг ушбу изланишлари аср бошидаги Чўлпоннинг дардларини ҳам эслатиб ўтади. Чўлпон ўз мақолаларидан бирида шеърятдаги бир хилликдан кўнгли ҳеч тўлмаётганини ёзган эди ва ҳақли тарзда янги бир шеърый даврни бошлаб берган эди. Шоир Фахриёрнинг изланишларида ҳам шоир сифатида ўз келажакни, тўғрироғи ўз усули ва йўлини қидираётган безовта қалбни кўрамиз. Қалб ва руҳ шу сабабли безовта. У то келажакнинг янги йўлини топмас экан, эски бир хил тушни (таъбири - кундалик озурдали ҳаётни) қайта-қайта кўраверади.

Шоир эрк ҳақида ҳам ўзбек адабиётида янги бир фикр айтади.

*Йўл билмаган одам,
адашган одам
эркин бўлмас
кишанлардан халос бўлиб ҳам.*

Оҳорли фикр нимадир ҳақиқатни англашимизга кўмаклашади. Эркин тўғри фахмлаб олмаган киши учун Эркинлик кишандами?! Шекспирнинг “Қирол Лир” асарида масхарабоз озодликка чиққанида “бутун умр эркинликни орзу қилган эдим, энди уни нима қилишни билмаяпман”, деган ҳақиқатни айтиб ўтадики, ўша эркинлик барчага ҳам керакми, деган мулоҳаза ҳам кишини ўйга толдиради.

Шоир ушбу достонида ўз дардини аниқ билди ва тўғри ташҳис қўя олади. Келажак унинг назарида бир душман. У шоирни майда юмушлар аталмиш ташвишларга бўлиб юбормоқчи. Шоир МЕНини парчинловчи гарданидаги номаълумлик хавотиридан чўчийди.

*Йитиб кетди вақт даштларида
Сен истаган қуралай оҳанг.
Сен излаган наволар барин
Замон чайнаб ташламыш, аттанг!*

Шоирнинг энг катта топилмаси “Замон чайнаб ташлаган наволар”ни кашф этганидир. Ушбу иқроп учун улуг бир кўнгил керак бўлади.

Шоир эса журъат этди. Демак, йўлсизлик азоби ила яшаган шоир ўзига янги йўл очаётганига ишонгимиз келади.

*Наргис МАМАТҚУЛОВА,
филология фанлари номзоди.*

Зикрилла НЕЪМАТ

СЕНИ СОҒИНАМАН, ҚАЛБ КЎЗИН ОЧ...

ҚАЛБ КЎЗИН ОЧ...

Қалб кўзин оч, эй одам,
Кўнглинг пулга қул бўлмасин!
Ор-номусинг кетиб қўлдан,
Обруйинг бир пул бўлмасин!

Майли битмай кетсин ишинг,
Майли ошсин ғам-ташвишинг,
Майли ёзмас, келсин қишинг,
Кўнглинг пулга қул бўлмасин!

Пул дунёси бўлди, дема,
Оқибат ҳам ўлди, дема,
Барин унут, кўп ғам ема,
Кўнглинг пулга қул бўлмасин!

Гулларга қул бўлсин майли,
Кулларга қул бўлсин майли,
Ёнсин-у, қул бўлсин, майли,
Кўнглинг пулга қул бўлмасин!

Насиҳат, бу дил сўзим,
Бошдан кўп ўтказдим ўзим,
Оллоҳ сенга берсин тўзим,
Кўнглинг пулга қул бўлмасин!

ҚИШЛОҚ СОҒИНИЧИ

Кўмсаб қолдим, бедор қалбим энтикиб,
Олислардан дийдорингга кўз тикиб,
Таърифингни тополмадим сўз битиб,
Эй ота юрт, эй муққадас тупроғим-
Соғиндим-ку жоним, она қишлоғим.

Гоҳ том оша, гоҳо кўча чангитиб,
Шўхликлар-ла катталарни гангитиб,

Шотугларинг юрагимга ранг этиб,
Ўтди сенда ўтли болалик чоғим-
Шодликларга коним, она қишлоғим.

Туш кўрибман кекса чинорларингни,
Дилга яқин пахса деворларингни,
Тарс ёрилган, дардчил анорларингни
Насиб этсин ўнгимда ҳам кучмоғим-
Учиб борган оним, она қишлоғим.

Оғушингда ота-онам хоки бор,
Азизларим ётар бунда хокисор,
Ҳар гал бориб, йиглаб қайтгум зор-зор,
Қалбимдаги ҳаяжоним, титроғим-
Соғинарман сени, она қишлоғим.

Не тонг, қалбим қалқиб кетди даъфатан,
Остонангдан бошланар ахир Ватан,
Етти иқлим аро бедор кезсам ҳам,
Аниқ бир кун қучоғингга қайтмоғим-
Қадрдоним, жоним, она қишлоғим.

ОЙНИҲТ ҲА БЕШИ...

О, қалбим, кўй бунча зардобга тўлма,
Бағрингини тилса-да чаёнлар ниши.
Гар ойнинг ўн беши қоронғу бўлса,
Ёруғ бўлар ахир қолган ўн беши.

Менга қасд айлаган эй, номард ғаним,
Чуқурроқ қазийвер майли чоҳингни.
Токи унга ўзинг кулар маҳалинг,
Ҳеч ким эшитмасин чеккан оҳингни!

Зикрилла Неъмат - 1961 йилда Бухоро вилоятининг Фарҳаддан туманида туғилган. 1989 йилда МошДУнинг журналистика факультетини, 2001 йилда эса Ўзбекистон Республикаси ИВБ Академиясини тугатган.

РОМАННИНГ ТАРАҚҚИЁТ ТАМОЙИЛЛАРИ

Ўзбек романининг яратилиш тарихи, тамойиллар шаклланиши ва ўзбек романларининг таснифи билан боғлиқ муаммолар адабиётшуносликнинг энг долзарб муаммоларидан бўлиб келган. Миллий истиқлол даври романчилиги тамойилларининг шаклланиши ва тараққиётида, табиийки, олдинги давр романларининг тадрижи муайян таъсир кўрсатади.

Миллий истиқлол даври романчилиги тамойилларининг шаклланиши ва тараққиётини илмий таҳлилга жалб этар эканмиз, ушбу тамойилларнинг юзага келишига ижобий таъсир кўрсатувчи омилларни ўрганишимиз табиийдир. Янги давр романчилиги таҳлили шуни кўрсатадики, адабий жараённинг фаоллашиши, изчилланиши учун ижодий адабий муҳит юзага келмоғи лозим, ижодий адабий муҳит, табиийки, объектив ва субъектив ўзаро таъсир натижасида юзага келади. Яъни ушбу ҳолатни миллий истиқлол даври романчилигига нисбатан ўрганадиган бўлсак, халқимиз истиқлол деб яшаган, умид қилган, курашган ва ниҳоят том маънодаги истиқлолга эришган. Ижодкорлик тафаккури, туйғуси мавжуд кўнгиллар учун бу буюк бахт. Аммо истиқлолда яшаш учун тутқунликка ўрганган онг тайёрмикин. Шу аснода объектнинг (истиқлолнинг) субъектга (ижодкор шахсга) таъсири кучаяди.

Ижодкор шахс биринчи навбатда уни ўзligидан айирган мустабид тузумни, ижтимоий воқеликни кўнгил призмасидан ўтказиши. Бунинг натижасида англаш жараёни кечади. Бу жараён ижодкор онгига юз беражак эврилишларга олиб келади. Адабий жараёнда юз берадиган силсила — бир вақтда муайян бир мавзу юзасидан адабиётда мавжуд жанрларда бир гуруҳ ижодкорларнинг асар яратишлари натижасида юзага келади. О. Мухторнинг «Минг бир қиёфа»си, «Ўлмаган жони»да, Т. Муроднинг «Отамдан қолган далалар»ида, «Бу дунёда ўлиб бўлмайди»да, М. Мансурнинг «Гуноҳи азим»ида, «Жудалик диёри»да, Ш. Холмирозавнинг «Олабўжи»сида, А. Саиднинг «Беш кунлик дунё»сида айнан яқин ўтмиш синтез қилинди, собиқ иттифоқчилик сир-асрорларининг «авра-астари» очилиб талқин этилди. Мазмунан яқин ўтмишдаги ҳалқ тақдири — кечмиши бадий талқинга жалб этилар экан, воқеликни ёзувчи қандай тафаккур этса, бадий ижод шундай муносабат натижасида юзага келади. Тасвир объектига нисбатан фалсафий ёндашиш, психологик таҳлил, ижтимоий тасвир кабиларига ижодкор индивидуал услубидан келиб чиқиб ёндошади. Шу билан бирга ёзувчининг тафаккур типига монанд бадий метод шаклланади.

XX аср миллий истиқлол даври ўзбек романида реалистик бадий метод, романтик бадий метод ва иккала методнинг синтезланган тури «модернистик» бадий методи шаклланади экан, шу билан бирга ички тамойиллар бўйича ҳам таснифланади, яъни реалистик йўналишида яратилган романлар таснифига кўра фалсафий, психологик, ижтимоий,

автобиографик, тарихий, саргузашт, детектив, илмий фантастик ёки ижтимоий нуқтаи назаридан ижтимоий-фалсафий ёки ижтимоий-психологик бўлиши мумкин.

Миллий истиқлол даври ўзбек романлари тамойилларининг шаклланишида анъанавий реалистик романлар қаторида гарб авангард (модерн) романчилиги таъсири катта бўлади. Реалистик бадий метод ёзувчиларимиз томонидан кенг қўламда қўлланган ва ижобий талқин хусусиятига эга бўлгани учун ноанъанавий йўналишда яратилган романларга нисбатан анчагина салмоқли бўлди. Бунга сабаб, биринчидан, олдинги давр романчилигидги асосий ҳукмрон бадий метод-соцреализм, кейинроқ эса реализмга хос элементлар («Оқ қушлар, оппоқ қушлар», «Диёнат», «Лолазор») юзага келгани учун ҳам ёзувчиларимизга яқинроқ, тўғрироғи, уларнинг қаламлари айнан шу методда чархланган эди, иккинчидан, бадий методнинг ривожланиши ёзувчи услубига боғлиқдир. Услубнинг юзага келиши эса адабиётшунослар кўрсатиб ўтганидек ижодкор шахс бадий тафаккур типига боғлиқдир.

Воқеликни англаш, уни мушоҳада қилиш ва унга муносабат билдириш ёзувчи бадий тафаккури уни (воқеликни) қай йўсинда қабул қилса, шундай услубда бадий мушоҳада қилинади.

Анъанавий романлар каби ноанъанавий романларни ҳам роман тафаккури мантиқи юзасидан таҳлил этар эканмиз, ноанъанавий роман ҳам **роман жанри талаблари** бадийлик нуқтаи назаридан жавоб бериши шарт. Аммо бу билан роман қандайдир бир эталон сифатида яратилади деган мантиқ келиб чиқмаслиги керак. Ҳар бир роман яратилиши жиҳатидан услубан янги, бетакрор бўлиши билан бирга ўзидан олдин яратилган роман жанрига хос бадий компонентларни ўзгарган, ривожланган ёки бошқа шаклда мужассам этар экан, роман жанр тараққиётининг прогрессивлик ёки регрессивлик хусусияти эса ҳар бир индивидуал роман билан боғлиқдир. Романнавис ёзувчининг вазифаси нафақат романга бадий маҳорат санъатини олиб кириш, балки жамият тараққиёт тадрижини фалсафий мушоҳада қилиш ва мантиқий англаш орқали романга бадий талқин учун жалб этилаётган жамият тафаккурига монанд роман тафаккурини яратиш ҳамдир.

Миллий истиқлол даври ўзбек романи жанр динамикаси шуни кўрсатадики, биз шартли равишда ноанъанавий деб атаган романлар ва анъанавий романлар ўртасида қарама-қарши, зиддиятли, бир-бирини инкор этиш каби бадий услуб компонентлари юзага келган эмас. Бадий асарда, тўғрироғи, асар таҳлилида бундай бадий ва илмий номуносивликлар XX аср реализм ва модернизм каби методлар чоғиштирилишида юзага келгани сир эмас.

Роман жанри тадрижи тарихи шуни кўрсатадики, роман

ўз тараққиёт жараёнида бир даврдан (йўналишдан) бошқа бир ривожланган даврга ўтар экан, ўзигача бўлган мустақил йўналиш ёки йўналиш тамойили роман тафаккурини номоён этишда бирон-бир бадиий компонентга айланади. Достоевскийнинг полифоник романларига хос психологик таҳлил романдаги кўповозиликни таъминловчи ёзувчи услуби сифатида ёки Пруст романларида қаҳрамон яшаб ўтган реал воқелик онг призмасида таҳлил этилаётган “вақт” чегараси каби номоён бўлиши роман жанр тадрижида юзага келган бирон-бир бадиий жараён ўз даврини шунчаки яшаб ўтиб кетмасдан, вақти-вақти билан роман жанри ички талабидан келиб чиққан ҳолда номоён бўлишини кўрсатади. XX асрнинг ўрталарида ғарб романчилигида ва унинг атрофида юзага келган баҳс ва мунозараларда инкор этилган модернизм ва реализм синтези 80-йилларга келиб роман жанри динамикасини таъминловчи асосий услублардан бўлиб қолди. Ҳатто бунда услубий янгиланиш ўзбек романларининг шаклланишида асрнинг сўнгги ўн йиллигида яққолроқ сезилмоқда. О. Мухторнинг “Минг бир қиёфа”, “Кўзгу қаршисидаги одам”, “Тепаликдаги хароба”, “Ффу”, “Аёллар мамлакатини ва салтанатини”, “Афлотун”, “Майдон”, “Ишқ аҳли”, Хуршид Дўстмуҳаммаднинг “Бозор”, Т. Рустамнинг “Капалаклар ўйини” каби романларида ғарб модерн романлари поэтикасига хос бўлган қаҳрамон онгида кечаётган эврилишлар талқини ўзбек романларига роман тафаккурини бадиий инъикос қилишда ёзувчи қўллаган услублардан бирига айланмоқда. Юқорида зикр этилган романлар поэтикасининг ўзига хослиги нафақат воқеликка ёки инсонга нисбатан талқин муносабатининг ўзгарганида, балки роман ички тузилиши, шу билан бирга стилистикасининг ҳам ўзгарганидир.

Миллий истиқлол таъсирида жамиятимизда кечаётган туб ислохотлар натижасида рўй бераётган ўзгаришларнинг инсон онгида синтез қилиниши давр романчилигига янги инсон образини олиб кирди.

Социалистик реализм методи таъсири ўзбек ёзувчиси бадиий тафаккурини, онгини ўз куткусидан озод қилармикан, адабиётнинг биринчи муддаоси эстетик дидни шакллантириш эканлиги униталаётган бир даврда романга эстетик критерийларни жалб қилиш қайси ижод мактаби мисолида кечаркан каби муаммолар ечимини янги тугилаётган ўзбек романчилиги учун нафақат бугунги кун талаблари, балки ўзбек романининг келажаги учун ҳам муҳимдир.

Ижодкор шахс онгида бирон-бир фалсафий мушоҳада тугилиб, ғоя даражасида ривожлангунга қадар муайян бир фурсат, оралиқ зарур, баъзан бу оралиқни “ёзувчи жим бўлиб кетди” деб ҳам аташади, аслида эса бу яширин ижодий фалсафий мушоҳада мувоzanати. Бошқа бир ижодий жараёнга ўтиш олдидаги ижодий тайёргарлик. Айнан мана шундай ҳол, кўпинча, ўтиш даврига хос муаммолар натижасида юзага келгани сабабли миллий истиқлол даврининг биринчи йиллари ўзбек романчилигида ижодий “жимлик” ҳолати юз берди. Айнан мана шу даврда ёзувчиларимизнинг бадиий тафаккур типини шаклланди. Миллий истиқлол даври романлари таҳлили шуни кўрсатадики, ҳар хил “изм”лар таъсиридан озод бўлиш ўзбек романнависини учун осон кечмаяпти, шу сабабдан ҳам муайян бадиий ижод методининг шаклланиши сермашаққат бадиий эврилишлар таъсирида кечмоқда. Тўғри, ушбу илмий тадқиқотимизда кўрсатиб ўтганимиздек, миллий истиқлол даври ўзбек романчилигида 50 дан ортиқ романлар яратилди. Аммо роман жанр тамойилларининг шаклланишида аҳамият касб этадиган бармоқ билан санокли романларни кўрсата оламиз, холос.

Бугунги кунда миллий истиқлол даври романчилиги солномасини Т. Муроднинг “Отамдан қолган далалар”, “Бу дунёда ўлиб бўлмайдими”, О. Ёқубовнинг “Адолат манзили”, Ў.

Ҳошимовнинг “Тушда кечган умрлар”, Омон Мухторнинг “Минг бир қиёфа”, “Тепаликдаги хароба”, Ш. Бўтаевнинг “Кўрғонланган ой”, М. Мансуровнинг “Жудолик диёри”, А. Саиднинг “Беш кунлик дунё” каби романлари ташкил этади. Ушбу романлари поэтикасини бадиий таҳлил этилганда баъзи романларда реалистик тафаккур типини модернизм тафаккур типини синтези номоён бўлса (О. Мухтор “Минг бир қиёфа”, “Тепаликдаги хароба”), реалистик ва реалистик танқидий типлар синтези (Ў. Ҳошимов “Тушда кечган умрлар”, О. Ёқубов “Адолат манзили”, Т. Мурод “Отамдан қолган далалар”, “Бу дунёда ўлиб бўлмайдими”), реалистик тафаккур типини (Ш. Бўтаев “Кўрғонланган ой”), романтик тафаккур типини (А. Саид “Беш кунлик дунё”) миллий истиқлол даври романчилигимиз услубий ранг-баранглигини таъминлайди.

Миллий истиқлол даври романчилигида яратилган романлар табиатидан келиб чиққан ҳолда тамойилларга ажратар эканмиз, роман услуби тамойил шакллантирувчи омил ҳисобланади. Роман муваффақиятини таъминловчи муҳим компонентлардан бири бўлиши ёзувчи услуби роман поэтикасини (ёки услубий поэтикасини) юзага чиқарувчи энг асосий омил ҳисобланади. Масалан: Тоғай Муроднинг “Отамдан қолган далалар” романи - фалсафий роман, услубан изчил таҳлилий йўналишга мансуб. Шу ўринда ёзувчи тафаккурида тугилаётган роман ғояси ўз услуби билан юзага келишини ёдда тутган ҳолда ёзувчи “Отамдан қолган далалар” романини яратишдан асосий мақсоди мустабид тузум моҳиятини, унга олиб келувчи омилларни, унинг аянчли асоратларини бир халқ тимсоли тарзида ўрганиш, бадиий талқин қилиш орқали фалсафий мушоҳада юрғизиш.

Миллий истиқлол даври ўзбек романчилиги тадрижини таҳлил этар эканмиз, романга жалб этилган манба, унга нисбатан ёзувчи муносабати ва бадиий талқин услубига кўра янги давр ўзбек романчилиги анъанавий реалистик роман тамойили қуйидаги жанрлар бўйича ривожланди:

1) ижтимоий-фалсафий роман (Т. Мурод. “Отамдан қолган далалар” (синкретик услуб стилистикасида), Ш. Холмирозев “Олабўжи” ва б.);

2) ижтимоий-психологик роман (Т. Мурод. “Бу дунёда ўлиб бўлмайдими”, М. Мансур. “Гуноҳи азим”, А. Саид. “Беш кунлик дунё”, Ў. Ҳошимов. “Тушда кечган умрлар”, Й. Сулаймон. “Арслон”, Ў. Умарбеков. “Фотима ва Зухра” ва б.);

3) полифоник роман (Ш. Бўтаев. “Кўрғонланган ой”);

4) тарихий роман (Б. Аҳмедов. “А. Темур”, П. Қодиров. “Ҳумоюн ва Акбар”, Мирмуҳсин. “Турон маликаси”, Муҳаммад Али. “Сарбадорлар” ва б.);

5) фантастик-саргузашт роман (Ҳ. Шайх. “Туташ оламлар”, Х. Тўхтабоев. “Жаннати одамлар” ва б.);

Шунингдек, миллий истиқлол даври романлари таҳлили жараёнида О. Мухтор, Х. Дўстмуҳаммад, Т. Рустамнинг ижодларида ноанъанавий роман тамойили қуйидаги романларда номоён бўлганини кўраимиз:


1) ижтимоий-фалсафий - О. Мухтор. “Кўзгу олдидаги одам”, “Майдон”, “Афлотун”, Х. Дўстмуҳаммад “Бозор”;

2) ижтимоий-психологик - О. Мухтор. “Минг бир қиёфа”, “Тепаликдаги хароба”, “Ишқ аҳли”;

3) модернистик-абсурд - Т. Рустам. “Капалаклар ўйини”.

Эътироф этиш керакки, миллий истиқлол даврида яратилган романларда бадиий талқиннинг услубий ранг-баранглиги, фалсафий мушоҳаданинг теранлиги, воқеликка муносабатда кўпгина ҳолларда реализм устиворлиги, баён стилистикасида лиризм таъсири, тасвир жараёнида публицистик руҳ, баён услубида ровийликка мойиллик сезилади.

Зулфия ПАРДАЕВА,
Ўз РФА Навоий номидаги тил ва адабиёт институти докторанти.



Йўлдош ЭШБЕК

Бизнинг XXI аср эпопеяси

(Авлодлар достони)



Менинг туғилган қишлоғим Накурт Йўлдош Эшбекка тоға юрт бўлади. Ҳарқалай, Йўлдош буни менга кўп таъкидлайди. Лекин у билан биз пойтахтда танишганмиз. Бунга кўп йиллар бўлди. Талабалар эдик. У йилларнинг қувончлари, ташвишлари, суронли кечалари ҳамон кўз ўнгимда. Биз шеър айтиб, шеър ўқишиб, баҳслар юритиб бир-биримизни билганмиз, англаганмиз. Айтиш мумкин бўлса, Йўлдош бизнинг тенгдошларимиз ичида адабиётга, хусусан, шеърятга бироз тортинибгина, бироз кечикибгина, иймангансимон кириб келди. Ва лекин кўп ўтмай унинг овози баралла янграй бошлади. У Нурота тизма тоғларининг жайдари эли тилида, жайдари оҳангларда куйлай бошлади:

“Кел, эй дўстим, Оқтовда ҳам қизғалдоқлар очилди...”

Ҳа, айнан у чексиз кенгликларда баланд-паст қирлар орасидаги лойсувоқ уйларнинг томларида митти байроқчалар каби ҳилпираётган қизғалдоқларни шеърхонларга тақдим этди.

“Биз бахтиёр бўлғаймиз хўп,

Бизни зафар қучажак”, — дея орзулади сағал кейин. Бу унинг қалами қувватига ишона бошлаганидан эди.

Йиллар Йўлдошнинг киндик қони томган қишлоғи Бойтўбининг майин-майин майсаларидек тебраниб-тебраниб ўтди, қишдаги изғиринлари каби юзларни чимдиб-чимдиб ўтди. Оқтов ва Қоратовнинг оппоқ-оппоқ кунлари мисоли, қоп-қора тунлари мисоли ўтди. Йўлдош Эшбек катта шоир бўлиб элга бўй кўрсатди. У мана 50 ёшга кириб қўйибди. Ишонгинг келмайди. Начора, йиллар рақамлар билан эмас, мазмун-моҳияти билан тарозиланмоғи шарт. Ушбу маънода Йўлдош Эшбек ҳаёти ва ижоди олқишларга арзигулик.

Яқинда мен унинг “Бизнинг XXI аср” эпопеясидан парчалар ўқишга муяссар бўлдим. У бизга қутлуг тўйи доирасида “очилмаган кўриқ” ваъда қиляпти. Мен меҳнаткаш шоир дўстимнинг ваъдаларига ишонаяпман. Ҳа, замон келди! Тўлиб-тошиб ижод қилмоқ замонлари келди! Имконият майдонлари кенгайди. Бу имкониятлар умрларга берилган олий иноятдир!

Йўлдошбек! Тоғ бургутлари жуда баланд-баланд учади, мағрур учади, ўлаксаларга парво қилмай умр кечиради. Улар ўз қанотларига ишониб яшайди. Бургутларнинг қанотлари ҳеч қачон қайрилмасин, жиян-дўстим!

Азим СҮЮН

ҚИЗИЛЛАР ВА БОСМАЧИЛАР

Халқ таралдулла
иккиланар
болам қизиқ экан халқ дегани ҳам
эмасам шу муллалар ўзларининг боласи
кўрган билган гаплашган синашга
ўзлари тарбият қилган эмасам
шуларга ишонмай ишонди ёғийга
ёғий деганлари доимо туллак
сопини ўзидан чиқарар
Вайдулломи Икромми Хўжами деганлари чиқиб
Тошкан Бухордан
ёғийни қилди ташвиқ
ерни ҳаммага тенг бўлиб берар
ёғий инсофли
бунга учди қашшоқлар
мийяси танглар
кейин қилди аттанглар
Самарқанд Бухоро тутдай тўкилди
қалқди Жиззах
ёрдам кучи йўқ
Жайноқ Эшон етиб борди Қўшрободдан Нуротадан

йигитлар тўплаб
халқ иккиланар содда
содалиги билан улуг
улуғлиги билан хор
ҳакамларни ҳакимларни улуг ҳокимларни туққан халқ
шу қадар содаки елкасига миниб ҳар қандай Мўйлов
ҳар қандай Кал асрлаб қилар масҳара
эл иккиланар бойларнинг ўзимизнинг муллаларнинг
измини тутсақми ё ёғийнинг қизилларнинг
шунда қишлоқларни босди Соқоллар Мўйловлар ясама
салалар сохта
қизилларнинг иши бу
туллак ёғийнинг
авом қизилларнинг этагин тутди
бойларни муллаларни унутди
нафақат унутди олимларни сотди
золимларни кутди Зулмни уйғотди
Оқпошшо булардан яхшироқ қўзим
олимни қирган элни эзган Қизил ҳам Босмачи ҳам
Шўронинг ўзи
Аммам сўзин шундай тугатди

АММАЛАР

Қишлоғимиз тоғ этагида уч-тўрт чақирим тоққа
баланд қирнинг теппасида икки пастак кичик уй
Аммалар яшайди тўғрироғи яшарди
бу уйларин чайла аташарди ёзғи уй
ҳовлилар дара томонда тош қўрғонлар
шўро бирин молхона қилган бирин мактаб
кўпларини бузиб йўқ қилган
соҳибларин қирган
бир кунда гузаримиздан қирқ бир одамни
халқ душмани дея арқонга тизиб қўйдай қуванлаб
олиб кетишган қайтишмаган бу бир кунда бўлган
бундай кунлар тез-тез бўлган
бечоралар кетаётиб халқ душмани нима дейишган
аммаларнинг бойларини яъни эрларини қулоқ қилишган
ўн беш яшар ўғилларин ҳам шифтдай шифтдан новча
танбур дутор чалса булбуллар қўнган тўрғайлар энган
қамоқдан чиқиши билан халқ душмани деб яна қамаган
қамоқдан тўғри урушнинг олдиға йўллаган
бамисли аждарнинг оғзига қайтишмаган
Аммалар кутишди умри борича Эҳ-ҳе дейди аммалар
ўн минг уйли зарбанд эди ўлиб ўлиб шу қолди
шунга ҳам шукр ўн чақирим ҳозир ҳам улкан қишлоқ
шаҳар бўлмаса ҳам майдони шаҳарча бор
шўронинг асрнинг барча балосин кўрган кечирган
бойлар ноинсоф бўлганми
ким айтди
ойнаи жаҳон
бекор айтар ёлғон айтар ёки чала
бизда одамиға яъни сизча хизматкорига бепарво
беписанд бойни тўй маракаларға қўйишмаган
ўзи не еса ёрдамчиси еган не кийса кийган
диннинг йўли шу эди орият шул эди
кимки динга қарши бўлса азобға лойиқ
қочиб қутулмаган икки дунё қийноқдан билган билар
шўро бошқа йўл қурмоқ бўлди шайтон йўлин
ўзлари ҳам қолди азобға
Доҳий ўлғач тўя бошлади қорин олтмишинчи йиллардан
кейин

АММАЛАРНИНГ ҚИЛЛАРИ

Амма энди улар бутун қишлоққа
икки уйи икки туя ёнма-ён
бу туяларнинг кўзлари мунгли
икки чол
икки ўғил
ёлғизлари
аввал сургун

кейин жаҳон урушлари

бошқа турмуш қилишмади
яксон бўлди турмушлари
ўғлонлар соз чалса
турна қўниб қулоғига
қўшиқ айтса титроқ тушиб
Нуротанинг кучоғига

тил битарди
Зарбанд булоғига
икки амма куйиб ўтди аламдан
икки амма қулиб ўтди оламдан
чолларини гапирмасди
атамасди отларини
эслашганлар қошларида
эгишарди бошларини
гоҳо гоҳо ўғлонларин матал қилиб айтишарди
қилиқларин ёдлашиб маҳтал бўлиб айтишарди
умр бўйи кутдилар
кутиб-кутиб тўқсонлардан ўтдилар
қишлоқ бағри хувлагандай
икки туя йиғлагандай
чўкдилар икки туя икки уйа икки қабр
яксон бўлди турмушлари

Бўлмаган гап

Ер ағдарди бўғдой экди
улар билан обод эди қишлоғимиз тўйлари
чироқ эди ёруғ эди ўлкамизнинг уйлари
Полвон эди улар Қахрамон эди
Халқ билмаса билар Холиқ
бири Хувайдо бири Хониқ
улар эди бир қишоққа бурун Амма
аммо энди ҳамма дейди бугун Амма
бўлди бутун элу юртга суйгун Амма
икки уйи икки туя тиклагандай
осмон таъзим билан икки буклангандай
олам эли суқлангандай бир ободлик
қайтган каби икки ўғил бири шодлик
бири эса барча кутган ҳур озодлик

БОБОЛАР

Аввал бошдан бошласам болам
мана бу зарбанд ўн минг уйли Хонжиғали Қўнғирот
лаҳжамизда Қонжиғали
нарғи даштда қонжиға дер нотўғри
қанжиға бу овға нисбат
қонжиға хоқонға нисбат
балки бирдир шикор деган гаплар бўлган
Улуг Кўчиш йиллари Ўрдадан Тошовузга силжиган
Тошовуздан жилиб Сурхон Қашқа Жиззах то Тошкан қадар
бу ёғи Қўқон қадар у ёқларда кўп қариндош уруғимиз
Аммам бир энтикиб қўяр
билдирмай деб кийгичини желагини қасобасин тўғрилаб
тасбехини беркитиб қўяр
қулоқ замонларда махбусларни келтирибди Марғилонга
бордим кўп пойизда аробада пиёда
не кунларни кўрдим
тасаввур қиламан Ҳакимбекни излаб кетган Кунтуғмиш она
Ултонтозга куни қолган Қалдирғоч сингил
боламни бир кўрай дейман
эрини айтмас амма ориятли Ойбарчин
узоқдан бўлса ҳам боламни бўйларини бир кўрай деб
қамоқ ёнидан Марғилондан ижара олдим
ижара пул олмайди меҳмон дея сийлайди
кўрсатмайди боламни зобитлар
уч ой кутдим беш ой кутдим беш аср де
қонимға ташна бўлдим адо қилди соғинч
зобитга тикка бордим ҳов дедим Алпомишнинг онасиман
дедим
важоҳати ўзгарди амманинг
Авазхонни мен туққанман деса ишонардим шу тобда



Гўруғлини мен туққанман деса ишонардим шу тобда
 зобит ҳайрон қолди зобит ўзгарди
 ҳар кун менга йўқ деган зобит
 ўрисмиди бошқамиди сариқ зобит
 ҳозир деди оти деди
 Муҳаммадназар
 ўпкам тўлди кўнглим сизди кўрарман иншааллоҳ
 субҳаналлоҳ дедим субҳаналлоҳ
 зобит энди у ёққа кетди ўғлимни сўраб
 зобит энди у ёққа кетганда ўғлимни сўраб
 гапни энди бу ёқдан эшит
 боболаринг ва дўстларидан бир сўз айти
 босиб олмоқчидир бироз ўзини

НАСАБ

Насаб билан мақтаниш яхшимас
 лекин насабни билмоқ керак
 боболаринг яхши одамлар бўлган
 Ҳайдарбек Имомбек ака ука
 Ҳайдарбек онангинг Имомбек отангинг бобоси
 бек эди полвон эди ҳар елкасида одам чордона қурғулик
 ёшлигида амир саройида кураш тушган
 саксонда ҳам елкаси ер искамаган
 Бухорога кетса ҳар бири икки отда кетган
 бири чарчас бири минган
 семиз эмас суяги полвон ўзлари вазмин
 полвонлигин сабаби аслида бўлган бир сабаби кетмон
 бек бўлса ҳам ташламаган кетмонни
 ой ёруғида дostonни
 бир сабаби ёрдамчимиз Туяпой
 элда машҳур оёқлари узун баҳайбат
 бугдойни қўй босганда эгаларин
 тўртта бешта қучоқлаб отган ҳали ҳамма гапирар
 боболаринг Туяпой билан машқ қилган
 Туяпой зўрмиди боболарим
 боболаринг полвон эди
 сен ҳам кетмонни қўйма белкурак белни олар
 сени шаҳар сўриб қўйган дала ҳовли қил ишла
 Туяпой аяса бобонг хафа бўларди
 хўжайин дема ҳаммамиз ҳам бир биримизга бош
 бир биримизга мададкор
 йўқса хизматкори бўлган
 ундай дема ёрдамчи де
 ҳаммамиз ҳам хизматкор элга бир биримизга
 бир кун гуржи полвони келди бобонгни излаб
 қадимда полвонлар излаб олишган
 бўлди олиш бўлди кураш уч кун ҳар кун бирон соат
 томошо
 учинчи кун бобонг ҳар ушлаганда
 чакмони юлиниб келаберди гуржининг
 ажрим бўлмади Туяпойнинг хотини пишанг берди
 бобонгта
 ака берган таомларим бекор кетган эканда
 хўжайинга шундай демоққа ҳалди борми ҳозир
 хизматкорнинг
 ҳозир бундай гаплар йўқ Амма
 бе ке қўй
 Бобонг гуржини бошига кўтариб қўйди яна давом этди
 яна бошига кўтариб ерга қўйди давом этди яна олиш
 бир майдон
 учинчи бор кўтариб бошда бобонг қаттиқ айлантирди
 гуржини

шундай қаттиқ айлантирди гандираклар кетди ерга
 қўйганда
 барча уқди гуржи мағлуб суяб қолди бобонг меҳмон деди

БАХШИ БОБОЛАР

Бу гапларнинг дostonи узун
 бафуржа айтарман ҳозир вақтим зиқ
 хуллас бош муҳрдор ё вазирми катта амалдор
 қўёв қилмоқ бўлган аёллари кўнмаган йўл узоқ деган
 қалинни кўп сол деган ўзлари қайтиб кетар
 хуллас қалин тўланган бўлажак келин ўнг томонда қолган
 яъни бу дегани тўй бўлмасдан қиз бандаликни
 бажо келтирган
 ол деса ҳам қалинни қайтиб олмаган боболаринг
 ака укароса ишлаб уйланишга мол йиққан
 тўйларда кураш тушган кўпқари чопнал дoston айтган
 деҳқончилик қилган
 терскай тарафда туриб тунлар уйқуга кетиш олдиан
 офтобрўйдан келар эди пишган қовунларнинг тарс турс
 товуши
 терскайда тоғ тарафда дарага яқин ҳовлимиз бўларди
 ўртада катта сой рўпарада офтобрўй тарафда қовунзор
 полиз
 Алпомиш ҳам Хонжигали Кўнғирот деган эмасам
 ўзи бошқа
 мард бўлишган Фозил Йўлдош Эргаш Жуманбулбуллар
 авлодидай
 улардай шоир ўтмаган назаркарда Хизир дориган
 бола бўлиб ухлаган уйғоғиб шоир бўлган шоирлик суяк
 сура
 лоф эмас Жоссоқ шоир Лапас шоир Жуман ота куйласа
 булбул тинган
 ойналар зирилларди улар куйласа деворлар дирилларди
 одамлар айланарди давра айланарди даврон айланарди
 адолатнинг қўрғонларига зикр эди болам зикр
 сайлларда тўйларда кўрганмиз кўпқарига кетаётган отлар
 тўхтаб
 бош солиб турарди бахши қошида
 бахшиларни шундай синар эди эл
 Эргаш ота олим эди илон чақса ўқир эди бармоғига тўплаб
 заҳарини тўқар эди илоннинг Катта мактаб кўрган
 Бухорда
 эл сел бўлиб оқар эди қишлоқдан қишлоққа кўчса
 бахшилар
 Боболаринг уларга шогирд эди дўст эди туташ эди
 ўша вазир амалдан тушиб пайшанбага кўчиб келган
 Тилов бекка қизин берган ўша қиз сенинг момонг
 шундай қилиб қариндошлик Бухордан Пайшанбага
 Зарбандга
 Бойтўбига кўчган Бойтўби бу асли қишлоқ эмас
 Хонжигалининг
 бир бўлаги тўпи ёки тўғрироғи туби Бой дегани
 Хонжигали Бўгажинли Ойтамғали Кўштамғали бири
 ака ука
 Амаларинг холаларинг бор бири Қорабалда бири
 Кўлтўсинда
 бирининг оти Зайнаб бириси уч Теракда бўлаларинг На-
 куртда
 Бек бобонг Тошкент беги билан дўст бўлган
 оти Аҳмадмиди ёки Муҳаммад бир ўғли олим ёзувчи
 катта бувинг шу шоирнинг ойбаси

Шоҳиста МАҲМАРАИМОВА

КЕЧИР

Ҳикоя

(Ёзилмаган мактуб)



Биласанми...

Бугун ўғилчамнинг “нимталашга” тайёрлаб қўйган бир даста қорғоз-варағи орасидан... сенинг қайсидир гал юборган хатингни топиб олдим (ажабо!...). Уни кимдир ўқиганмикан деган шубҳага бордим, шу лаҳзадаёқ гумонининг ноўринлигидан ўзимдан эриш туйдим. Айни вақтда сен тўғрингда мана, йилларки ўтиб эсламай қўйганимга ҳайратландим. Мен-а?! (Сенинг маънос тилагининг отасининг райига қурбон қилган Мавжудангдан нимам кам бўлди энди?!)

Кел, бошингни силай...

Тегранда айлиниб қолган қора қўланкадан чўчиб кетган “қиематли дўстинг”ни кечир...

Биласанми, деразангнинг панжарасидан ҳар кун мағрур кўтарилаётган қуёшга қараб неларни хаёл суришингни билгим келди бугун. Куёш сенинг зах камерангни тафти билан тўлдиришга майл билдирармикан ҳар кун, акалли, юзингнинг зафарон уриб кетган юрагингни бирон истак билан исита олармиди ҳар тонг?..

Кел, бошингни силай...

Бугун ҳув бирдаги суҳбатимизни эсладим. Кўзингга қандай қарашни билмагандим ўшанда. Ахир мен сенда ҳаммиша қувноқ, ўзига бино қўйган бойваччани кўришга кўникиб қолган, шу мағрурлигинг билан ўзингдан улугларни менсимай мот қилишларинг, сенга муҳлис қизалоқларнинг “пўрим башараси” га аянчли қарашларинг, файласуфона луқмаларингдан завқлардан. Қайдам! Идрокнинг теранлашиб боргани сайин, сендаги БОЛА ни ўқитиб қўйишдан қўрқардимми ё?..

Аввалига...

Бенуқсон кўринишга қилган жамики ҳаракатларимдан жиндек беўшовлик топсанг- фурсатини қилиб, буни барибир билдириб қўйишингдан безовталиқ сезардим. Сен ўлик сўзларни дастак қилиб, “давранинг гули” бўлишга давогар-мен ёхуд мен қабиларнинг сафсатасини осонгина мағлуб қилардинг: ҳали кўпчилигимиз тушуниб етмаган фалсафанг қитиқ патимизга тегарди. Биламан, олифтанамо тамаки тутишларинг учун минг бора юзингга туфлашга тайёрлар топилса ҳам сенинг сўзларингни оҳангра-бо деб топмай иложимиз йўқ эди. Эсимда, сен билан илк марта танишганимизда бир вилоятдан эканимизни билиб хурсанд бўлдим. Сен!.. Сен эса қошларингни норози чимирдинг: «ҳабаш бўлсам гаплашмасмилингиз?» Карахт қолиб сурбетларча жавобингдан хафа бўлдим. Кейин эса... Кейин- еенинг жиззакилинг, кинояли пайровларинг, майли-да, қарсиллаган кесатиқларингни безилламай қарши олишга ўргандим. Сен мени қайсидир маънода ҳақ сўздан чўчимасликни ўргатган экансан...

Хуллас, ўша кунни сен Мавжуданинг хаёлий маликаларга хос чехрасини матога тушираётган экансан, билмай кириб қолдим. Кетишимга йўл қўймай, ўтиришга даъват этдинг. Мавжуда (тасвири сезилиб-сезилмай қалтираётган узун, нафис бармоқларингга ён бермаётган маликанг...) ўнгайсизланиб кимирлаб қўйди. О!.. Гўзал, ниҳоят малаксиймо эди суйганинг, сен бундан мағрурлигингни яширмадинг ҳам. Сенинг талқининг-даги Мавжуда билан тирик “натура” орасидаги еру осмонча ихтилоф мавжуд бўлса-да, хушомад билан елкангга қоқдим. Кузатдим. баҳомнинг сохталигини сезиб, қошларинг уйилди.

Ортиқ гашингга тегмаслик учун эшикка йўналдим. Мавжуда, ҳаммамиз ёқтирган нозиктаб фариштанг илтижоли боқди: “Кетманг”. Ишонасанми, шу кунги манзаранинг тафти ҳозир ҳам ич-ичимнинг қаеринидир юмдалаб ўтгандек бўладимий...

Мени — гунг ҳакамни сўнгги дийдорлашувингизга гувоҳ қилишдан мақсадинг не бўлганини кечроқ англадим. Сен ва у ўртасидаги сўз ўйиними, ўпка-гинага қоришиқ пичингми-хуллас менга қоронгу бўлган гап-сўзингдан пайқадимки, У-Сени ташлаб кетмоқчи.

Сўнг... У сенга “алвидо” дегандир (ҳарқалай, “ташлади” дейишим Мавжудани ҳақорат қилиш билан баробар. Зотан, унингдек қизнинг бундайин тубанликка тушишига сенингдек олижаноб қалби йўл қўймагандир) Кейин тўй бўлди... У вақт ўтиб бутунлиқ кўринмай қолди.

Яқинларинг даврасида Сен ва у ҳақдаги тафсилотлар шуҳрати йўқликка сингди. Каму кўстимизнинг “ҳисоботлар”и сирасида унда-бунда сени эслаб қўядиган бўлдик:

-Кўрдим, юрибди. Ҳалигидақа...

Вақт- югирик дарё. Тақдир зайли билан тор давраимиздан узоқлашдим. Ҳаётнинг илк зарбасига тўқнаш келган кунимда сўнгги гапларингга бепарво елка қисиб қўйганим-чун, кечирининг сўраб хаёлингни изладим, бошингни силагани кўлим етмади.

Ҳа, сен “оқсуяк”лардан эдинг. Бунни ички сезгим билан ҳам, феълу рўйингнинг нозик нуқтасидан ҳам англадим. Хайҳот, айнан оқбилак қиздан панд ейишинг- теран мулоҳазанг билан улғайишинг, сени қайта кашф этишимга қанчалар сабаб бўлганди! Ва менинг тушунганим шу бўлдики, сенинг ориятинг, қайсар фалсафанг; шунчаки кибр, шунчаки билимдонлик (ва ё маҳмадоналик) ҳам эмас.

Балки, “шунчаки бойвачча” эмаслигингни исботлаган сийратинг эди.

Кел, бошингни силай... Тубсиз нигоҳларингга боқай... Хайҳот, ҳаётдан топиб-йўқотганим-нигоҳлардан бўлак нарсамас. Сен ўзим алдаб, алданган майлларимни ҳисобга олма. Хайҳот, зурриёдининг устига нас тортиб боришдан кўрқмаган ўша бойваччаням... илк даъфа қулогимни қиздирган пинҳоний мактубиниям... Эҳа, сенинг у нусхани танимаслигинг хаёлимдан кўтарилибди. У-... сени тириклай кўмганларнинг хилдан. У ҳам сен каби олиймақом хонадондан, сенинг айнан ўзингга ўхшаб кетиши учунмикан, ё... ўзим ҳам тушуниб улгурмасимдан унга қандай хайрихоҳ бўлганимни таърифлай олмайман. Сени иккинчи бора учратдим деб ўйлагандим-ўшандаёқ алашдим. У ёгини сўрама мендан... Ҳозир ўша муносабатимизни эсласам: унинг пахтадек оппоқ, мулойим, ҳийла намли қўллари ва совуқдан тарс ёрилган, қонгалаш... менинг қўлларим шууримда муқим айланади.

Сен ва у. Беш-олти зўравоннинг гапига юрмай орттирган қора кунларинг бор бўлиб, биздек “яқинларинг” дан асар ҳам топмаган маҳалингда мен унинг хатларидаги “ақли кишилар мактубни ўқиб, йўқ қилдилар” деган таг жумласига бош қотириб кунларимни кеч қилган эканман. Соясидан кўрққан хезалакнинг зиёлинамо “нома”лари талотўпида Сени буткул унутай деган эканман...

Эртага тонг отади. Давронни отаси боғчага етаклаб кетади, кейин ишига жўнайди. У ерда турли масалалар, учрашувлар дегандай...лар билан кунни кеч қилади. Ярим кечаси, тонгта яқин кириб келган кезлари-да, безовталигимни ҳиссиз нигоҳим билан хаспўшлайман. У қарашларимдан қадайдир маъно излаган бўлади (нимадир кутади!). Менинг унга муносабатимми? - Билмадим, ҳар ҳолда севги эмас!.. Бу фожеами? Билмайман! Ҳар ҳолда, сенинг севиб, севилиб топган фожеангнинг менинг мўтадил юрагимга қандай алоқаси бор эканки, ҳаётда учратган эркаларни Сен билан қиёслайдиган бўлиб қолдим!..

Эртага тонг отади. Деразанинг панжараси ортидан мағрур кўтарилган офтоб юрагингни илтишга майл билдирармикан?

КЎЗ ТЕГМАСИН ЮРТИМИЗГА



ҲАЁТ

Сийламагай бу ҳаёт баъзан,
 Гоҳ ўртаниб, гоҳ қулар инсон.
 Ўзгармагай тақдири азал,
 Пешонага ёзилган, ишон.
 Дунё мисли қаср баҳайбат,
 Унда бордир минг битта эшик.
 Бири қайғу, бири муҳаббат,
 Бири тобут, биттаси бешик.
 Бири оғир биттаси енгил,
 Очилгайдир ушбу саройда.
 Бир эшикка бир марта киргил,
 Яна қайта кирмоқ бефойда.
 Кўп савдолар ўтгайдир бошдан,
 Яралгандир одамзод ожиз.
 Аммо инсон яшаса ростдан,
 Қолгусидир албатта бир из.

ҲАЁТ ШАРДИҚИ

Ўтиб кетди яна битта тун,
 Қўлларимда қалам изи бор.
 Кўзларимдан ёш тўкдим дилхун,
 Юзларимда алам изи бор.
 Атроф жим-жит, ҳамма уйқуда,
 Кўчаларда шамол эсади.
 Дарахтларни чайқаб осуда,
 Ерларга барг тўшаб кетади.
 Ўтирарман ойнага боқиб,
 Соямдан ҳам қўрқаман ўзим.
 Киприklarим гоҳида силаб,
 Манглайимга қўйганда қўлим.
 Бирдан илҳом келиб юракка,
 Қўлда қалам, ёза бошладим.
 Ғамгин, аммо ёқимлигина
 Шеър устида кўзим ёшладим.

**Умида АБДУСАТТОР қизи,
 Тошкент.**

ЎШАЛМАТАН ОРЗУ

**Муҳаммад Юсуф
 хотирасига**

Сокин боғдан изларман сизни,
 Излаб, излаб тополмайман ҳеч.
 Соғинтириб мен жажжи қизни,
 Фарёдларим бўлди энди кеч.

Қоронғудек бўлди бу дунё,
 Юрагимни ўртайди алам.
 Мендан бошқа ҳеч ким йўқ гўё,
 Қўлларимда қотди бу қалам.

Мен эслайман ўша кунларни,
 Маънос боқар эди кўзингиз.
 Ҳа, ёдимда, сўнгги бор, афсус,
 Далда бўлган эди сўзингиз.

Орзуларим кўп эди, устоз,
 Сизга тақдим қилолмадим гул.
 Дардим ёзсам етмайди қоғоз,
 Орзуларим ёниб бўлди кул.

Менинг қалбим мурғак бўлса-да,
 Соғинаман Устозим сизни.
 Қанча мақтов айтсам сизга кам,
 Қалбимдасиз, унутмам сизни.


КЎРДИМ.

Юртим бугун пешонангда
 бир қуёш кўрдим,
 Безанган қир боғларингда
 дуру гавҳарлар кўрдим.
 Хумо қушинг бошингда
 ўз эркинг ўз қўлингда,
 Дунёга донг таратган
 мағрур толе ёр кўрдим.
 Кўз тегмасин, юртинам,
 Сени тантилигинга,
 Аждолларинг руҳи доим
 сенга камарбаст кўрдим.
 Яратгайдан сўрайман,
 кўз тегмасин ҳеч сенга,
 Бағринг доим бут бўлсин
 халқинг забардаст кўрдим.

**Ирода АБДУСАТТОР қизи,
 Тошкент.**

«АВЕСТО» ГА ТЕНГДОШ

КЕШ



Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов ЮНЕСКО Ижроия Кенгашининг 155-сессиясида сўзлаган нутқида: “Учинчи минг йиллик ибтидосида биз ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида қадимий цивилизациянинг, давлатчилик ва зардуштийлик даври динининг пайдо бўлиши ва ривожланиши нуқтаи назаридан бир-бири билан узвий боғлиқ бўлган, умумий инсоният тараққиётида ёрқин из қолдирган икки шонли сананинг гувоҳи бўламиз”, - деган эдилар.

Юртбошимиз таъкидлаган ўша бир-бири билан узвий боғлиқ бўлган сананинг бири - ўтган йили кўҳна Хоразмда жаҳоншумул тарзда нишонланган “Авесто” тарихий-адабий ёдгорлигининг 2700 йиллиги, иккинчиси бу йил Қашқадарёда нишонланадиган қадимий Кеш-Шаҳрисабз шаҳрининг 2700 йиллигидир. “Авесто”даги Митра мадҳиясида бизнинг юртимиз, жумладан, Шаҳрисабз тарихи ҳақида шундай битиклар бор:

*Сардорлари ботир мамлакат
Жанг-жадалда енгилмас асло,
Қорли тоғлар этагидаги
Серсув, серўт, кенг яйловларда
Ўтлаб юрар ёйилиб чорва,
Тиниқ сувли гум кўллар узра
Кўкка сапчир асов тўққинлар,
Сувларида кемалар юзган
Ўзани кенг, катта дарёлар
Тўлиб-тошиб оқиб боради.
Порутларнинг Ишкатасига,
Ҳам Ҳиротнинг Марв қалъасига,
Сунд элидан Гава ёқалаб,
Дарё оқар Хоразм томон.*

(таржима бизники - Р.М.)

“Порут”, “Ишката” каби атамалардан бошқа жой номлари бизга яхши таниш. Эҳтимол, “Порут” - “Па-

ритака-Паритака”дир. Бу тушунча “тоғ ўлкаси”, “дарё воҳасидаги вилоят” деб таржима қилинган. “Ишката” - Искат - Искант - Искентдир. Ҳозир Китоб туманидаги тоғ қишлоқларидан бирининг номи Искана. Бу сўзларнинг бир-бирига тарихий алоқаси борга ўхшайди. Ҳар ҳолда, мадҳияда Амударёнинг қадимий ўзанлари номлари тилга олингани аниқ.

“Авесто”дан кўчирилган ушбу мадҳиянинг Шаҳрисабзга қандай алоқаси бор? - дейишимиз мумкин. Қизиғи шундаки, Китоб - Шаҳрисабз - Яккабоғ атрофида Гавдара, Гавтепа, Говхона, Гавмард, Говмурда, Гавмардтепа, Гав тоғлари, Гав чўққиси каби атамалар ҳозирги кунгача сақланиб қолган. Бу жой номларини “Авесто”даги: - “... мен, Ахурамазда, энг яхши мамлакатлар ва ўлкалардан бўлган Гава Суғда диёрини яратдим”, - деган сўзларга солиштирсак, гап айнан Шаҳрисабзнинг қадимий ҳудудлари ҳақида бораётгани аниқлашади.

Шаҳрисабз шаҳрининг 2700 йиллигининг дунё миқёсида тан олингани бу табаррук замин тарихи узоқ ўтмишга бориб тақалишидан далолат беради.

Тарихчиларнинг маълумотларига қараганда Кеш воҳаси ҳудудида қадимги одамлар яшаганлар.

Сўнгги бронза ва илк темир даврига келиб, Қашқадарё воҳасининг шарқий қисми Китоб-Шаҳрисабз, Яккабоғ ҳудудлари жадаллик билан ўзлаштирила бошланган.

Археологик тадқиқотлар маълумотларига қараганда, милоддан аввалги X-IX асрларда ҳозирги Китоб ва Шаҳрисабз ҳудудларида дастлабки деҳқончилик манзилгоҳлари пайдо бўлган.

Дунё аҳли Бобил, Миср каби кўҳна маданият ўчоқларидан қанчалик хабардор бўлса, Шаҳрисабзнинг 2700 йиллик юбилеи туфайли ирмоқлари Зарафшон тоғ тизмаларидан бошланган Шўрабсой бўйида жойлашган Сангиртепа ва Узунқир ёдгорликларидан ҳам шунчалик хабардор бўлажак.

Зеро Қашқадарё воҳасидаги энг қадимги шаҳарнинг ривож топиш ўзаги Сангиртепа ва Узунқирда аҳамоний шоҳлар ва македониялик Искандар ҳукм сурган даврлардан олдин Сангиртепа ва Узунқир Зарафшон тоғ тизмасидан бошланиб, Ўрадарёгача бўлган ерларни ўз ичига олган вилоятнинг маркази бўлган. VI-VIII асрлардан бошлаб бу вилоят ва унинг марказий шаҳри Кеш деб аталган.

Демак, Шаҳрисабз - Китоб воҳасида ва умуман Кеш вилоятида энг қадимги шаҳарнинг шаклланиши ва ри-

вожланиши Узунқир ҳамда унинг ташқи қўрғони (маҳаллий ҳокимнинг қароргоҳи) Сангиртепа шаҳри билан узвий боғланади.

Тадқиқотчилар фикрича, илк ўрта асрларга оид Кеш Оқсувнинг ўнг соҳилида ҳозирги Китоб ўрнида шаклланган.

Шаҳарнинг гуллаб-яшнаган даври VII асрнинг биринчи ярмига тўғри келиб, бу даврда Кеш Сўғднинг (Қашқадарё ва Зарафшон водийлари) пойтахтига айланади. Бу даврда Кешни Дичже, Шипшир, Ахурпат номли ҳукмдорлар бошқарган.

776 йилдан бошлаб Кеш ва унинг атрофлари Муқанна бошчилигидаги миллий озодлик ҳаракати марказига айланади.

VII асрда Кеш атрофида ибодатхона бино қилинган. Ҳарбий юришлардан олдин ушбу ибодатхонага кишилар 10 мингта қўй қурбон қилиб, ўз худоларидан душманлари устидан голиб чиқишга омад сўраганлар. (Бу воқеалар Кеш Сўғдиёнинг пойтахти бўлган даврга тўғри келади (Шипшир ҳукмдорлиги даври). VIII асрда Кеш ибодатхонаси вайрон этилган.

X-XII асрларда деҳқончилик ва ҳунармандчиликнинг ривожланиши ички ва ташқи савдонинг янада тараққий этишига олиб келади. Чунки Кеш муҳим савдо йўллари чорраҳасида жойлашган.

1221 йилда бутун Марказий Осиё худудида муғуллар ўз ҳукмронлигини ўрнатадилар.

XIV асрнинг иккинчи ярми ва XV асрда мамлакатимизда узоқ муддат давом этган муғуллар истибодига барҳам берилди. Мамлакат ҳаётининг турли соҳаларида ривожланиш юз берди.

Мовароуннаҳрда рўй берган бундай тарихий-маданий жараёнлар Соҳибқирон Амир Темурнинг оламшумул фаолияти билан боғлиқ.

Амир Темур ўз ватани сифатида, Темурий шаҳзодалар эса боболарининг юрти сифатида Шаҳрисабзга ниҳоятда катта эътибор қаратишган. Ободонлик ишлари олиб борилган, маданий-меъморий иншоатлар қурилган. Шунинг учун ҳам, Шаҳрисабз (Кеш) ўша даврда “Қуббатул илм вал адаб” деган номга сазовор бўлди.

Ўрта асрларда Кеш вилоятининг ўзагини ёки марказини вилоятнинг шимоли-шарқида жойлашган Шаҳрисабз шаҳри ва унинг мавзеи ташкил этган. Бобур берган маълумотга қараганда, Самарқанддан Кешга қадар “тўққиз йиғоч” йўл бўлиб, бу Ибн Арабшоҳ маълумотларига мос келади. “Тўққиз йиғоч” 80 километрдан ортиқроқдир.

Соҳибқирон Амир Темур Шаҳрисабзда бунёд этган машҳур иморатларидан бири - Оқсарой ҳақида Абдураззоқ Самарқандий: “Сичен йилида (қадимги туркчада маймун йили), тарих етти юз саксон бирда (1380 йил, март) ул шаҳарга қалъа солдирди. Ва андоқ шаҳри бўлди-ким, гардун муҳандиси мунча ёши билан оламни кезиб ҳеч бир ерда мундоқ шаҳар ва кўшк қурмаган” турур.

Ўз даврида умумий баландлиги 70 метрга яқин бўлган Оқсарой биносининг ҳозирги кунда сақланиб қолган

қолдиғи 38 метр. Оқсаройнинг минораларига “Султон - Оллоҳнинг ердаги соясидир”, унинг пештоқига эса “Адолат - давлат асоси ва ҳукмдорларнинг шиоридир” деб ўқиладиган ёзув олти марта битилган.

Саройнинг олд томонидаги жимжимадор лавҳаларда тилла сувида битилган яна бир матн бор. Матн шундай ўқилади: “Подшўҳларнинг сўзи - сўзлар орасида подшодир”.

Оқсарой пештоқининг ғарбий устунни олд томонидан битилган ёзувлар бор. Бинонинг ҳозирги сақланиб қолган қисмининг бутун бўйи бўйлаб чўзилган бу ёзув шундай ўқилади:

“Гўзаллиги жиҳатдан ҳайратланарли ва кўк гумбазлари бўлган бу бино, пештоқ қуббаларида ўз аксини топган ва жилваланувчи турли рангдаги нурлар тарагучи машғалага ўхшайди”.

Оқсарой ғарбий устуннинг олди томонида: “Агар бизнинг куч-қудратимизга шубҳа қилсанг, биз қурдирган иморатларга боқ!” - деган машҳур ҳикмат битилган.

Шаҳрисабз шаҳридаги муқаддас қадамжолардан бири - Дорутиловат меъморий ёдгорлик мажмуидир.

Ёдгорлик мажмуи XIV-XV асрларда барпо этилган бўлиб, ўз ичига Кўк гумбаз мачити, Шамсиддин кулол ва Гумбази Сайидон мазорларини мужассам этган.

Ҳазрати Имом номи билан аталувчи “Дорус саодат” меъморий ёдгорлик мажмуи эса Доруд тиловатдан шарқ томонда ўрнашган.

Шаҳрисабзнинг меъморий ёдгорлик мажмуаларидаги табаррук сағаналарида Амир Темур Соҳибқироннинг пирлари Сайид Амир Кулол ва оталари Амир Тарағай Боҳодир ором олиб ётибдилар.

Шаҳрисабз шаҳрининг илк бор девор билан ўраб олиниб, мустаҳкамланиши XIV асрга оид бўлиб, Амир Темур фаолияти билан боғ-

лиқдир.

XVIII-XIX асрларда Шаҳрисабз паҳса девор билан ўралган, олтита дарвозага эга бўлган:

Шимолий дарвоза - Китоб дарвоза ёки Арк дарвоза деб аталади.

Шарқий дарвоза - Кунчиқар дарвоза.

Ғарбий дарвоза - Қушхона ёки Чироқчи дарвоза.

Жанубий дарвоза - Чармгар ёки Яккабоғ дарвоза.

Бек қўрғони шаҳарнинг шимолий-шарқий бурчагида жойлашган. Қўрғон иккита дарвозага эга бўлиб, жанубий томонидаги - Кўк дарвоза, шарқий томонидаги Тўпхона дарвоза деб аталган. Қўрғон олдида шаҳарнинг асосий майдони Регистон жойлашган.

Мустақиллик йилларида Шаҳрисабз ўзининг кўҳна шухратини қайтадан тиклади. Айниқса, Амир Темур таваллудининг 660 йиллиги нишонлангандан сўнг Шаҳрисабз довури янада юксалди. Қадимий обидалар таъмирланди. Президентимиз фармонида биноан шаҳарга “Амир Темур ордени” берилди.

Рустам МУСУРМОН



БЕНАЗИР

«Сизни нега севмаслик лозим»



* * *

Этмагандек севишни уdda,
Унутишни қилмайсиз қойил.
Ҳисларингиз мудом уйқуда,
Ҳисларингиз сукутта мойил.

Йиғламайсиз йиғлаганим он,
Кулмагайсиз кулганим фурсат.
Мен ишқдан эриган ос/и/мон,
Сиз эса, сиз эса...
Исмсиз, исмсиз, Аросат!

* * *

Юрагимга тортасиз лашкар,
Ўйларимни қиласиз банди.
Беназирга айламай назар,
Ўтмоқчи бўласиз, Афандим.

Яшилмиди дунёнинг ранги,
Шеърлар янги, туйгулар янги,
Ҳажрингизда дилим ўртанса,
Сиз бошима маломат сангин
Отмоқчи бўласиз, Афандим.

Ишқ берилмас ақли расоға,
Бу дард маним эгамдан совға,
Бандасини менсимай Худоға,
Етмоқчи бўласиз, Афандим.

Бошимда турасиз осмондек.
Пойимда йиғлайсиз ҳазондек,
Кўнглимни тубига армондек,
Ботмоқчи бўласиз, Афандим.

Раво билмай ғамларингизга,
Даво билмай ғамларингизга,
Мени шодон дамларингизга,
Сотмоқчи бўласиз, Афандим.

Безиб ишқнинг ғавғоларидан,
Ҳижрон отлиғ совғоларидан,
Борим учун дунёларидан,
Кетмоқчи бўласиз, Афандим.

* * *

Худо, умр бердинг аломат,
Кўп ёғди бошима маломат.
Нима бу, ишқми ё фирибми?

Ман деб йиғлаганлар саломат,
Мани йиғлатганлар юрибми.

Худо, банданг бунча золима,
Чорласам келмайди ёнима.
Ўртамизда тоғлар турибми?
Сизни кўп соғиндим жонима,
Мани унутганлар юрибми?

Кўрқмадим гуноҳи азимдан.
Кўзлари кетмади кўзимдан.
Беҳишти тушимга кирибми?
Ман уни кўп севдим ўзимдан,
Мани севмаганлар юрибми?

Гарчи севги рўё Беназир,
Гарчи фоний дунё Беназир.
Дардинг буюк, мисранг ғарибми?
Кўй ўксима аё Беназир,
Олам сендай ошиқ кўрибми?

* * *

Ҳижрон муҳаббатнинг жазмани,
Соғинч - унга содиқ мулозим.
Дейсиз нега севгансиз мани,
Сизни нега севмаслик лозим.

Нега сизни унутиш фармон,
Нега сизга бормаслик қонун.
Ёлғон, ёлғон, ҳаммаси ёлғон,
Афсун, афсун, ҳаммаси афсун.

Сизни менчун яратган Худо,
Мени сизчун назр айлади.
Тўхфасидан кечасизми ё,
Ё раб бизга жабр айладинг.

Гарчи сизни унутиш савоб,
Гарчи эслаш гуноҳи азим.
Холиқимга ман бергум жавоб,
Бор гуноҳни бўйнимга осиб.
Сизни фақат севмоқлик лозим.

* * *

Суйсам сизни бўғилиб суйгум,
Жоним келсин томоқларимга.
Ишқимизни занжирлаб қўйгум,
Юрагимни қамоқларига.

Кучсам сизни энтикиб кучгум,
Сигмай кетинг кучоқларимга.
Сингиб кетинг қароқларимга,
Азобимни тамшаниб ичгум.

Куйсам сиз деб, сизни деб куйгум,
Худо билсин куйганларимни,
Худо билсин суйганларимни,
Юрагимга яшириб қўйгум,
Йиғлаганим, кулганларимни.
Куйсам...

* * *

Дунё ўлди, мен ўлдим.
Бир ишқига тенг ўлдим.
Ё у менга тор ўлди,
Ё мен унга кенг ўлдим.

* * *

Оёғимда замин, бошимда само,
Ўнгимда фаришта, сўлимда лаъин.
Раҳмон ўзимники Тангримо,
Шайтон ўзимники найлайин?

Ишқ бердинг, ишқ мани оловга отди,
Хижрони синовдан синовга отди,
Дардимни бировдан бировга отдинг,
Ўзимда ўзимни кучоқлаб ётдим,
Бу жон ўзимники найлайин?

Кимни деб азоблар чекди қалбимо,
Бандангни пойида чўкли қалбимо,
Осмон ўзимники энди Раббимо,
Нарвон ўзимники найлайин?

Ўйнатдинг тақдирнинг чирмандасига,
Дунёнг тутди мани исканжасига.
Бу қандайин фирромлик қандайин ўйин,
Куйсам жаҳаннамнинг алангасига,
Ризвон ўзимники найлайин?

Вужудимда гуноҳ, изимда гуноҳ,
Кўзимда, сўзимда, ўзимда гуноҳ.
Тинч ухлаб ётсайди кўксимда гуноҳ,
Виждон ўзимники найлайин.

Беназир (Тўлғоҳра Зокирова) Наманган шаҳрида тузилган. Наманган педагогика билим ўқитиши татомлаган. Ҳозирда Ўзбекистон миллий университети қошидаги Олий Адабийёт курсида таҳсил оляпти. Шеърлари "Ёшлик"да биринчи марта эълон қилинмоқда.

Шахло ҲОШИМОВА



НОТАНИШ ҲАМРОҲ

Ҳикоя

Ёз чилласи. Куёш ерга яқинлашиб қолгандай кун жуда иссиқ.

Шаҳар четида жойлашган аэропортга самолёт келиб қўнди.

Одамлар гимирлаб қолишди. Бироқ ярим соат оралигида аэропорт яна аввалгидай, гўё саҳрога ўхшаб қолди.

Йўловчилар аэропорт ёнидаги такси майдончасига югуришди. Фақат бир киши қўлида кичкинагина чемодан билан қаерга боришини билмасдан, куёш олови ёндираётган такси майдончасида ўйланиб турарди. Гўё бу одам саратоннинг жазирама иссиғига эътибор бермас, синчков нигоҳларида аллақандай хотиржамлик сезилиб турарди.

Бир такси меҳмон рўпарасида тўхтади. Ҳайдовчи машина ойнасидан бошини чиқариб: “Бизга хизмат борми?”, дея сўради.

- Яқинроқ бирор меҳмонхонага элтиб қўйсангиз, - деди меҳмон.

Такси шаҳар марказидаги баланд меҳмонхона қаршисида тўхтади. Меҳмон Ҳайдовчи билан хайрлашиб, меҳмонхонага кирди ва юқори қаватдаги замонавий жиҳозланган хонага жойлашди. Хонанинг кенг дераза ойналаридан шаҳарни томоша қилиб, соатига қаради. Ҳали эрта. Меҳмон кўчага чиқди. Кўчалар бўм-бўш.

Меҳмон ҳеч қандай мақсадсиз юриб борарди.

Бир вақт ортидан қайсидир дарвоза тарақлаб очилди. Ич-қаридан аёл кишининг асабий овози эшитилиб, баланд бўйли, 45-50 ёшлар оралигидаги эркак киши ҳовлидан югуриб чиқди. Меҳмон ўзи истамаган ҳолда шошилиб олдинга юрди.

Маҳалла кўчаси тугаб, ундан тор кўчага, яна кенг кўчага, бир-бирига ўхшайдиган иссиқ, дим, жазирама кўчаларда кетаркан, меҳмон бояги одам ортидан қолмаётганлигини сезди. Уларнинг ораларидаги масофа ўзгармай сақланиб турарди. Бир сафар меҳмон кўчада тўхтаб сигарет тутатди. Мезбон ҳам худди шундай қилди.

“Тавба, - деб ўйлади меҳмон, - нега бу менга ёпишиб олди, тушунмадим... Бу мендан нима истайди. Нега ортимдан соядек эргашиб юрибди. Ёки у жиннимикан? Йўқ, йўқ... Ёки мендан ниманидир сўрамоқчимикан?..”

Меҳмон юриб-юриб, баланд қаватли иморатлар оралигидаги болалар майдончасидан чиқиб қолди. Майдоңча кенг, аммо бирор дарахт кўринмасди.

Меҳмон ўриндикнинг бир четига ўтирди. Мезбон иккинчи томонга келиб ўтирди. Улар иссиқдан ҳаллослаб қолишди. Меҳмон бу бегона шаҳарда мусофирликдан, иссиқнинг зўридан, нотаниш кўчалардан, қутилмаган учрашувдан, чарчаган эди. Аммо юрса, ҳамроҳи яна ортидан эргашишидан чўчиб, қимир этмасдан ўтирарди.

Куёш аввалгидан ҳам ерга яқинроқ келган, ер бутун бағрини унга очиб кўрсатаётгандек эди. Меҳмон ҳамроҳига кўз қирини ташлади. Унинг ҳорғин гавдасига қариллик соя ташлаган. Юзида эса ўзига таниш бўлган бахтсизлик нишонлари бордай. Меҳмон оғир хўрсиниб қўйди... “Ҳой, дўстим, сенга нима бўлди? Нима дардинг бор? Ортингдан бақириб қолган

аёл ким эди? Қара, менга нисбатан ёшинг ҳам анча улуг кўринади. Туғилиш ва ўлим орлиғи мендан кўра сенга кўпроқ танишдек. Шундай экан, нега менинг ортимдан соядек эргашиб юрибсан? Нега бошингни осмонга қаратиб ўриндикқа суяниб олдинг, ахир дўппинг ерга тушиб кетди-ку, юзинг офтоб нурида қаттиқ қуйиб, кечаси билан ачишади. Тур ўрингдан, кета қол уйингга, ахир қорнинг ҳам очиб кетгандир. Ҳозир кетмасанг, иккимизни ҳам тепамиздаги офтоб ютиб юборди... Турмайсанми? Қайсарлик қилма, мен сенинг ортингдан юрганим йўқ-ку, агар сен кетсанг, ортингдан бормайман. Ишонмаяпсанми? Бекор қиласан, одамга ишониш керак, фақат ишонч одамни тушқунликдан асрайди. Кетмайсанми?.. Майли, унда қайсарлик қилиб ўтиравер, эртагача қиладиган ишим йўқ. Шаҳрингга меҳмонга келманман. Бу ерда болаликдаги ўртоғим яшайди. У билан ўн йилдан буён кўришмаймиз. Лекин кунора телефонда гаплашиб тураемиз. Менимча, учрашувнинг унчалик кераги ҳам йўқ. Негаки, самимий суҳбатга одам башараси халақит беради. Қалбдан чиққан сўзларни қулоқ солиб эшитиш, қалб билан ҳис қилиш яхшироқ. Нигоҳлар бир-бири билан учрашганда, одам ўзига ўхшаган одамга қалбини очиб кўрсатгиси келмай қолади. Сенда ҳам шунақанги ҳолат бўлиб турадимми? Гапирмайсанми? Майли, индамай гаплашганимиз яхшироқ. Бир-биримизни тушунамиз... Айт-чи, нега менинг ортимдан юрибсан? Эрталиб ортингдан бақириб қолган аёл хотинингмиди? Уни севасанми?.. Мен ҳам бир аёлни севган эдим. Жуда қаттиқ севардим, фақат унга ишонардим. Назаримда, у ҳам мени севарди, менга ишонарди, фақат менга. Ҳа, ҳа, фақат менга талпинарди. У вақтда мен жуда бахтиёр ва ҳаммага ишонардим. Бирдан у мени ташлаб кетди. Мен ўйлаганимдай, фақат у мен учун яратилмаганлигини, фақат менга талпинмаслигини, мени қандай севган бўлса, бошқани ҳам худди шундай севишини тушунтириб ташлаб кетди. Ортидан индамай қолавердим.

Шундан буён ишга бораман, уйга келаман. Иш ва уй орлигида туйғуларим чегараланиб, зерикарли одамга айланиб қолдим. Сен ҳам менга ўхшаб зерикарли одам экансан. Қалбингдаги нарсани очик гапирмас экансан. Айт-чи, мендан нима истайсан?.. Пулми?.. Менинг пулим фақат маот олганимдагина бўлади. Агар гапиринг келаётган бўлса, гапир, сенинг ҳамма гапларингни эшитаман... Йўқ, ҳеч қачон қалбинг чиқарган ҳукмлардан қулмайман... Майли, алдасанг ҳам, ёш боладай ҳаммасига ишонаман... Ўйлапсанми? Майли, ўйлай қол, хаёлларинг гирдобиди менга ўхшаб адашиб кетмасанг бўлди.

Биз бир-биримизга жуда ўхшар эканмиз, сенинг билангингдаги ёзув менинг билагимда ҳам бор. Қани, сеники нима деб ёзилган? “Мўмин”. Нима, бу сенинг исмингми? Меники ҳам “Мўмин”. Неча ёшга кирасан? Кўринишдан кексароқ кўринасан, менга ҳам кўпчилик “Ёшингга нисбатан кекса кўринасан”, деб айтишади... Гап кексаликда эмас... Лекин гап ёшда ҳам эмас. Гап фақат ўлимда, эски танадан қоладиган бир сиқим тупроқда... Ишонмайсанми?.. Ё сен менинг ўзим-мисан? Наҳот мен ўз-ўзимни кўриб турибман...»

Меҳмон бўғзига тошиб келган фарёдни ичига ютди...



ELIM DEB, YURTIM DEB YONIB YASHASH KERAKI

MUASSISLAR:
O'zbekiston Yozuvchilar uyushmasi,
«Kamolot» yoshlar ijtimoiy harakati**Jamoatchilik kengashi raisi:**

Abdulla ORIPOV

Jamoatchilik kengashi:

Allanazar ABDIYEV

Abulqosim MAMARASULOV

Ahmad OTABOYEV

Mirkamol ODILOV

Yo'ldosh SULAYMON

Ahmad USMONOV

Farmon XUDOYBERDIYEV

Botir UBAYDULLAYEV

Sirojiddin SAYYID

Bosh muharrir

Sobir O'NAR

Bosh muharrir o'rinbosari

Abduqayum YO'LDOSHEV

Mas'ul kotib

Akbarali MAMASOLIYEV

Tahrir hay'ati:

Odil YOQUBOV

Abdusaid KO'CHIMOV

Abdul G'ani JUMAYEV

Vafo FAYZULLO

Yo'ldosh ESHBEK

G'affor HOTAMOV

Lugmon BO'RIXON

Yoshlarning adabiy-ijtimoiy jurnali 1982 yil-
dan chiq boshlagan.

© "Yoshlik" № 5-6 (187) 2002 y.

Ushbu son "Yoshlik" jurnali tahririyatining
kompyuter markazida sahifalandi.**MUNDARIJA****MUHARRIR MINBARI***Sobir O'NAR. NAVQIRONLIK* 1**NASR***Shoyim BO'TAYEV**Shohona sovg'a. Qissa* 5*Normurod NORQOBILQV**Ovul oralagan bo'ri. Qissa* 24*Shahlo HOSHIMOVA**Notanish hamroh. Hikoya* 47**NAZM***Usmon AZIM**Boshimda — qish, qallda — bahor, taqdirimda —**tiyramoh* 2*Zikrilla NEMAT**Seni sog'inaman, qishlog'im* 36*Yoldosh ESHBEK**Bizning XXI asr epopeyasi* 39**GURUNG***Halima XUDOYBERDIYEVA**Suyansa arziydigan Vatan* 18**ZOMIN ILHOMLARI***Yoshlar mushoirasi**Nargiza OXUNOVA, Farog'at JABBOROVA, Bahrom**NORMURADOV* 22*Shohista MAHMARAIMOVA**Kechir. Hikoya* 42**BIRINCHI UCHRASHUV***Zilola XO'JANIYOZOVA.**Bizni kashf etadi bokira yellar* 33*Shokirjon OLIMOV**Rayhon* 34*Umida va Iroda ABDUSATTOR qizlari**Ko'z tegmasin yurtimizga* 43*BENAZIR**«Sizni nega sevmalik lozim»* 46**TALQIN***Nargis MAMATQULOVA**Izlanish falsafasi* 35**TADQIQOT***Zulfiya PARDAEVA**Romanning taraqqiyot tamoyillari* 37**SHAHARISABZNING 2700 YILLIGIGA***Rustam MUSURMON**«AVESTO»ga tengdosh KESH* 44**MUQOBALARIMIZDA:**

1-bet: Ёшлик сурури...

2-bet: Шахрисабзнинг 2700 йиллиги

3-bet: Ўзбекистон халқ шоири Жуманиёз ЖАББОРОВ

4-bet: Хушовоз эстрада хонандаси Азиза БАРАТОВА